

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

М.М. Исҳоқов

**5А 120304 – «Манбашунослик, тарихшунослик, тарихий,
тадқиқот методлари мутахассислигининг назарий масалалари»
фанидан**

Ўқув услубий қўлланма

Тошкент – 2011

«Манбашунослик, тарихшунослик, тарихий, тадқиқот методлари мутахассислигининг назарий масалалари» фанидан ўқув қўлланма намунавий дастур ва таълим йўналишининг ўқув режаси асосида тузилган.

Муаллиф: тарих фанлари доктори М.М. Исҳоқов.

Ўқув қўлланма кафедра мажлисининг 2011 йилдаги 5 октябрь 4-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Ўқув қўлланма ЎУК мажлисининг 2011 йилдаги _____-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиққа тавсия этилган.

Жаҳон сиёсати ва тарих факультети ЎУК раиси

_____Б.Мамараҳимова

Аннотация: Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлар илмий-услубий бирлашмаларининг фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2010 йил 17 августда тавсия этилган “Мутахассисликнинг назарий масалалари” фанидан намунавий дастур асосида яратилди.

Муаллиф ҳар бир мавзуга илова этилган илмий адабиётлар мажмуини таҳлил этган ҳолда, тарихимизни ҳаққоний ва холисона яратиш йўлидан бориб, уни магистарнтларга етказишга ҳаракат қилади ва тарихимизни янада чуқурроқ ўрганишга ва назарий асосларини идрок этишга йўналтиради.

1 -МАВЗУ: ФАННИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. “Манбашунослик, тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари” мутахассислигининг моҳияти ва тарих тадқиқотлари ҳамда таълими жараёнидаги ўрни.
2. Мутахассислик фанлари ва уларнинг предмети, мақсади ва вазифалари (масаланинг умумий жиҳатлари).
3. Фаннинг ўқув режасидаги фанлар бўйича умумий назарий ва амалий хусусиятларни белгилашда муҳим омил экани.
4. Фаннинг тарих тадқиқотлари ва таълимидаги методологик таянч хусусияти.

Таянч иборалар ва тушунчалар:

Тарихий жараён, тарих – объектив ўтмиш, тарихчининг масъулияти, тарихнинг тарихийлиги, тадқиқотларда методология ва методиканинг муносабати, моддий гувоҳлик ва унинг талқинидаги эркинлик, ёзма гувоҳлик, талқиний ёндошув, тадқиқот стратегияси, тарих ва мафкура, тарихнинг узлуксизлиги, тарихга турлича қарашлар.

Дарснинг мақсади:

1-дарсда магистрантларга мутахассислик мутахассислигининг фанлар таснифидаги ўрнини, мазмуни ва моҳиятини, тадқиқот ва таълим соҳаларидаги предмети, вазифаларини, таҳлил усуллари ва услубиятини, ўқув режасидаги фанлар билан мутахассислик фани ўртасидаги узвийликни, тарихий муаммоларни ҳал қилишда ёндошув ва тарихнинг тарихийлик тамойилини ҳисобга олиб иш кўриш масалаларини тушунтирилади.

Асосий қисм

Тарихчилик ўта масъулиятли касбдир. Тарихни муайян ижтимоий, сиёсий манфаатлар талабларига бўйсиндиришга қаратилган ҳар қандай уриниш бу фан олдидаги объективлик талабига зиддир. Чунки ўтмиш тарихчи ихтиёридан ташқаридаги, бироқ, тўғри тушунилишива тушунтирилиши лозим бўлган объективликдир. Бу ўринда тарихчи ўтмиш воқеалар карвонининг охирида бораётган сайёхдек. Карвон бошидаги, ўртасидаги воқеалар унинг учун кўриш имкониятидан ташқари ва мутлақо ҳолис ҳақиқатдир. Воқеаларнинг келиб чиқиш шарт-шароитларини, сабабларини, уларнинг кечиш жараёнларини, оқибатларини, кейинги воқеаларга таъсирини, бу тизимни боғлаб турувчи қонуниятларни очиб бериш тарихчидан чуқур ва атрофлича билим, манбалар билан ишлаш кўникмаларини талаб қилади. Тарихчи, айниқса манбашунос тарихчи узоқ ва яқин ўтмишни ундан қолганмоддий, ёзма ва оғзаки манбалар асосида ҳаққоний тавсиф, таҳлил ва талқин қилишга масъулдир. Шу билан баробар тарихчи ўзи фойдаланаётган манбанинг воқеликга муносабатини ҳам тўғри баҳолаши лозим. Чунки, турли давр манбаларида манфаатлар зиддияти табиий ҳолдир. Тарихий жараён эса объектив бўлиб, унга муносабатлардаги субъектиаликлардан устун, барқарор ўзгармасдир.

Ўқув режасидаги барча фанлар моҳиятан мутахассислик фанининг у ёки бу қирраларини тўлдиради. Демак мутахассислик фанининг назарий масалалари ўз навбатида кафедра ўқув фанларининг назарий асосларини, уларнинг методологик заминини, қолаверса, тарихни ўрганишнинг манбавий асосларига муносабатини шакллантиради.

Мутахассисликнинг назарий масалалари ўз навбатида кафедра ўқув фанларининг назарий асосларини, уларнинг методологик заминини, қолаверса, тарихни ўрганишнинг манбавий асосларига муносабатини шакллантиради.

Мутахассисликнинг назарий масалалари тарихий жараёнларнинг узлуксизлиги орқали идрок этилади. Зеро, инсоният пайдо бўлибдики, унинг

ижтимоий ҳаёти узлуксиз ва давомийдир. Тўғри, тарих текис ва равон кечмаган. Баъзан бутун-бутун цивилизациялар, этнослар ўтмиши қарига чўккан. Бироқ, уларнинг меросидан таъсир олган янги маданий-ижтимоий жараёнларга сингиган. Нисбатан яқин ўтмишда тарих саҳнасидан тушган суғдлар ўзларининг асрий маданиятини ўзларидан кейин шаклланган янги этносларга мерос қилиб қолдирдилар. Қадимда шумерлар халқ сифатида “тугаб” аккадларнинг синкрет маданиятига кўп цивилизацион хусусиятларни қолдирдилар ва ҳоказо.

“Мутахассисликнинг назарий масалалари” фани асос эътибори билан методологик хусусиятга эга. Метод ва методология масаласи эса ўзаро узвий боғлиқ икки сатҳ бўлиб, бири бирисиз амал қилмайди. Чунки, метод муайян масалани тўғри тавсиф этиш, тушуниш, ва талқин қилишнинг жорий усуллари демакдир. Метод бу маънода муаммонинг ҳал қилиниши (талқин этилиши) олдига қўйиладиган бош мақсадни кўзловчи тадқиқот ғоясига тобе ва унга хизмат қилади. Шу сабабли метод тадқиқот объектининг таркибини белгилаш, масаланинг турли қирраларини очишнинг энг қулай йўлларини аниқлаш демакдир. Бу хусусият билан метод метод масаланинг моҳиятини, унинг ўрганилиши олдадаги бош мақсадни ҳал қилишнинг турли воситаларидир. Метод фаннинг (муаммонинг) ҳал қилинишидаги тактика бўлса, методология тадқиқот стратегиясидир.

Метод ва методология бир томондан тадқиқотчиликда, иккинчи томондан таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Буларсиз тадқиқот ва ўқитиш ишларини тасаввур қилиш қийин.

Тарих фани тараққиётида метод ва методология муаммолари доимий равишда олимлар диққатида бўлиб келган. Қадимги юнон-рим тарихчилари “кўрганлик ва эшитганлик” бўйича маълумотлар баёнини берганлар. Қадимги туркий халқлар “тарихчилиги”да ўтмишни ибрат қилиб кўрсатиш ва хатоларни такрорламаслик ғояси сингдирилган (Билга хоқон, култегин ёдномалари). Ислом даври тарихчилигида Одаматодан муаллифгача тарихни бериш тамойили кучайган. Методологик янги йўналиши “Хвадайномак”,

“Шохнома”, “Тарих ар-русул ва ал-хукамо” типдаги ўрта аср манбаларида давом этди. Хусусан, “Шохнома”, “Тарихи мулуки Ажам” (А.Навоий) каби асарлар учун Шарқ тарихида кайёнийлар, пешдодийлар, ашконийлар, сосонийлар каби тўрт сулолавий хронология амал қилди. Аммо бу тарихлар реал тарихни ровий, ҳатто асотрий тарихий тафаккурдан ажратмаган. Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да генеологик илдиз масаласи анъанавий, одам алайхиссаломдан бошланиб, турк-муғул анъанасини акс эттирди. Абулғозий Баходирхоннинг “Шажараи Турк” асари ҳам шу руҳда тузилган.

Персонал (айрим шахс) фаолият тарихларидан бошлаб тарих тафаккурида ровий тарих билан ҳаётӣ (реал) тарих ажратила бошлаган.

Ғарб тарихчилигида Августин (мил. 354-430 йй.) ўзининг “Илоҳӣ давлат” (“De civitate dei”) асарида самовий подшолик ва ердаги подшолик ғоясини қарама-қарши қўйди. Тарихда дуализм оқами шундан бошланади. Унинг фикрича барча тарихий жараён ердаги шайтонӣ давлат вақти келиб тугагач, самовий, илоҳӣ подшолик даври бошланади. Ердаги шайтонӣ давлат Одаматонинг икки ўғлидан бири Қобул томонидан хотилнинг ўлдирилишидан бошланган. Қобул ерда улкан “қароқчилар давлатини (маконини)” бошлаб берган. Бу ўз интиҳосига етади. Римнинг қулаши билан бу “макон”нинг тугаши бошланган. Эндиликда эса Византия тимсолида (Константин қироллиги) илоҳӣ самовий давлатнинг пайдо бўлиши учун илк даракчидир деб уқтиради Августин.

Шарқ тарих тафаккурида ҳам сулолалар тарихи мисолида сўнгги подшолик адолатли ва худога мактуб давлат сифатида кўрсатилиш анъанаси бор ва буни махсус тадқиқ этилиши лозим.

Ғарбда Клавдий Птолемей тарихни географик талқин қилиш анъанасининг асосчиларидан бири давлат тарихини турк хронологик босқичга бўлган: Ассирио-Вавилон, Мидия-Форс, Юнон-Македон ва Рим босқичлари. Бу юқорида келтирилган шарқона “Тўрт босқич” анъанасидаги асотир ва тарих қоришмасидан кўра тарихан ҳақиқӣ босқичлар эди. Бироқ, Рим империясини бу қараш ердаги охирги давлат, деб кўрсатади. Шу билан

бирга тўртала босқич худонинг иродаси билан рўй берган ва у босқичлар инсониятнинг сиёсий бирлашувига хизмат қилган. Эндиликда инсоният, эмишки, Византия бошчилигида илоҳий давлат атрофида бирлашар эмиш. XII асрда яшаган тарихчи Оттон Фрейзинген Рим империяси одамзоднинг христиан дини атрофида бирлашуви учун замин ҳозирлаган, дея хулоса чиқарган эди. (“Хроника от сотворения мира” номли китобда). Гўё, Худо Римга қудрат бериб, унинг императори шахсида одамларни итоатга ўргатган ва оқибатда худодан ҳам кўрқадиган итоатли бўлишга ўргатган.

Ғарб тарих тафаккури таракқиётида Августин ва унинг издошлари “Тўрт хронологик босқич” назариясини XVI-XVII асрларгача давом эттирдилар. Ғарб гуманистик тарихчилик ҳамда эрудит тарихшунослик мактабларида ҳам мазкур қараш таъсири кузатилади.

Шарқда Ибн Халдуннинг ижтимоий тарих назарияси тарихга ижтимоий ҳодиса ва жараён сифатида қараш оқимининг бошида туради. Ғарбда Ибн Халдун қарашлари Вико, Тюрго, Фергюсан, Кандорс, Конт, Спенсер каби олимларнинг назарий қарашлари шаклланишида муҳим таъсир кўрсатган.

Нисовий, Ибн Арабшоҳ каби шарқ тарихчилари тарихга фаталистик (тақдирда ёзилган ҳодиса сифатида қараш)ни етакчи ўринга қўйдилар. Масалан, уларнинг фикрича, Султон Жалолиддин Мангбурни ёки Амир Темур қанчалик қудрат ва салоҳиятга эга бўлмасинлар, тақдири азал ҳукмидан чиқа олмайдилар, қабилида талқин қилинади.

Хулоса ўрнида тарихий жараёнларнинг ягоналиги, уларнинг ижтимоий асослари, воқеа-ходисаларнинг сабаб ва оқибат муносабатлари, ҳаракатлантирувчи кучлари, пассионаризм ва бошқа масалалар тарихнинг методологик асослари объективизм руҳида бўлиши учун муҳимлигини таъкидламоқ лозим.

Мавзунни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. 5А 220204 шифрли мутахассисликнинг мазмуни ва моҳиятини нималар ташкил этади?
2. Тарих тадқиқотлари ва таълими учун методологик асоснинг қандай аҳамияти бор?
3. Тарих фанида концептуал методологик қарашлардан қандайлари биласиз?
4. Тарихни даврлаштириш ғояси ва цивилизацион ёндашув ўртасида қандай фарқ ёки зиддият бор?

Мустақил таълим учун топшириқлар:

1. Ўзбекистонда тарих фанининг методологик асослари қандай йўлга қўйилган?
2. “Марксча-ленинча” историографиянинг моҳияти нима эди: Фармацион қараш нега ўзини оқламади?
3. Шарқона тарихчиликда етакчи услублар ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ – Т.: Ўзбекистон. – 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. – 2009.
3. Исҳоқов М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т.: ТДШИ. – 2010. – Б. 169-172.
4. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. Т.: - 2006.

2-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ МИНТАҚАСИ БИРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Тарихнинг ижтимоий моҳияти, табиат тарихидан тубдан фарк қилиши.
2. Шахс ва жамият муносабатлари тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида.
3. Инсон, жамият ва иқтисод – тарихнинг омиллари.
4. Инсон, жамият, сиёсат тарихнинг муносабатлар майдони сифатида.
5. Инсон, жамият ва маънавият тарихий жараёнларнинг муҳим омиллари сифатида.
6. Мутахассислик фани доирасида манбалар таҳлилининг мавзуга хос муаммолари.

Таянч сўз ва иборалар:

Инсон ва унинг борликдаги ўрни, инсон жамият аъзоси, жамият ва инсон, инсон ва иқтисод, инсон ва табиат, инсон ва ҳуқуқ, инсон ва маънавият, жамият ва инсон, табиат (биосфера) ва инсон, иқтисод ва инсон, иқтисод ва жамият, сиёсат ва инсон, давлат ва инсон, ҳуқуқ ва инсон, маънавият ва инсон.

Дарснинг мақсади

2-дарс бошидан оёқ тарихий ижтимоий жараёнларнинг бош омили инсоннинг жамият, табиат, иқтисодий муносабатлар, сиёсий жараёнлар, ҳуқуқий муносабатлар, маънавий меъёрлар кабилардаги ўрнини кўрсатиш, инсон ва у мансуб бўлган жамият тарихи умумбашарий тарихнинг бир қисми эканини етказиш, инсон ижтимоий хоссасининг йиғиндиси тарихнинг ижтимоийлигини белгилашини, инсон ва унинг жамияти асрлар оша маънавий такомил босқичларида узлуксиз ривожланиб келганини цивилизацион асосда тушунтириш дарснинг мақсади ва вазифаларини ташкил этади. Бундан ташқари дарс давомида МОХТнинг моддий ва ёзма тарзда етиб келган энг муҳим ёдгорликларини юқорида келтирилган аспектларда талқин этиш кўзда тутилади.

Асосий қисм

Алишер Навоий тили билан айтганда Аллоҳ олами яратган экан, бундан унинг муроди инсон экан. Инсон пайдо бўлибдики, унинг моҳияти ёлғизликка эмас ижтимоийликка интилиб келган. Энг ибтидоий ҳолатида ҳам инсон табиат олдида ўзи сингарилар билан бирлашган. Шаклланган уюшув эса тарихда ўз босқичига кўра турлича аталади: пода, тўда, уруғ, қабила... ва ҳоказо. Бас шундай экан, тарих инсон ва жамият муносабатлари, ўз навбатида жамиятнинг табиатга нисбатан ҳамда ўзининг яшаши, учун муҳим бўлган иқтисодий заҳираларига муносабати шакллари, уларнинг ижтимоий ҳуқуқий асослари, давлат, унинг сиёсати орқали юзага келадиган турли вазиятлар, воқеа-ҳодисалар тизимининг ўзаро боғлаб турувчи ва фарқловчи қонуниятлари – буларни чуқур тушунмай туриб инсоният тарихини идрок этиш мушкул.

Аксинча, жамият айрим олинган индивидга нисбатан ўзининг турли қирраларга эга муносабатини шакллантиради. Ўз навбатида бу таъсирлар тизими ижтимоий бирлик ичида маълум манфаатлар қатламлари аро тақсимланади. Яъни тарихнинг ижтимоий йўналганлиги масаласи пайдо бўлади.

Инсоният тарихнинг табиат тарихидан фарқи унинг ижтимоийлигидадир. Фақат инсон онгли равишда ўз ўтмишини идрок этишга, ижобий ва салбий оқибатларини тажриба сифатида талқин қилишга қодир. Бироқ масаланинг бу ечимига қадар тарихни тушуниш йўлидаги қарашлар турли-туман ва мураккаб бўлган.

Бутун борлиқнинг тарихи саноксиз миллиард йиллар билан, чексизликкача даражада белгиланиши маълум. Биологик қуёш шу миллиардларнинг бир қисми, халос. Инсоният тарихи эса янада кичик даврни ташкил этади. Умуман борлиқ ичра жонли ва жонсиз ҳаёт ҳақидаги тарихий тасаввурлар инсоннинг илмий-назарий ва ноилмий эмпирик билимлари маҳсулидир. Демак ўтмиш (хоҳ табиат, хоҳ жамият ўтмиши) ҳақидаги билимлар аслида ижтимоий ходисадир. Яъни инсон томонидан, унинг

жамияти эришган даражаларда англаб етилган (ва баъзан англаб етилмаган ҳолда) талқин этилган билимлар мажмуидир.

Тарих фанининг бош мақсади (бу ҳақда қуйироқда алоҳида тўхталамиз) жамият босиб ўтган тараққиёт ва таназуллар, янгидан жонланишлар, сифат ва миқдор ўзгаришларининг сабаблари, жараёнларнинг кечишини, оқибатларини, ички қонуниятларини, ташқи омилларини, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларини тушунтиришдан иборат.

Инсон ва табиат деганда одамзоднинг тириклиги бевосита боғлиқ у яшаган муҳитнинг ҳаёт омили сифатидаги ўрни ҳақида гап боради. Шу ғоя асосида унинг кенг талқинини тарих ва биосфера, этнос ва биосфера муносабатлари сифатида талқин қилиш фанда янгича ёндашувга олиб келди. Бу ғояни этносга нисбатан қўллаш ҳар бир ижтимоий бирликнинг ўз яшаш муҳити ҳосиласи ва ўз муҳитини ўзгартирувчи омил эканини тушунтириш имконини берди.

Инсон ва иқтисод – бу инсоннинг яшаши учун бош омилига муносабатдир. Иқтисодий омил – тарихнинг қудратли ғилдираги. Зеро, инсоният тарихи азалдан иқтисодий имконият учун кураш масаласининг биринчи ўринда бўлганини кўрсатиб келади. Иқтисодий масала ҳудудий курашлар, ўз ҳудудини ҳимоя қилиш каби воқеаларнинг бош сабаби бўлиб келган.

Бирор ижтимоий ёки сиёсий бирлик йўқки, унинг ички иқтисодий муносабатлари тарихий жараёнларнинг боришига таъсир этмаган бўлсин. Тарих бунга сон-саноксиз гувоҳликларни беради. Ибтидоий даврлардан бошлаб инсон ва унинг турли даражалардаги жамоаси ўзининг иқтисодий таъминланиши барқарорлиги, мўл-кўллиги учун курашиб келган. Бу омилнинг мустаҳкамлиги учун жамият ичида ташкилий хўжалик жараёни, захираларни эҳтиётлаш, тежаш, меъёрлаб тақсимлаш кабилар қадимдан эътиборда турган. Ташқи оламда эса барқарор иқтисодий имкониятларни ўзгалардан тортиб олиш, ўзлаштириш кабилар жамоалар (уруғ ва қабилалар) ўртасида талаш-тортиш объектлари бўлган. Интенсив ва экстенсив

иқтисодий муносабатлар тарихий жараёнларнинг ички ва ташқи омиллари бўлиб келган.

Давлатчилик жараёнларининг вужудга келишида ҳам иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг маълум даражага етиши, меҳнат тақсимооти, меҳнат самараларининг тақсимооти, бундаги нотенгликлар, мулкӣ-ижтимоий табақаланиш кабилар етакчи омил бўлган. Давлат инсон ва унинг жамиятини маълум ҳуқуқий асосда сиёсий бошқариш демакдир. Агар инсоннинг манфаатлари давлат ўрнатган ҳуқуқ тартибот туфайли камситилса, бундай давлат билан инсон ва унинг жамоаси ўртасида зиддият чиқади. Зиддият эса турли социал иқтисодий талаблар учун кураш шаклида тарихий воқеалар сабабчиси бўлади.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари эришилган маданий-маънавий муносабатлар даражасига, уларнинг мазмун-моҳиятига номувофиқ ҳолларга тушса, маънавият масаласида узилиш рўй берган бўлади. Давлат ҳокимияти учун мақбул маънавий, мафкуравий талаб билан ижтимоий онг ва маънавий даража ўртасида зиддият пайдо бўлса, бундай номутаносиблик ё маънавий бухронга ёки социал портлашга олиб боради. Зеро, маънавият ва инсон муносабатлари шу жамият томонидан асрлар оша ривож топиб келган анъаналар ва маънавий илдизларга таянади. Бинобарин, маънавий дунёқараш мажмуи ҳар қандай давлатнинг мафкуравий негизини ташкил этади ва бу икки қанот ўртасида зиддият пайдо бўлади. Ҳозирги “глобаллашув” деб ном берилган жараёнлар билан узилишни оқлаб бўлмайди. Тарих, маданий-маънавий анъаналар, қадриятларнинг шакли, мазмуни, моҳияти кабиларни тарих орқали онгларга сингдириш доимий долзарб масала бўлиб қолади.

Демак, хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Тарихий билим ижтимоийдир. Бу билим хоҳ инсон ва унинг жамияти ҳақида, хоҳ табиатга хос бўлсин – унинг шаклланиши, тизим ҳолига келиши, тўлишиб, мураккаблашиб бориши, аввало инсон ва унинг тафаккурига боғлиқ.

2. Тарих инсон ва унинг ижтимоий ҳаёти жараёнларининг узлуксиз, воқеа-ходисалари тизимини ўрганиш билан шуғулланади. Масала бу воқеа-ходисалар тизими бўғинларининг ички ва ташқи омилларини, қонуният сифатида баҳоланадиган жиҳатларини ҳолисона ўрганиш, тўғри хулосалар чиқаришдадир.

3. Инсон аввало илоҳий мушарраф зотлигидан ташқари “табиат маҳсули” ҳамдир. Зеро, инсон азал ва абад табиат имкониятларидан манфаатдор. Қолаверса, инсон биологик олий мавжудотдир. Бас шундай экан, инсон ва табиат ўртасида мутаносиблик учун кураш тарихнинг ажралмас қисмидир. Чунки инсон ҳаёт муҳити унинг иқтисодий таълимоти демакдир. Ана шу муҳитга эгалик, унинг неъматларидан фойдаланиш учун керак меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнлари тарихнинг асосий омилларидир.

Саволлар.

1. Тарих нима учун ижтимоий фан деб ҳисобланади?
2. Тарихда инсоннинг ўрнини қандай баҳолаш мумкин?
3. Инсон ва ҷамият муносабатлари ва аксинча ҷамият ва инсон муносабатлари тарихнинг муҳим омиллари сифатида қандай баҳоланади?
4. Инсоннинг табиат билан муносабатлари тарихий омил сифатида қандай аҳамиятга эга?
5. Иқтисодий жараёнларнинг тарихий жараёнлардаги ўрни?
6. Давлат ва ҳуқуқ асослари тарихий жараёнда қандай рол ўйнайди?
7. Маънавият ва инсоният тарихи ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Мустақил таълим учун мавзулар:

1. Тарих фанининг ижтимоий моҳияти ҳақида.
2. Тарихий тадқиқотларда ижтимоий манфаатлар зиддиятларининг акс этиши.
3. Марказий Осиё халқлари тарихида иқтисодий муносабатларнинг ўрни.
4. Маънавият ва маданият тарихи инсоният ҷамиятига хос жараён сифатида.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ – Т.: Ўзбекистон. – 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. – 2009.
3. Исҳоқов М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т.: ТДШИ. – 2010. – Б. 169-172.
4. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. Т.: - 2006.
5. Ломберг Карловский К., Саблов Дж. Древние цивилизации ближнего Востока и Мезоамерики. Москва. Наука – 1992. 8-49 бетлар.
6. Алимова Д. История как она есть. Т.1. Т.: Фан. 2008.

3-Мавзу. Марказий Осиё халқлари тарихи ўқув фанининг назарий-методологик бирлаштирувчи омиллари

Режа:

1. Тарих фанида тарихчи мутахассиснинг ўрни.
2. Тарихнинг манбалар билан асосланганлиги: моддий ва ёзма ёдгорликлар.
3. Методология – тарих tadқиқотларининг стратегияси.
4. Тарих фанининг мақсади воқеа-ходисаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлашдир.
5. Тарихда давлатчиликнинг асосланиши муҳим tadқиқот объектидир.
6. Ҳаққоний тарихни яратиш учун методология ва tadқиқот принциплари уйғунлигининг принциплари.

Таянч сўз ва иборалар:

Тарих – объектив ўтмиш, тарихда сабаб ва оқибат, тарихий гувоҳликлар, моддий, ашёвий, ёзма манбалар, метод ва методология, тарих фанининг асл мақсади, тарих келажак учун ибрат, тарихда ижтимоий манфаат, ҳокимият концепцияси, холислик, тарихийлик, фактология, талқин.

Дарсининг асосий мақсади: мавзу доирасида тарихий ўтмишнинг ҳаққоний манзаралирини холисона ёритиш, тарих ибратларидан бугунги кун ва келажак учун фойдаланиш тамойиллари тушунтирилади.

Асосий қисм.

Тарихчи гўё воқеалар қарвони охирида бораётган сайёҳдек. Қарвон бошидаги воқеаларни у кўрмайди. Нима бўляпти? – деган саволга ўрта ва охир қаторлар турлича жавоб беради. Масала шундаки, тарихчи қарвон бошидаги воқеаларнинг аниқ манзарасини уларнинг сабаблари ва оқибатларини тўғри талқин қилишга қодир бўлмоғи лозим.

Методология тарих tadқиқотларининг бош мақсадини белгилаб берувчи назарий асосидир. Буни тарих tadқиқотларининг стратегияси деб баҳолаш мумкин.

Тарих фанининг мақсади воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат муносабатларини, уларни боғлаб турувчи бўғини орқали, унинг турли-туман кўринишларида қонуниятлар умумийлиги ва хослиги орқали тушунтириб бериш, зарур ҳулосалар чиқариш орқали жараёнларнинг бориши ва истиқболига позитив (ижобий) таъсир ўтказишдан иборат. Тарихнинг ибрати айни шундадир. Яъни, тарих тарихий ҳатоларни такрорламаслик, бугунги кун ва келажак учун тўғри йўл белгилаш учундир.

Тарих тадқиқотларининг методологик, ғоявий-назарий асосини доимий равишда муайян жамият, ундаги етакчи ижтимоий кучларнинг манфаатлари белгилаб келган. Шу туфайли тарих фани сиёсат билан, ижтимоий тузулма ёки ҳаракат, давлат тузулмаси ва бошқаларнинг етакчи концептуал мақсадларига хизмат қилиб келади. Бу ҳол тарих тадқиқотларининг даврлар ўтгач, янги янги манфаатлар нуктаи назаридан қайта баҳолаш эҳтиёжини пайдо қилади. Тарихни қайта баҳолаш зарурияти эса бу фан методологиясининг объективлик талабига (тўла ҳолисоналикка) жавоб беролмаслиги деб баҳоланиши мумкин. Мисол учун Кир, Доро 1 ва ва б. қадимий Эрон салтанати ҳукмдорлари қоятош битикларида декларатив шаклда шу подшолик салтанатининг илоҳий (самовий) концепциясини акс эттирганлар: “... Мен Дарайа ваухш (Доро).... Ахура Мазданинг идораси билан Эрон ва Эрон эмас юртларнинг ҳукмдориман ”; Худди шу каби қадимги Хитой йилномаларида ва тарихий китобларида Хитой давлатининг самовийлиги, императорлар ҳукмронлигининг илоҳийлиги концепцияси етакчи ўринда туради; Кушанлар салтанатининг энг юксалган босқичи – Канишка даврига оид ҳужжатда бу ҳукмдор ўзининг ҳокимият тепасида туришини тариханасослаш учун подшо мақомида ўтган ота-боболари шажарасини келтиради (Рабатак ҳужжатлари) яъни, Канишка Куджула Кадфиз, Вима Кадфиз, Вима Токтоу каби оталаридан тахтни мерос қилиб олганини таъкидлайди; қадимги Хоразм подшолиги сулоласи концептуал ғояси самовий қуш шаклида ҳукмдорлар бош кийимида бўртма қилиб тасвирланган фарр – давлат ва бахт, омад рамзи ҳисобланади. Бу белги

хоразмшоҳлар ҳокимиятини илоҳий қилиб кўрсатишга хизмат қилади. Абу Райхон Беруний ана шу сулола милодий 995 йилга қадар 22 авлод подшолик тахтида турганлигини таъкидлайди; Суғд подшоларининг унвони ихшид атамаси ҳам ҳокимиятнинг илоҳийлигига ишорат қилади. Яъни, ихшидлик мартабаси илоҳий нурга лойиқ бўлган зотга келади, дейилган. Зеро ихшид авестача хшайати сўзининг суғдча талаффуз шакли бўлиб “нурли, илоҳий нур соҳиби” демакдир.

Ҳокимият концепциясининг ҳоконлик ва хонлик тизимлари ҳам илоҳийлик даъвосига асосланган.

Ислом даврида Марказий Осиё давлатчилиқ тарихида халифалик ва амирлик тизимлари пайдо бўлган. Халифалик пайғамбардан кейинги ҳокимият давомчиларига нисбатан амал қилган. Амирлик эса халифалик томонидан бериладиган гўё ноиблик, яъни амр қилиш, буюриш ҳуқуқи демакдир. Бу мартаба салтанатни бошқаришда Амир Темур ҳамда Бухоро амирлиги амалиётида яққол кўринган. Шу орада хонлик мартабаси Чингизхондан кейин у билан генетик алоқадорлик даъвоси асосида шайбонийхон ва унинг авлодларида ҳамда Аштархонийларда давом этди.

Бухорода манғитлар сулоласи генетик жиҳатдан хонлик томирига боғлиқ бўлмагани учун амирлик мақомини концептуал асос қилиб олган. Бу тизим Бухорода Амир Олимхонгача давом этди.

Кўқон хонлиги “олтин бешик” ривояти орқали ўзини Бобур билан боғлади ва она томонидан Бобурнинг Чингизхон авлодларига алоқадорлигига таянди.

Хулоса қилиб айтилса, тарих яратишда методологик замин бўлиб, ўтмишда мазкур сулолаларнинг ҳокимиятида муносабати уларнинг ҳукмронлигини қонуний қилиб кўрсатиш манфаатидан келиб чиққан.

Методология ва методика (Услугият ва тадқиқот усуллари) ўртасида узвий алоқадорлик масаласи муҳим омилдир. Тадқиқот усуллари услубиятни, яъни тадқиқотнинг ғоявий-назарий асосларини таъминлашга хизмат қилмоғи лозимдир. Методология ва методика диалектик бирликни ташкил этади.

Тадқиқот методологиясининг тамойиллари қаторида энг муҳими ғоявий стратегик мақсадни тўғри белгилаш, тарихий жараёни объектив (холисона) ёритишдир. Шу билан бирга тадқиқотнинг манбавий асосланиши, далилийлиги ҳам зарур шартдир. Акс ҳолда тадқиқот олдига қўйилган мақсад (ечими изланаётган муаммо)ни фактологик жиҳатдан асосланмаган бўлади. Тадқиқот методологияси учун яна бир муҳим тамойил (принцип) бу тарихийликдир. Яъни, ўтмиш воқеа-ҳодисаларининг ўз замонига нисбатан, уларнинг қанчалик тараққиётга таъсир кўрсатгани ёки регрессив роль ўйнагани муҳим ҳисобланади. Бу демак тарихий воқеа-ҳодисаларнинг аҳамиятига ўз даврига нисбатан баҳо бериш лозимдир.

Назорат учун саволлар

1. Нима учун тарихчи қаровон ортидаги сайёҳга ўхшатилади?
2. Тарихий моддий ёдгорликларни қандай қилиб “гапиртирилади”?
3. Ёзма ёдгорликлардан манба сифатида фойдаланишнинг аҳамияти.
4. Тарих тадқиқотларининг усули ва услубияти (методи ва методологияси) деганда нимани тушунасиш?
5. Тарихда сабаб ва оқибат муносабатларини қандай талқин қиласиз?

Мустақил таълим учун вазифалар:

1. Ҳаққоний тарих асосларини нималарда деб тушунасиш?
2. Марказий Осиё халқлари тарихида ўтмишни бузиб кўрсатиш ҳолларини қандай мисолларда тушунтириб бера оласиз?
3. Ўзбекистон археологларининг энг йирик ютуқлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Ўзбекистонда тарихга принципиал янгича ёндашув масаласидаги фикрларингиз.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ – Т.: Ўзбекистон. – 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. – 2009.
3. Мўминов И. Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни. Т.: 1968.
4. Ғуломов Я. Археология тарихнинг кўзгуси. Т.: Фан. 1976.
5. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон археологияси: Арциховскийнинг “Археология асослари” китобига киритилган илова.
6. Исҳоқов М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т.: ТДШИ. – 2010. – Б. 169-172.
7. Исҳоқов М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Электрон нусха. Т.: 2009.

4-Мавзу: Тарихий билим – ижтимоийдир. Табиат ва жамият муносабатларида инсон омили

Режа:

1. Тарихий билимнинг инсоният жамияти билан боғлиқлиги.
2. Тарих фанининг ижтимоий фанлар қаторидаги ўрни.
3. Инсоният жамияти табиат ва муҳит ҳосиласи сифатида.
4. Тарих фанида инсон омили ва тарихий билимларнинг моҳияти.

Таянч сўз ва иборалар: инсон, макон, жамият, жамият тараққиёти босқичлари, тарихий тафаккур, тарихий тадқиқот, тадқиқот услубияти, объект, талқин, талқиннинг субъективлиги, объектив ҳақиқат мезонлари.

Дарснинг асосий мақсади: Талабаларга тарихий билимнинг хоссасини, унинг ижтимоий ҳаёт босқичлари тизими эканлигини, тарихий жараённинг узлуксизлиги ва умумий қонуниятларини, тарихни ўрганишда инсон шахси ва унинг ижтимоий мавқеи масаласини, тадқиқот ва таълим жараёнида тарихдан кутилажак ижтимоий манфаатлар чегарасини тушунтириш, бу билимлардан фойдаланиш малакаси ва кўникмасини ҳосил қилиш дарснинг асосий мақсадидир.

Инсон ва инсониятсиз унинг тарихи ҳам йўқ. Зеро, фақат инсон онгли равишда ўз ўтмиши тарихини идрок этишга, ижобий ва салбий оқибатларни тажриба сифатида талқин қилишга, ҳам улардан фойдаланишга қодир.

Бутур борлиқнинг тарихи саноксиз миллиард йиллар билан белгиланиши маълум. Биологик ҳаётнинг ҳам тарихи ўша қадимий. Умуман борлиқ ичра жонли ва жонсиз ҳаёт ҳақидаги тарихий тасаввурлар инсоннинг илмий-назарий ва ноилмий эмпирик билимлари маҳсулидир. Демак, ҳарқандай тарихий билим ижтимоийдир. Яъни инсон жамияти томонидан табиат ва жамият ўтмиши ҳақидаги англаб етилган ва англаб етилмаган ҳолда талқин этилган билимлар мажмуидир.

Тарих – ижтимоий фан ва жамиятнинг 1) ўзи ҳақидаги, 2) ўзининг ўтмиши ҳақидаги билимлари тизимидир. Масаланинг биринчи қисми жамиятшунослик усули билан таҳлили этилса, иккинчиси жамият ҳаётининг узлуксиз (динамик ва тадрижий) тарикқиёт йўллари, уларнинг хилма-хиллигидан иборатдир ва тарихий жараёнларнинг умумий ва хусусий қонуниятлари таҳлили орқали ўрганилади.

Тарихда шахснинг ролини кўрсатишда объектив тарихий нуқтаи назаридан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада ғоявий-мафкуравий талаблардан келиб чиқувчи бирёўламаликлар тарихни бузиб кўрсатишга олиб келади. Масалан, мавжуд адабиётларда Маҳмуд Ғазнавийга салбий баҳо бериш тенденцияси етакчи ўринга кўтарилган. Холбуки, ўз тарихий шарт-шароитига кўра Маҳмуд Ғазнавий кучли марказлашган давлат тузиш мақсади билан иш кўрган. Бу мақсаднинг воситаси тинимсиз урушлар бўлганлиги замонасининг тарихий шарт-шароити билан боғлиқ эди. Худди шу мақсад билан ҳаракат қилган Иоан IV (Грозний)нинг юришларини Рус тарихи оқлайди. Айни рус тарихнавислигида Амир Темур шахсига нисбатан бир ёқлама баҳо устун бўлиб келган. Лекин Европа тарихнавислигида Амир Темурнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятини тарихийлик асосида ёритишга қаратилган асарлар ҳам йўқ эмас (хукхем ва б.).

Тарихда шахснинг роли масаласи ҳозирги тарих фанида пассионарлик ғояси асосида янгича баҳоланмоқда (Л.Гумилев).

Бунинг маъноси: тарихда шундай ходисалар борки, булар жамият тараққиётининг етилиб турган масалаларини ҳал қилишда уларга янги қувват турткиси, импульс ролини ўтайди. Тарихий шахсларга нисбатан ҳам бу методологик омилни қўллаш мумкин. Масалан, Африқийлар сулоласининг таназзулини маъмурий хоразмшоҳлар пайдо бўлиши пассионар куч сифатида янги тараққиёт йўлига буриб юборди. Амир Темурнинг тарих сахнасида пайдо бўлиши тарихий шарт-шароит тақозо (зарур) даражасига кўтариб турган ижтимоий-сиёсий бурилишнинг пассионар кучига отланди.

Хулоса шуки, тарихи тадқиқотларида пассионар ижтимоий, иқтисодий, персонал (шахсий) хотисаларни эътиборга олиш пассионар янгилашиш жараёнини, унинг натижаларини тўғри тушуниш ва баҳолаш имконини беради.

Жамият ҳаёти ижтимоий тарихий жараёнларни илмий ўрганишнинг асосий объектидир. Инсоният томонидан содир қилинган барча воқеа-ҳодисалар умумий ва хос ички қонуниятлари билан, уларнинг ташкил омиллари билан бирга инсон ва унинг жаҳон миқёсидаги тарихини ташкил қилади. Зеро, инсоният ўз тарихини ўзи яратади. Демак, нафақат тарихнинг муаллифлари, балки улар тарихнинг ижрочилари ҳамдир. Аммо инсоният яратган тарихини билиш масаласи ҳеч қачон ягона нуқтаи назарда тўплана олмайди. Бу маънода тарихнинг объектив баҳоланишиш у ёки бу мафкуравий талаб асосида мутлақ ҳолисона ёритилиши масаласи мураккаблигича қолаверади. Шунга қарамай ҳолисона тарихини яратиш, салбий ва ижобий тенденцияларни ҳаққоний ёритиш, воқеа-ҳодисаларни уларга тегишли манбалар асосида ҳалол ёритиш, салбий гаплардан қочмаслик, турли вазиятларга манба асосида тўғри баҳо бериш муҳимдир.

Эмпирик тарих – бу сон-саноксиз тарихий воқеаларнинг турли халқлар, мамлакатлар, давлатларга нисбат беришидир. Шу билан бирга тарихининг рангбаранглигидир. Ҳеч бир тарихий воқеа айнан такрорланмайди. Аммо ҳамма тарихий воқеаларни уларнинг ички бирлиги боғлаб туради. Бу ички бирлик эса кўзга ташланавермайди. Айни шу тарихий воқеалар тизимининг ички бирлигини тушуниб етмай туриб тарихий тадқиқот ишига ёндашиб бўлмайди. Илмий мақсад тарихий воқеалар хилма-хиллигида объектив ҳамда универсал қонуниятларни очишдир. Қонуният эса умумий хусусиятли воқеалар ва уларнинг такрорланувчанлигида аниқ акс этади. Бунда тадқиқотчини воқеаларнинг таркибий (деталларидаги) турли-туманлик чалғитмаслиги лозим. Лекин шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, такрорланувчанлик мутлақ ва айнан такрорланиш эмас. Тараққиётнинг табиатга нисбатан кузатилишида такрорланувчанликни илғаш қийин эмас.

Лекин жамиятда буни аниқлаш қийин. Чунки, жамият инсонлардан иборат. Инсон эса индивид, онгли мавжудот, ҳар бирининг ўз дунёси бор, онг, савия, карашлари турлича. Жамият эса индивидлар мажмуи. Бундан ижтимоий манфаатлар туғилади. Манфаатлар эса ижтимоий зиддиятларнинг бош манбаи. Агар бошқарув (сиёсат) манфаатларнинг бир томонини ҳимоя қилиб, иккинчи ва учинчи (ҳоказо) томонлари манфаатини биринчисига бўйсундирса, бу ижтимоий адолат тарозусига хилоф бўлади. Натижада манфаатлар учун кечадиган ҳаракат турли-туман кўринишларни пайдо қилиши мумкин. Демак воқеа-ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини очиш, уларнинг рўёбга чиқишидаги усуллар турли-туманлиги орқали объектив ҳулосалар чиқариш методологиянинг бош мезони бўлмоғи лозим.

Ижтимоий – тарихий билиш назарияси билиш субъектининг ижтимоий ҳаётга, жамият тарихига қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Яъни тарихчи олим (бу ўринда субъект) жамият тарихини билишга қаратилган маълум тайёргарликка эса шахсдир. Бу субъект ижтимоий шаклланган ва ўрганаётган объектини билишдан манфаатдор шахс бўлса, демак, унинг манфаатдорлиги маълум идеологик (мафкуравий) талаблардан ўсиб чиқади. Агар бу манфаат соф илмий билишдан иборат бўлса, унда тадқиқотнинг ҳолисоналигига ишонса, умид боғласа бўлади. Лекин тадқиқотчининг билишдан мақсади синфий, ҳатто, партиявий мафкурага хизмат қилса, унда тадқиқотнинг ҳолислиги иккинчи даражали бўлиб қолади. Бу масалани табиат ҳақидаги тадқиқотларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, совет даврида советлар тузимини афзал қилиб кўрсатиш учун табиатни ўрганиш масаласи ҳам мафкуралашган эди. Космосни ўзлаштиришидаги АҚШ билан рақобат, қирғин қуроллари пойгаси, Аккрктика ва Антрактидадаги тадқиқотларпойгаси ва ҳоказолар. Бу ўринда хоҳ табиий, хоҳ ижтимоий фан бўлсин – бир хилда билиш назарияси фан фалсафаси сифатида энг зиддиятли ижтимоий тугун бўлиб қолаверади. Лекин фанга нисбатан мафкуравий ёндашув айниқса тарихни мафкуралаштириш ҳолисликка қарши омилдир. Табиий фанларда бўлгани каби тарих фани олдида диний, сиёсий мафкуравий

ва, ниҳоят, ахлоқий талаблар қўйилиши шубҳасиз ҳақиқатдир. Зеро ялпи қирғин қуроли жаҳоннинг табиий баланси ва инсониятнинг ҳаётига путур етказди. Биологик қирғин қуроли ишлатилса, табиат мувозанатигина эмас, инсониятга қирғин келади. Булар ахлоқан ва сиёсий-ижтимоий хавф туғдиради. Тарихга нисбатан мафкуравий тазийқ эса, реал тарихни бузиб талқин қилишга, оқибатда одамлар онгини захарлашга ёки нотўғри ижтимоий хулосаларга сабаб бўлади. Оқибатда жамият ичида эмас балки турли жамиятлар аро, давлатлар аро зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун тарихий билиш масаласига объектив талабалар қўйилиши муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода Ўзбекистон тарихчиларининг минтақасидаги қўшни халқлар тарихшунослиги билан қиёс қилгудек бўлсак, мутлақ қарама-қарши ҳолатини кузатиш мумкин. Ўзбекистонда тарихнинг бугунги методологик асослари объектив, ҳаққоний тарихни яратишга қаратилган. Бу йилнинг бошида президент Ислам Каримовнинг методологик аҳамияти беқиёс асарлари, турли муносабатлар билан боғлиқ ҳолда тарих фани олдидаги вазифаларга нисбатан фикрлари турибди. Қўшни мамлакатлар тарихшунослигида эса айрим мафкуралашган, сиёсий даъволар билан суғорилган оқимлар ўзларидаги титул миллатни улуғлаш орқали қўшнилардан устунликка, қадимийликка ҳатто бутун минтақанинг қонунию вориси деган мақомга, ўзга миллатларга таҳқиромиз қарашга хизмат қилмоқдалар. Бу миллатчилик, улуғмиллатчилик шовинизм руҳини туғдиришга интилишдан бошқа нарса эмас.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Инсон ва тарих муносабати нимадан иборат?
2. Бутун болиқ тарихи ва инсоният тарихи ўртасида нима алоқа бор?
3. Тарих жамиятшуносликми ёки ижтимоий фан?
4. Тадқиқотнинг ғоявий стратегик мақсади нимадан иборат?

5. Билиш субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатни қандай изоҳлайсиз?

6. Тарихнинг билиш объекти эканлиги нимада?

Мустақил иш топшириқлари:

5. Келле, Ковальзон ва бошқаларнинг “Теория и история” китобини таҳлил қилиш;

6. Ломберг Карловский К., Саблов Дж. Древние цивилизации ближнего Востока и Мезоамерики. Москва. Наука. – 1992. Кириш ва 1-бобини таҳлил қилиш;

7. Тарихнинг ижтимоий хоссаси тўғрисида мустақил мулоҳазаларни ёзма равишда тайёрлаш;

8. Эмпирик тарихий билим ва илмий тарихий билим ўртасида қандай фарқ борлигини таърифлаб беринг.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Эҳтиром. Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ. 1993 й. 31 август. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1994. 91-93 бетлар.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ – Т.: Ўзбекистон. – 1998.

3. Каримов И.А. Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи газетаси. 2009. 2 сентябр.

4. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. Т.: - 2006.

5. Исҳоқов М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Электрон нусха. Т.: 2009.

5-Мавзу: Тарих – ижтимоий гуманитар фан сифатида

Режа:

1. Тарих фанининг фанлар тизимидаги мавқеи.
2. Тарих фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Тарих – жамиятнинг ўтмиши ҳақидаги билимлар йиғиндиси.
4. Тарихнинг гуманитар моҳияти.
5. Тарих – ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк.

Таянч сўз ва иборалар: тарих ва жамият, тарих ва табиатшунослик, тарих ва санъат, тарих ва маданият, тарих ва аниқ фанлар, тарих ва адабиёт, тарих инсон ҳақидаги фан, тарих ўтмиш гувоҳлиги, тарих бугун ва эрта учун ибрат.

Дарснинг асосий мақсади: Талабаларга тарих фанининг фанлар қаторидаги ўрни, бошқа фан соҳалари билан алоқаси, ўтмишнинг тарихий моҳияти ва уни билиш билан боғлиқ бўлган муаммолар, тарихий билимнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини идрок этиш, тарихий билимларни ҳаётга тадбиқ этиш малака ва кўникмасини ҳосил қилиш.

Ижтимоий билимларнинг, шу жумладан тарихий билиш жараёнининг табиатини билишдан фарқи шундаки, ижтимоий тарихий билимни билувчи субъект шу жамиятнинг ўз вакилидир. Субъектнинг ўз ижтимоий мавқеини жамият миқёсида англаб етиши ва ижтимоий тафаккур қилиши жамият ҳақидаги билимнинг моҳиятини ташкил этади. Тарих билими ҳам жамият аъзосининг ўз ва ўзга жамиятларнинг тараққиёти ҳақидаги ижтимоий билимдир. Одамзод қадим замонларда ўз тарихини ва хатто ўз-ўзини моҳиятини англашда мифологик тарзда фикр юритган. Бу демак, субъект, яъни ўз тарихини ва ўзини англамоқчи бўлган зот ўзини

(яъни субъектни) ҳаёлий мифологик тасаввур билан бир нарса деб тушунган. Субъект билан объект унинг онгида қоришиб кетган. Ўзи ҳаёлида пайдо қилган, аслида реал тарихдан йироқ, образлашган тасаввур ичида одамнинг ўзи ҳам ўзини бор деб ҳисобланган. Одам табиат кучларини ўзига ўхшаш киёфада тасаввур этган, яъни ўзига хос хусусиятларни уни ўраб турган табиатга тадбиқ қилган. Табиат антропоморф-одамга ўхшаш қилиб идрок этилган. Бунинг қолдиқлари эртақлардан кенг маълум. Уларда табиат унсурлари ҳар жиҳатдан инсон фаолиятини, фикрини, нутқини такрорлайди. Бу босқич учун ижтимоийлик билан табиийлик борлиғи деярли фарқланмаган. Ибтидоий одам ўзини ўз жамоаси ва яшаш муҳитида унга маълум объектлар билан бирга тасаввур этган.

Тарихга илмий қараш инсоният онгидаги мифологик тафаккур шаклини енгшиб ўтилгандан бошланади. Бу босқич мифдан логосга-ҳаёлий тасаввурдан мантиққа томон силжишни таъминлади. Лекин логос-тарихга мантиқ орқали баҳо бериш босқичи икки йўлнинг боши эди. Биринчи йўл тарихни объектив жараён сифатида тушуниш бўлса, иккинчиси тарихни илоҳий куч, яъни олам-борлиқ устидан ўз иродаси ва ҳукмини ўтказувчи куч билан боғлаш йўли эди. Олам устидан, унинг тараққиёти устидан ҳукмрон, аммо ўзи мавҳум зот-худо, илоҳий зот, одамнинг хоҳишидан ташқари мавжуд зот ҳақидаги фикрга тарихни бўйсундириш инсоният ўтмишини илоҳийлаштиришга олиб келади. Бу каби ҳолатларни ҳозирги замон туркман, тожик, қисман қozoқ тарихшунослигида кўзда тутилмоқда. Улардаги етакчи ғоя азалийлик, илоҳий танланганлик, ҳудудларида мутлақ даражада миллий эгоистик эгалик ғояси, қўшни минтақалардаги этник диаспоралари яшаётган ерларга ҳам ҳудудий даъвогарлик, қўшни халқларга нисбатан душманлик (адоват) руҳини тарғиб қилиш, уларнинг мавжудлигини инкор этиш, маънавий-маданий дуёсига нисбатан менсимаслик каби кайфиятларни уйғотишга уриниш яққол кўзга ташланмоқда. Тарихга илмий ёндашув масаласи фалсафий категория бўлиб, объектив билим билан ўлчанади. Тарихни билишда илмийлик меъёри масаласида мураккаблик мавжуд. Зеро,

илмийликнинг ўзини объектив талқин қилиш тарихчи субъектининг методологик салоҳияти, билим даражаси, мушоҳада кенглиги, умумийликни хосликлар йиғиндиси деб тушуниши, хосликларнинг ички қонуниятлари умумий қонуниятларга бўйсунishi кабиларни қай даражада идрок этишига, қолаверса ўз тушунча ва идеалларини воқеликлар тизимига тадбиқ қила олишга боғлиқдир.

Илмийлик образи (нимани Илмийлик деб баҳолаш) турли даврларда турлича бўлган. Ғарб антик дунёсида ижтимоий тарихий жараёнларни ижтимоий ходисаларни табиий жараён деб баҳолашга дастлабки қадамлар қўйилган эди. Масалан, Демокрит инсоннинг жамоа бўлиб уюшиб яшашига унинг эҳтиёжлари сабаб бўлган. Яъни инсон ибтидоий ҳолатдан ижтимоий ҳолатда яшаб қолиш, ёлғизлик ҳалокат эканини тушуниш орқали етиб келган. Инсоннинг хатти ҳаракати, тафаккури, яшаш учун ўзига онгли равишда шарт-шароитлар қила билиш, меҳнат куроллари, инсон жамоаси, уруғи, аймағи, қабиласи, элати, улуси бошқарилиши ва давлат идора тузилишлари – буларнинг барчаси ижтимоий зарурат меваси ва ҳ. Демокритнинг бундай қарашидан тарихий онгнинг, тарихий тафаккурнинг объектив асосларига бир қадам қолгандек кўринади. Чиндан ҳам Демокритнинг фикрини давом эттирилса “Тарихий фактлар айна фактологик материалларни ташкил қилиши, фактология эса асло мифологик материал эмас”лигини тушуниш қийин эмас. Лекин антик даврларда бошланган ушбу рационал ғоялар ўрта асрларда оламнинг заминий ва осмоний бўлиниши каби диний қарашлар гирдобида деярли сўниб қолди. Билиш назарияси илоҳий билдиришдан ортиқ бирор нарсага даъво қилиши хатто жазоланадиган дахрийлик деб эълон қилинди. Бор билимлар илоҳий китобларни кўр-кўрона ёдлашга боғланди. Бу ғарб дунёси учун етакчи бўлган бир пайтда порлоқ ақл эгалари жаҳолатнинг қора пардасини йиртиб, жонларидан кечиб бўлса ҳам илмий ҳақиқатни ҳимоя қилдилар. Худди шу даврларда Шарқ фалсафасида ва илмий тафаккури дунёсида ҳам инқилобий юксалиш бўлди. Оламни илмий билиш тарихни

ижтимоий асосларини тўғри талқин қилишда Абу Райхон Беруний, борлиқнинг ҳисоб-китоби илоҳий ҳақиқатни билишдаги дунёвий билим воситаси эканини Хоразмий, жамият инсоннинг онгли, оқилона бошқарувига муҳтож ижтимоий ҳодиса эканини Форобий, инсон тилининг хос қонуниятлари объектив билиш объекти эканини Қошғарий кабилар жаҳон аҳлига тушунтириб бердилар.

Жамиятга билиш объекти сифатида қарашда жамият, унинг тарихига нисбатан одамларда ҳолисона билим ҳосил қилишдан кўра кўпроқ ушбу жамият ва унинг ижтимоий тартибларига нисбатан маъқуллаш, оқлаш ва аксинча мазкур жамиятни қоралаш, уни ўзгартириш бўйича фикр-мулоҳазалар, талаб ва таклифларни ўртага қўйиш муҳимдир. Шу сабабли тарихни ўрганувчи субъектнинг ижтимоий позицияси, тутган методологик тамойили унинг билимлари мазмунини ташкил этади. Агар тарих бирор манфаатдор мулкӣ, ижтимоӣ, сиёсий мавқега эга қатлам учун яратилса, тарихчининг тутган йўли ҳолис эмас. Бинобарин, илмӣ билим субъектинингистакларидан қатъӣ назар ҳақиқатни акс эттирмоғи лозим. илмӣ ҳақиқат ягона ва у албатта ҳолис бўлмоғи шарт.

Жамиятни билишнинг етакчи фундаментал соҳаси, ижтимоӣ билимларнинг асосӣ тармоғи тарихӣ билимлардир. Тарихӣ билимнинг объекти инсониятнинг реал тарихӣ тараққиётидаги барча босқичлардан иборат.

Тарихӣ воқеалар, муайян халқ, мамлакат, давлат тарихлари ранг-баранглиги билан баробар айни ҳар бир тарих индивидуалдир. Зеро ҳар бир халқ тарихи ягона шу халққа ҳосдир. Лекин бу уларни боғловчи қонуният йўқ дегани эмас. Чунки инсоният табиат қонунларидан фарқли равишда ўз тарихида нисбатан тез ўзгарувчандир. Табиатдаги ўзгаришлар эволюция аста-секин давом этади. Инсоният жамиятида эса бу жараён шиддатли. Чунки, инсон авлодлари тез-тез алмашиб боради. Ақлий тараққиёт эса инсоннинг табиат авладидаги имкониятларини тобора кенгайтириб бораверади. Тарихӣ эмпирик (тажрибага асосланувчи) билимлар ўтмиш ва

реал ҳаётни таққослаш, керакли рационал хулосалар чиқаришга, истиқбол сари интилишга хизмат қилаверади.

Тарихий жараённинг тўхтовсизлиги, жамият ҳаракатининг доимийлиги тадқиқотчи олдига нисбатан барқарор тарихий ҳолат ва муайян вазиятларни аниқлаш вазифасини қўяди. Бу эса ўз навбатида маълум аниқлаш мезонларини алоҳида тарихий вазиятлар ўртасида боғлиқлик, алоқадорлик, типологик умумийликларни белгилашни талаб қилади.

Оддий кўз билан қараганда жаҳон миқёсида кечган тарихий жараён минтақалар, мамлакатлар, қитъалар, юзлаб-минглаб этносларнинг тарихларидан иборатдек, улкан қоришиқдек кўринади. Бироқ, тарихнинг ҳудудий, этник, даврий турли-туманлигидан қатъий назар умумий қонуниятлар бошқаради. Хусусий тарихлар шу қонуниятнинг турли инъикосидир.

Саволлар:

1. Тарихнинг ижтимоийлиги нималар билан изоҳланади?
2. Ҳар қандай илмий билим соҳаси тарих учун объект эканлиги.
3. Тарих фанининг бошқа фанлар билан муносабатлари.
4. Тарихнинг хилма-хиллиги умумбашарий тарихнинг турли кўринишлари сифатида.
5. Жамият билиш объекти ва жамиятнинг тарихга муносабати холислигини нималар таъминлайди?

Мустақил иш топшириқлари:

1. ижтимоий-тарихий билим субъекти шу жамиятнинг вакили эканлиги;
2. ижтимоий-тарихий билимнинг субъективлиги;
3. тарихий билимда мифологик ва реал тарих босқичи: мифдан “логос”га;
4. тарихий билимларнинг илмийлиги ва бунинг нисбий хусусияти.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. – 2009.
2. Историография средних веков. Муаллифлар жамоаси. Москва. 1992 й.: (тарих методологияси тарихининг қичқача тафсилотиға бағишланган 1-боби);
3. Исҳоқов М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Электрон нусха. Т.: 2009.
4. Исҳоқов М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т.: ТДШИ. – 2010. – Б. 169-172.

6-Мавзу: Тарих фанининг объективлиги масаласи.
Ғоявий методологик асос – жамиятдаги етакчи ғоя, манфаатлар
қутблари

Режа:

1. Тарихий ўтмишнинг табиий хоссаси объективликдир.
2. Тарихни ўрганишда методологик асоснинг холислиги.
3. Жамиятнинг етакчи ғояси ва тарих талқини.
4. Тарих ва ижтимоий-сиёсий манфаатлар зиддияти.
5. Марказий Осиё халқлари тарихининг миллий маҳдуд талқинлари тўғрисида.
6. Холислик ва ҳаққонийлик тарих тадқиқотларининг мезонидир.

Таянч сўз ва иборалар: тарихнинг объективлиги, ўтмишнинг дахлсизлиги, методологик холислик, далил ва исботлилиқ, жамият, мафкура, ғоя, сиёсат, давлат, манфаат, тарихчининг позицияси, тарихийлик тамойили, тарихий баҳо, миллий тарихлар, умумбашаръ тарих, тарихнинг мафкура куролига айланиши, объектив тарих учун кураш.

Дарсининг асосий мақсади – талабалар онгида объектив тарих билимларини шакллантириш, тарихга муносабатда холислик туйғусини яратиш, тарихнинг умумий қонуниятлари инсон хоҳишларидан ҳоли ҳақиқат эканлигини етказиш, методологик ёндашув турли-туманлиги ҳақида тасаввурлар бериш, ҳаққоний методологик ёндашув кўникмаларини ҳосил қилиш, тарихни манфаатлар нуқтаи назаридан бузиб талқин қилишга қарши муносабат уйғотиш, тарих тадқиқотларида ҳаққонийлик мезонини сингдириш.

Узоқ ўтмишдан бошлаб тарихга муносабат шакллари турли-туман кўринишларда бўлган. Тарих тўғрисидаги ибтидоий тасаввурлар ўтмишни мавҳум образлар орқали қабул қилиш ва ўзларига номаълум бўлган, аммо

ижтимоий онг қатламларида сақланган хотирот чизикларини хаёлий киёфаларда тасаввур қилиш, тарихий жараёнга ғайритабиий кучлар таъсир қилишига ишониш кабилар узоқ ўтмишни мифологик қабул қилиш анъанасини вужудга келтирган. Бу масала борлиқнинг яралиши, унда инсоннинг ўрни ҳақида дастлабки мушоҳадаларнинг қадимий универсализм орқали системага солишга олиб келган. Шу сабабли энг қадимги ёзма ёдгорликлар (Гильгамеш, Ригведа, Авеста ва б.) дунё тарихи тасаввурида барча масалаларни ўзида бирлаштирган универсал хусусиятли манбалар ҳисобланади. Натижада мазкур ёдгорликларда узоқ ўтмишга оид ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларга тегишли маълумотлар мажмуи қоришиқ ҳолатда етиб келган. Бу ҳол ўз ўрнида қадимият тўғрисида тасаввурлар жуда ожиз ва узук-юлуқ бўлганидан далолатдир. Хусусан, “Авеста” китобида тарихий макон ва замон тушунчаси, этник боғлиқлик, маълумотларнинг мавҳум ва ишоратли хусусияти кабилар тарихий тафаккурнинг ҳали илмий асосларга ўсиб етишмаганини кўрсатади. Авеста космографиясида ҳам шу сингари примитив хусусиятлар кўзга ташланади. Жумладан, “Авеста”даги Хванирата умуман эзгу дунё, мақбул ҳаёт муҳити сифатидаги умумий образ даражасидадир. Самовий зотлар тизими – Митра, Варахран, Ардвисура ва Аши, Фарн ва Аши функцияларида ўхшаш элементлар ердаги ҳаёт моделининг ўзига хос қоришиқ кўринишидир. Энг муҳими “Авеста” аниқ хронологик чегарани билмайди.

Тарихни ўрганишга турли хил илмий ёндашувлар историографияси ҳам жуда кўп қарашлар, методик хилма-хиллик, концептуал турли-туманликларга эга. Шарқона тарихчилик анъанаси ўтмишнинг холислиги масаласига тушуниб етгунига қадар бир қатор ёндашув тамойилларини ишлаб чиққан. Жумладан, тарихнинг илоҳий куч томонидан бошқарилиши, воқеа-ҳодисалар оқимида тақдир етакчи мавқеда деб ҳисоблаш кабилар ўз даврида тарихнинг ёритиш усуллари бўлган эди. Шу сабабли “Ригведа” таърифлаган подшолик сулолалари замондан ташқарида кўринади. “Авеста”даги дахюпати аниқ киёфага эга эмас. Мифологик даврга кирганда эса Кави Усан ва унинг

кетигади подшоҳлар (кавийлар) худди макондан ташқаридагидек кўринади. Шунга қарамай Шарқ тарихчилиги “тўрт сулола” ғоясини узоқ асрлар давомида сақлади: каёнийлар, пешдодийлар, ашконийлар, сосонийлар.

Ғарб тарихчилигида Гекатей, Геродот, Полиен ва бошқалар кўрган ва эшитганлик принципида тарих ёзганлар. Шунинг учун уларнинг асарлари манба сифатида муҳимлигидан қатъий назар, кўплаб тахмин ва фаразларга йўл очади. Антик тарихчилик Юнон ва Римда тарих ва географияни бир мақомга қўйган даврлар ҳам бўлди. Страбон, Птоломейларнинг географик тасаввурлари шунчаки география эмас, балки ҳар икки соҳани – география ва тарихни бирлаштириб берган. Христиан даври тарихчилигида Исо алайҳиссаломгача бўлган қадимият инсониятнинг болалик даври, адашган ўтмиш, христианлик даври эса абадий олтин аср деб талқин қилинадиган бўлди. Ислом даври тарихчилигида ўтмиш то исломга қадар жоҳилия номи билан аталди ва пайғамбар Муҳаммад с.а.в. дан бошлаб ҳақиқий тарих бошланади деган ғоя сингдирилди. Шу муносабат билан араб истилоси воқеалари тарихи “фатх” номи билан аталиб, гўё ислом жоҳил элларни очган, кашф этган, деган тарзда талқин этилди. Аммо арабийзабон ислом даври тарихчилигида Халифатнинг ўзи босиб олган юртлардан оладиган даромади ва манфаатлари миқдорини аниқлаш мақсадида соф географик, иқтисодий, демографик, молиявий ҳисоб-китоблар асосига қурилган бир қатор асарлар ҳам пайдо бўлдики, буларнинг бошида Ибн Хурдодбех ва унинг “Футух ал-Булдон” (XVIII аср) асари туради.

Тарихга сулолавий бошқарув тизимларининг ўтмиши деб қарайдиган ёндашув принципи Табарийнинг “Тарихи табарий” ёки “Тарихи ҳукамо ва русул” асарида яққол намоён бўлди. Шу билан баробар Шарқ тарихчилиги минтақа тарихшунослигидан ҳам хабардор эди. А.Навоийнинг “Тарихи мулуки аҷам”, Улуғбекнинг “Тарих арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарлари шу типдадир.

Шарқ тарихчилигининг персоналий йўналиши алоҳида диққатга сазовор. Бунга “Тарихи Буғраҳоний”, “Тарихи Яминий”, “Тарихи Масъудий”,

“Шайбонийнома”, “Абдулланом”, “Убайдулланом”, “Тарихи Абулфайзхоний” ва бошқалар мисол бўла олади. Булардан кўриниб турибдики, тарихий тафаккур жараёни мавхумлик, асотирийлик каби қадимий шакллардан аста-секин реал тарихий жараёнларни акс эттириш томон ривожланиб келган.

Бу масалаларда тарихнинг холислиги, объективлик мезони нуқтаи назаридан баҳо чиқариш мушкул. Негаки, ҳар бир босқичда тарихий тафаккурга таъсир этувчи турли омиллар бўлган ва ўтмишни биз кутган холисоналик даражасида талқин қилишнинг имкони йўқ эди. Қиёс учун Гекатейнинг “Ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг ҳикояси” асосидаги тарих усули эшитилган воқеликни тавсилий баён этишдан нари ўтиш қийин эди. Аммо ҳикоя қилинган тарих қанчалик ҳақиқат эканига баҳо чиқариш мушкул бўлди. Бу усулни шартли равишда “историография” сўзи билан белгиланди. Маъноси “тарихни ёзиб олиш” демакдир. Лекин шунга қарамай юнон тарихчилиги тарихнинг инсондан ташқари илоҳий бошқариладиган ҳодиса сифатида талқин қилишдан бир қадам олға ташлай билдилар ва воқеа-ҳодисаларнинг сабаб-оқибат муносабатларини излаш йўлини бошладилар. Бироқ классик юнон тарихчилигида ўтмишнинг даврий такрорланиб турувчи ҳодисалар тизими деб тушунтириш йўналиши пайдо бўлди. Лекин бу йўналиш ўз навбатида маданий жараёнларнинг ривожланиб бориш хусусиятини тан олди. Шу қарашларга муносабат кўриниши XX аср немис тарихчиси Осфальд Шпенглер томонидан қуйидагича изоҳланди: цивилизация инсон сингари болалик, ўсмирлик, етуқлик ва кексайиш босқичларидан ўтади ва ҳар қандай цивилизация вақти келиб ўрнини янги сифат ва миқдорларга бўшатиб беради. Шпенглернинг бу қараши Геаклит, Аристотель, Плотон, Полибий, Лукреций, Сенека каби тарихчи ва файласуфларнинг қарашларини умумлаштиргандек бўлади. Жумладан, Аристотель бундай деган эди: “Агар кимки бирор нарса ва ҳодисани келиб чиқиши, шаклланиши жиҳатдан баҳоласа, бу давлат ёки бошқа нарса ҳақидами, қатъий назар аниқ тасаввурга эга бўлади” (Аристотель. “Политика”, 1-китоб). Афлотуннинг “Қонунлар ва

давлат” асарларида тарихнинг давлатчиликка қадар ибтидоий босқичлари ва цивилизация босқиларида давлат масалалари кўрилганки, бу тарихнинг соддадан мураккабга томон ривожланишини тан олиш эди. Юнон тарихчиси Фукидид цивилизацияларнинг алмашинуви уларнинг такаббурлиги ва мағрурлигининг ошиб кетиши туфайли рўй беради деб тушунтиради ва бунга “Форс империясининг юксалиши ва таназзули”ни мисол қилади ва Афина учун ҳам шундай тақдирни башорат қилади. Албатта бу қараш табиий тарихий жараён учун ғалат туюлиши мумкин. Чунки цивилизацияларнинг аста-секин емирилиши ички зиддиятлар, тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий асослари ўзгариши, натижада эски, анъанавий қолипларга янги тараққиёт талаблари сиғмаслигидан рўй беради.

Ғарбнинг илк феодал даври тарихчиси Августин ўтмишнинг чизиқли тараққиёт концепциясини ўртага қўйган. Бунинг асосида “Библия” орқали кириб келган ғоя ётар эди. Яъни, тарих худо томонидан бошқариладиган ва йўналтириб туриладиган, пировардида аввалдан қўйилган мақсад сари ривожланадиган ходиса деб тушунтирилади. Аммо Августин ҳар қандай ўтмиш ортда қолиши, тараққиётнинг муқаррарлиги, цивилизациянинг янги босқичи аввалгисидан устунлиги каби илғор фикрларни ҳам олға сурган. Римнинг қулаши римликларнинг гуноҳлари ортиб кетгани сабабли “худонинг жазоси эди” деган фикри эса ўз даврининг ғоясидан туғилган. Бу эса христианликка қарши Рим империяси томонидан қатағон ва қувғинлар қилингани воқеаси билан боғлиқ кўрсатилган. Августиннинг тарих назарияси масаласида олға сурган бешта янги ҳолат ғояси ҳали ҳозирга қадар тарихий тафаккурга таъсир кўрсатиб келмоқда:

1. Тарихнинг универсаллиги, яъни барча тарихий жараён умумбашарийдир, лекин илоҳий куч томонидан аввалдан белгилаб қўйилган ва бошқарилувга мухтож ҳодисадир.

2. Тарихни йил, аср, ҳодиса, цивилизация каби сўзлар билан изоҳлаш жоиз эмас. Холбуки тарих илоҳий зот томонидан олдиндан белгилаб

қўйилган ҳодисалар тизимининг у ёки бу нуқтасидир. Тарих худо чизиб берган чизикда давом этади.

3. Тарих такрорланувчан ҳодиса эмас, бир чизикда охиригача боровчи хусусиятга эга.

4. Чизикли тарихий жараён динамик хусусиятга эга. Чунки, унинг белгилаб қўйилган охириги мақсади бор. Унга қадар ички ривожланишда давом этади.

5. Тарихнинг заминида субъектив ва шу билан бирга мантикий асослар борки, уларнинг ҳар бирини алоҳида тадқиқ этиш лозим.

Кўриниб турибдики, Августин ўзи тарихга нисбатан гоҳ идеалистик, гоҳ обьективистик, ниҳоят субъектив қарашлар доирасида иш кўрган. Шунга қарамай унинг қарашларидаги рационал қирралар тарихий тафаккурга жиддий таъсир кўрсатган.

Замонавий, тарихий концепцияларнинг юзага келишида италиялик тарихчи Виконинг ўрни алоҳида. Вико тарихни фан даражасига кўтаришга хизмат қилди. Унинг спираль назарияси ҳар қандай цивилизация ўз навбатида бир хил йўлни босиб ўтади. Лекин бу йўл бурама сим сингари поғоналашган кўринишда бўлади. Ҳар бир поғона аввалги поғонадан кўра олға силжиган, янги сифат даражасига кўтарилган бўлади.

Виконинг қарашларини файласуфлардан ИКант, Гердер, Кондорсе, Гегель, Спенсер сингарилар қабул қилишган. Уйғониш даври олимлари диний мутаассибликка қарши тарих ёрдамида кураш ғоясини олға сурдилар (Вольтер) романтик оқим вакили Ж.Ж. Руссо цивилизацияга салбий муносабатда бўлиб, ҳар қандай эзгуликни, инсон табиатига жо қилинган яхшиликни цивилизация бузади деган фикрда бўлган.

Умуман Ғарб классик тарихчилигида тарихга муносабат, уни тадқиқ қилиш методологияси масалаларида қарашлар турли-туман, баъзан бир-бирини инкор этувчи ва, ниҳоят, XIX аср ўрталаридан бошланган тарихга марксча фармацион ёндашувгача етиб келди. Фармацион қарашнинг энг

муҳим камчилиги шундаки, ҳар бир фармация алоҳида чегарада узиб олинган ҳолда тасаввур қилиниши қийин. Чунки, тараққиёт жараёнлари узлуксиз хусусиятга эга ва ҳар бир босқичда келгуси тараққиёт динамикасининг ривожланиш кучига эга бўлган унсурлари шаклланиб бораверади. Бугунги кунда ўзбек тарихчилиги тараққиётнинг цивилизацион моҳиятини биринчи ўринга қўйган ҳолда ўтмишни объектив ёритиш йўлидан ривожланиб бормоқда.

Шулардан келиб чиқиб қуйидаги ҳолатга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Тарих тадқиқотларининг уч асосий йўналиши мавжуд. 1-йўналиш жамиятнинг тараққиётини моддий табиий тарихий жараён сифатида талқин қилишдан иборат бўлиб, бу жараён қонуний ҳамда одамларнинг иродаси ва онги билан алоқаси йўқ ҳолда давом этади, деб ҳисоблашдан иборат. 2-йўналиш эса тарихий жараённи одамлар фаолиятининг натижаси сифатида талқин қилишдир. Биринчи йўналишда одамларнинг фаолияти табиий жараёнлар ичига сингиб кетгандек бўлса, иккинчи йўналишда тарихий жараён объекти билан унинг ижрочиси-одамлар фаолиятини, тарихий ижодини таҳлилқилаётган бўламиз. Ҳар икки йўналишнинг моҳиятини, уларнинг натижаларини бирлаштирсак, тарихга моддиюн-материалистик қарашга ёндашиб келаган бўламиз.

Тарих тадқиқотларидаги 3-йўналиш энг муҳим йўналиш сифатида инсонни тарихнинг ҳосиласи, тарихий жараёнларда пишиб етилган ҳосила сифатида баҳолашга келиб тўхтайтиди. Бу демак инсоннинг жамиятга тобелиги, тарих эса инсониятнинг ибтидодан то ҳозиргача ривожланиши, деб тушунишидир. Шундай қилиб “инсон ва тарих” “тарих ва инсон” тарихий жараёнларнинг учинчи ўлчами бўлиб, тарихни чуқур тушуниш, унинг гуманистик мақсадларини англаш, жамият ҳаёти учун ибратга, хатолардан холи қилувчи омилга айлантиради.

Христианлик тарихийдир. Унда инсониятнинг тарихи “илк гуноҳ”дан маҳшардаги сўроққача христианлик тафаккурида ўзига хос сарсон-

саргардаонлик деб тушунилади. Ҳар бир одамнинг тақдири ўша сарсонликнинг гўё бу ҳаётда намоён бўлишидек. Бу ғоя тақдири азал ҳақидаги ислом ғоясига ҳам уйғундир. Тарихнинг христианча талқинида ҳам тақдирга боғлаш, гуноҳлар туфайли у ёки бу ҳодиса рўй бериши, бунинг учун эса истиғфор лозимлиги каби ғоялар олға сурилганки, ўз навбатида булар ҳам тарихий тафаккурнинг кўриниши сифатида маълум босқич ҳисобланади. Христианча тафаккурнинг марказида гуноҳ ва истиғфор ўртасидаги буюк драма ётади. Ислом тафаккурида ҳам ҳаёт гуноҳ ва савоб канотларидан ва улар учун келадиган жазо ва ажрдан иборатдир.

Гуноҳ ва истиғфор ўртасида кечган ҳаёт тарих учун вақт, замон кесмасида жойлашади. Зеро **Вақт**га нисбат берилмаган воқеаълик тарих ҳисобига кирмайди. Аксинча, бу вақт эътибори билан мавҳум ривоят, асотир қатламига мансуб ҳодиса деб баҳоланиши мумкин.

Тарихни яхлит ва миллий даражада англаш учун коллектив хотира даражасида миллат ўтмишининг манзараларини тиклаш аъъанаси бўлмоғи лозим. Тарихий хотира аслида шудир.

Саволлар:

1. Тарихий жараёнларнинг объективлиги нималар билан изоҳланади?
2. Қадимги юнон тарихчилари ва файласуфлари таиихни ўрганишга қандай ёндошувларни олиб кирганлар?
3. Шарқ тарихчилиқ аъъаналарда тарихни тушуниш шакллари ҳақида нималарни биласиз?
4. Европа христиан тарих тафаккурининг етакчи ғоялари нималарда намоён бўлади?

Мустақил таълим учун топшириқлар

1. Алишер Навоийнинг тарихий асарларидаги бош ғояни таҳлил қилинг.
2. Шарқ тарихчи олимларининг умумий тарих жанридаги асарлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилинг.

3. Ўрта аср Европа тарих фанидаги асосий қарашлар ҳақида илганларингизни рефератив баён қилинг.
4. Тарих тадқиқотларининг уч асосий йўналишини таъриф ва тавсиф қилиб беринг.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Эҳтиром. Соҳибқирон Амир Темур хайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ. 1993 й. 31 август. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1994. 91-93 бетлар.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ – Т.: Ўзбекистон. – 1998.
3. Каримов И.А. Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи газетаси. 2009. 2 сентябр.
4. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. Т.: - 2006.
5. Исҳоқов М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Электрон нусха. Т.: 2009.

7-Мавзу. Фармацион ҳамда цивилизацион қарашлар ва тарих

Режа:

1. Тарихий тарақиётга назарий қарашлар тарихидан.
2. тарихга фармацион қараш ва унинг зиддиятли томонлари.
3. XX асрда тарих назариётчилигидаги айрим оқимлар ва мактаблар.
4. Тарихга цивилизацион қарашнинг тарихий илдизлари ва моҳияти.
5. Энг янги давр ўзбек тарихчилигининг назарий методологик асослари.

Таянч иборалар:

тарихий билимларнинг объекти, тарихнинг цикллилиги, спираль бўйлаб ҳаракат, илоҳий хоҳиш ғояси, тарихга илмий ёндошув, фармация, қивилизацион ёндошув.

Дарснинг асосий мақсади магистрантларда тарихий назарий фикрлар тараққиёти ҳақида илмий тасаввур, билим ва бу ҳақдаги билимларни ўз фаолиятига жатбиқ қилиш кўникмасини шакллантиришдир.

Тарихий билимларнинг объекти инсониятнинг реал тарихий тараққиётидаги барча босқичлардан иборат.

Ижтимоий билимларнинг, шу жумладан тарихий билиш жараёнининг табиатни билишдан фарқи шундаки, ижтимоий тарихий билимни билувчи субъект шу жамиятнинг ўз вакилидир. Субъектнинг ўз ижтимоий мавқеини жамият миқёсида англаб етиши ва ижтимоий тафаккур қилиши жамият ҳақидаги билимнинг моҳиятини ташкил этади. Тарих билими ҳам жамият аъзосининг ўз ва ўзга жамиятларнинг тараққиёти ҳақидаги ижтимоий билимдир. Одамзод қадимги замонларда ўз тарихини ва хатто ўз-ўзининг моҳиятини англашда мифологик тарзда фикр юритган. Бу демак, субъект, яъни ўз тарихини ва ўзини англамоқчи бўлган зот ўзини (яъни субъектни) ҳаёлий мифологик тасаввур билан бир нарса деб тушунган. Субъект билан

объект унинг онгида қоришиб кетган. Ўзи ҳаёлида пайдо қилган, аслида реал тарихдан йироқ, образлашган тасаввур ичида одамнинг ўзи ҳам ўзини бор деб ҳисоблаган. Одам табиат кучларини ўзига ўхшашқиёфада тасаввур этган, яъни ўзига хос хусусиятларини уни ўраб турган табиатга тадбиқ қилган. Табиат антроморф – одамга ўхшаш қилиб идрок этилган. Бунинг қолдиқлари эртаклардан кенг маълум. Уларда табиат унсурлари ҳар жиҳатдан инсон фаолиятини, фикрини, нутқини такрорлайди. Бу босқич учун ижтимоийлик билан табиийлик борлихи деярли фарқланмаган. Ибтидоий одам ўзини ўз жамоаси ва яшаш муҳитида унга маълум объектлар билан бирга тасаввур этган.

Тарихга илмий қараш инсоният онгидаги мифологик тафаккур шаклини енгиб ўтгандан бошланади. Бу босқич мифдан логосга – ҳаёлий тасаввурдан мантиққа томон силжишни таъминлади. Лекин логос – тарихга мантиқ орқали баҳо бериш босқичи икки йўлнинг боши эди. Биринчи йўл тарихни объектив жараён сифатида тушуниш бўлса, иккинчиси тарихни илоҳий куч, яъни олам-борлиқ устидан ўз иродаси ва ҳукмини ўтказувчи куч билан боғлаш йўли эди. Олам устидан, унинг тараққиёт устидан ҳукмрон, аммо ўзи мавҳум зот – худо, илоҳий зот, одамнинг ҳохишидан ташқари мавжуд зот ҳақидаги фикрга тарихни бўйсиндириш инсоният ўтмишини илоҳийлаштиришга олиб келади. Бу каби ҳолатларни ҳозирги замон туркман, тожик, қисман қозоқ тарихшунослигида кузатилмоқда. Улардаги етакчи ғоя азалийлик, илоҳий танланганлик, ҳудудларида мутлоқ даражада миллий эгоистик эгалик ғояси, қўшни минтақалардаги этник диаспоралари яшаётган ерларга ҳам ҳудудий даъвогарлик, қўшни халқларга нисбатан душманлик (адоват) руҳини тарғиб қилиш, уларнинг мавжудлигини инкор этиш, маънавий-маданий дунёсига нисбатан менсимаслик каби кайфиятларни уйғотишга уриниш яққол кўзга ташланмоқда.

Тарихга илмий ёндашув масаласи фалсафий категория бўлиб, объектив билим билан ўлчанади. Тарихни билишда илмийлик меъёри масаласида мураккаблик мавжуд. Зеро, илмийликнинг ўзини объектив талқин қилиш

тарихчи субъектининг методологик салоҳияти, билим даражаси, мушоҳада кенглиги, умумийликни хосликнинг йиғиндиси деб тушиниши, хосликларнинг ички қонуниятлари умумий қонуниятларга бўйсунуши кабиларни қай даражада идрок этишига, қолаверса, ўз тушунча ва идеалларини воқеъликлар тизимига татбид қила олишига боғлиқдир.

Илмийлик образи (нимани илмий деб ҳисоблаш) турли даврларда турлича бўлган. Ғарб антик дунёсида ижтимоий тарихий жараёнларни, ижтимоий ходисаларни табиий жараён деб баҳолашга дастлабки қадамлар қўйилган эди. Масалан, Демокрит инсоннинг жамоа бўлиб уюшуб яшашига унинг эҳтиёжлари сабаб бўлган. Яъни инсон ибтидоий ҳолатдан ижтимоий ҳолатга яшаб қолиш, ёлғизлик ҳалокат эканини тушуниш орқали етиб келган. Инсоннинг хатти ҳаракати, тафаккури, яшаш учун ўзига онгли равишда шарт шароитлар қила билиш, меҳнат қуроллари, инсон жамоаси, уруғи, аймоғи, қабиласи, элати, элу улуси, бошқарилиши ва давлат идора тузилмалари – буларнинг барчаси ижтимоий зарурат меваси ва ҳаказо. Демокритнинг бундай қарашидан тарихий онгнинг, тарихий тафаккурнинг объектив асосларига бир қадам қолгандек кўринади. Чиндан ҳам демокритнинг фикрини давом эттирилса, “тарихий фактлар айна фактологик материалларни ташкил қилиши, фактология эса асло мифологик материаллар эмас”лигини тушуниш қийин эмас.

Лекин антик даврда бошланган ушбу рационал ғоялар ўрта асрларда оламнинг заминий ва осмоний бўлиши каби диний қарашлар гирдобига деярли сўниб қолади. Билиш назарияси илоҳий билдиришдан ортиқ бирор нарсага даъво қилиши хатто жазоланадиган дахрийлик деб эълон қилинди. Бор билимлар илоҳий китобларни кўр-кўрона ёдлашга боғланди. Бу ғарб дунёси учун етакчи бўлган бир пайтда порлоқ ақл эгалари жаҳолатнинг қора пардасини йиртиб, жонларидан кечиб бўлса ҳам илмий ҳақиқатни ҳимоя қилдилар. Худди шу даврларда Шарқ фалсафасида ва илмий тафаккури дунёсида ҳам инқилобий юксалиш бўлди. Оламни илмий билиш, тарихни ижтимоий асосларини тўғри талқин қилишда Абу Райхон Беруний,

борлиқнинг ҳисоб китоби илоҳий ҳақиқатни билишдаги дунёвий билим воситаси эканини Хоразмий, жамият инсоннинг онгли, оқилона бошқарувига муҳтож ижтимоий ҳодиса эканини Фаробий, инсон тилининг хос қонуниятлари объектив билиш объекти эканини Қошғарий кабилар жаҳон аҳлига тушунтириб бердилар.

Тарих тадқиқотларининг уч асосий йўналиши мавжуд. 1-йўналиш жамиятнинг тараққиётини моддий табиий тарихий жараён сифатида талқин қилишдан иборат бўлиб, бу жараён қонуний ҳамда одамларнинг иродаси ва онги билан алоқаси йўқ ҳолда давом этади, деб ҳисоблашдан иборат. 2-йўналиш эса тарихий жараённи одамлар фаолиятининг натижаси сифатида талқин қилишдир. Биринчи йўналишда одамларнинг фаолияти табиий жараёнлар ичига сингиб кетгандек бўлса, иккинчи йўналишда тарихий жараён объекти билан унинг ижрочиси – одамлар фаолиятини, тарихий ижодини таҳлил қилаётган бўламиз. Ҳар икки йўналишнинг моҳиятини, уларнинг натижаларини бирлаштирсак, тарихга моддиюн-материалистик қарашга ёндашиб келган бўламиз.

Тарих тадқиқотларидаги 3 йўналиш энг муҳим йўналиш сифатида инсонни тарихнинг ҳосиласи, тарихий жараёнларда пишиб етилган ҳосила сифатида баҳолашга келиб тўхтайтиди.

Бу демак инсоннинг жамиятга тобелиги, тарих эса инсониятнинг ибтидодан то ҳозиргача ривожланиши, деб тушунишдир. Шундай қилиб, “инсон ва тарих” “тарих ва инсон” тарихий жараёнларининг учинчи ўлчами бўлиб, тарихни чуқур тушуниш, унинг гуманистик мақсадларини англаш, жамият ҳаёти учун ибратга, хатолардан холи қилувчи омилга айлантиради.

1. Инсоният тарихининг табиат тарихидан фарқи нимада?
2. Ижтимоий тарихий билимнинг ҳаққонийлигини қандай тамойиллар таъминлайди?
3. Тарихга илмий қараш қайси даврлардан бошланган, бу оқимнинг намояндаларидан кимларнинг ижодини таърифлаб бера оласиз?

4. Тарихга илмий қарашнинг критерийсини мада?

Мустақил таълим учун топшириқлар:

1. Тарихий билимнинг ижтимоий асослари ҳақида минирефератив иш ёзинг.
2. Тарихнинг объекти инсон ва унинг жамияти: субъектив ва объектив ёндошув масаласини тушунтириб беринг.
3. Тарих тадқиқотларида рационализм ва иррационализм.
Тарих тадқиқотларида уч асосий йўналишни таъриф ва тавсиф қилинг.

Адабиёт:

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. – 2009.
6. Историография средних веков. Муаллифлар жамоаси. Москва. 1992 й.: (тарих методологияси тарихининг қичқача тафсилотига бағишланган 1-боби);
7. Исҳоқов М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Электрон нусха. Т.: 2009.
8. Исҳоқов М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т.: ТДШИ. – 2010. – Б. 169-172.

8-Мавзу. Тарихийликнинг хусусий ва умумий қонуниятлари

Режа:

1. Археологик маданиятлар ва тарихий жараёнлар талқини.
2. Ёзма ёдгорликлар ва уларни ўрганишда тарихийлик тамойили.
3. Хусусий тарихлар ва умумий тарихий қонуниятлар.
4. Ўзбек тарихнавислигида тарихийлик тамойили.

Таянч сўз ва иборалар: моддий маданият, археологик ёдгорликлар, локал хусусиятлар, тарихий талқин, ёзма ёдгорликлар, тарихий шарт-шароит, воқелик ва прогресс, баҳо ва меъёр, хусусий тарихлар, умумий тарих, тарихийлик қонуни, ўзбек тарихнавислиги, ҳолислик тамойили.

Дарснинг асосий мақсади: мавзу доирасида ўрганилаётган тарихий жараённинг талқини билан боғлиқ талаблар ҳақида, илмий ғоя ва мақсад атрофида ўтмишга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш принциплари ўта муҳим амалий ечимларга восита эканлигини тушунтиришдир.

Асосий қисм:

1. Марказий Осиё минтақаси тарихий, маданий минтақа сифатида ибтидоий даврлардан бошлаб умумий хусусиятлар атрофида турли этносларни бирлаштириб келган. Шу муносабат билан минтақадаги археологик маданиятлар мажмуини турли маҳаллий хусусиятлар ва белгилар асосида ўрганиш, шу билан бирга ўрганиш объектига бериладиган тарихий баҳо масаласида айна объектнинг ўз ички имкониятларидан келиб чиқувчи ҳулосаларга бориш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Марказий Осиё антропоген минтақалар қаторида қуйи палеолитдан бошлаб инсон учун макон вазифасини ўтаб келган. Бугунги археологик тадқиқотлар ўлкада инсоният тарихини бир миллион йил атрофида белгилаш имконини бермоқда. Бироқ бундай ҳулоса бир-икки топилма асосида чиқарилиши етарли даражада асосли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли

мазкур муаммони тўғри ҳал қилиш учун бугунги тарих ва археология фанидаги техник ташхис имкониятларини ишга солмоқ лозим бўлади. Масалан, бир миллион йил аввал минтақанинг иқлим шароити ва географик ландшафти масаласини палеогеографик асосда текширмасдан туриб хулоса чиқариш қийин. Шу соҳада қилинган тадқиқотлар Селунгур ғорида ҳаёт давом этган давр учун мўътадил субтропикал иқлим шароити мавжудлигини кўрсатди. Бундан ташқари миллион йиллик даъвони асослаш учун радиокарбон таҳлили, чиринди кукунларни микроскопик ўрганиш (пыльцевый анализ), ғордан топилган одам бош чаноғи суягининг рентгенологик таҳлили сингари илмий текшириш усуллари ишга солинди. Қолаверса, Селунгур ғорининг қуйи палеолит қатламидан топилган тош қуролларга берилган техник ишлов излари жаҳон миқёсидаги шунга тенг ёшда бўлган ёдгорликлардаги ишлов усулидан фарқ қилмайди. Булар асосан кўл чўқмори йирик учуриндилар ажратиш ҳисобига пайдо қилинган қиррадан фойдаланиш имконини берувчи қуроллар эди. Бу каби дағал ишлов усуллари жаҳонда машҳур қуйи палеолит ёдгорликлари билан умумий қонуниятларга эга экан. Демак, ўша қадимиятдаги ибтидоий одамнинг тошга ишлов бериш имкониятлари деярли бир хил бўлган.

Қуйи палеолитнинг Шель ва Ашель босқичлари билан тенгдош бўлган Кўлбулоқ ёдгорлигидан топилган тош қуроллар ишлов бериш услубига кўра анча такомил топган. Яъни, уларга ҳар томонлама зарба бериш усули билан учқир қурол шакллари пайдо қилинган. Анъанавий кескич қиррали қуроллар қаторида бу янги типдаги қуролнинг пайдо бўлиши инсон фаолиятининг йўналишлари кўпайганидан далолат беради. Ўрта тош асри ёдгорликларида эса вазият янада бошқача. Улардаги тош қуролларнинг хиллари вазифаларига кўра кўп тармоқли бўла бошлади. Демак, мустъе даврида одамзод кесиш, қириш, янчиш, ишқалаш сингари қатор функцияларни тош, ёғоч, мўғиз, суяк сингари қурол воситаларидан фойдаланиб бажариш имкониятига эга бўлган. Бу топилмаларга бериладиган талқин мустъе одамларини “соддаликда” камситишга йўл бермайди. Чунки, Ўзбекистон ҳудудларидаги мустъе

одамлари ўз даври нуктаи назаридан жаҳондаги меъёрий даражаларга бевосита етишган эдилар.

Юқори палеолит ва мезолит даврларида минтақа бўйлаб одамзод ҳаёти жуда катта техник ва маънавий тараққиёт босқичини ўтаган. Бу даврда тошга ишлов беришнинг мураккаб усуллари амал қилган. Мезолит даврида янада такомилга эришилган. Энди тошни силлиқлаб пардозлаш усуллари ўйлаб топилган. Шу усуллар билан юқори палеолит даврида илк бора одамзод ўзи тасаввур этган илоҳий зот образини, айниқса инсон учун табиий яқин зот бўлмиш она тимсолини тошдан йўниб, силлиқлаб ҳайкалча кўринишида яшашга эришди. Бу ҳодиса инсоннинг маънавий такомилга яхши мисол бўла олади.

Неолит даври инсоният тарихида инқилобий давр деб аталган. Маъноси шундаки, одамзод илк бора ўзи учун зарур нарсаларни меҳнати билан ишлаб чиқариш мумкин эканлигини англаб етди. Бир томондан деҳқончилик маданияти куртаклари, иккинчи томондан ҳайвонот дунёсини қўлга ўргатиб, чорва хўжалиги ишлаб чиқариш усули пайдо бўлди. Ўрта Осиёда ушбу маданият босқичининг илк ёдгорлиги Жайтун маданияти номи билан аталади. Айни шу Жайтун маданияти босқичида – мил.авв. VI-V минг йилликларда минтақанинг шимолий қисми ҳали нисбатан қолоқ ибтидоий ҳолатда эди. Шу туфайли Калтаминор маданияти неолитини баҳолашда унинг пайдо бўлган муҳити – шимолий минтақа иқлим ва табиий шароитлари ҳисобга олинмоғи шарт. Шу сабабли жайтунликлар деҳқончилик ва ов хўжалиги асосида яшаган бўлсалар, калтаминорликлар балиқчилик, овчилик ва термачилик асосида кун кўрганлар.

Неолит давридан бошлаб сопол пишириш технологияси ўзлаштирилгани ҳолда жанубий минтақа сополсозлиги шимолга нисбатан илғор тенденцияларни намоён этди. Калтаминорликлар лой ғўлақларини устма-уст ёпиштириш усули билан ва чокларини хўл мато билан ишқалаш ёрдамида сопол буюмларининг асосини яратишган, уларни гулханга қўйиб пиширишган. Энеолит даври ва бронза даврining бошига келиб, сопол

пишириш технологиясида инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Сопол чархи пайдо бўлди. Демак, инсон механик кучни чарх орқали узатиш технологиясини ўзлаштирган.

2. Ёзма ёдгорликлар ҳақида гап кетганда, уларнинг пайдо бўлиш шарт-шароити муаллифнинг воқеа-ҳодисага шахсий муносабати, асар пайдо бўлган даврнинг ижтимоий, маданий ҳодисалари, бир сўз билан айтганда тарихий жараёнда шу асар пайдо бўлишига сабаб бўлган барча омиллар ҳисобга олиниши лозим. Тадқиқотчиликда ёки таълим жараёнида у ёки бу ёзма ёдгорликдан фойдаланиш ўзига хос ёндашув принципларини талаб қилади. Чунки, ҳар қандай ёзма ёдгорлик ўз даврининг маҳсули бўлиб, муаллиф олдида қўйилган ғоявий мақсад билан белгиланади. Демак, тарихий нуқтаи назар ўрганилаётган тарихнинг объекти тарихий эканлигини ҳисобга олишни тақозо этади.

Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятининг фонетик алфавитли тизимларига мил.авв. VII-V асрлардан бошлаб ошна бўлганлар. Дастлаб, қадимги халқаро муносабатлар доирасида Олд Осиёга тарқалган орамий ёзуви билан танишганлар. Кейинчалик қадимги Эрон салтанати таркибига кирган ҳолда орамий ёзуви аجدодларимиз ҳаётига расмий давлат ёзуви сифатида кириб келган. Мил.авв. IV-III асрларда эса орамий ёзувини маҳаллий хоразмий, парфиёний, суғдий, бохтарий тилларга мослаштириб, янги ёзув тизимлари пайдо бўлган. Ушбу ёзувларда битилган ёдгорликларнинг тарихий талқини ўта мураккаб вазифа бўлиб келмоқда. Гап шундаки, ҳар тўртала ёзув асосидаги қадимги тиллар унутилган. Улар “ўлик” тилга айланган. Шу сабабли қадимги ёзув ёдгорликларини ўрганиш эроний ва туркий қадимги тиллар соҳасида маълум билим, тасаввур ва кўникмалар бўлишини талаб қилади. Энг муҳими ўша қадимий ёзув ва тил материалларидан керакли тарихий маълумотларни чиқара билиш ва янада жиддий равишда бу маълумотларнинг объективлигини таъминлаш лозим бўлади.

13. Тарихда шахснинг роли масаласи ҳозирги тарих фанида пассионарлик ғояси асосида янги баҳоланмоқда (Л.Гумилев).

Бунинг маъноси: тарихда шундай ходисалар борки, булар жамият тараққиётининг етилиб турган масалаларини ҳал қилишда уларга янги қувват турткиси, импульс ролини ўтайди. Тарихий шахсларга нисбатан ҳам бу методологик омилни қўллаш мумкин. Масалан, Африқийлар сулоласининг таназзулини маъмурий хоразмшоҳлар пайдо бўлиши пассионар куч сифатида янги тараққиёт йўлига буриб юборди. Амир Темурнинг тарих сахнасида пайдо бўлиши тарихий шарт-шароит тақозо (зарур) даражасига кўтариб турган ижтимоий-сиёсий бурилишнинг пассионар кучига отланди.

Хулоса шуки, тарихи тадқиқотларида пассионар ижтимоий, иқтисодий, персонал (шахсий) хотисаларни эътиборга олиш пассионар янгилаш жараёнини, унинг натижаларини тўғри тушуниш ва баҳолаш имконини беради.

Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий тури. Улар инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи одамларнинг ўзаро муносабатининг натижаси ўларок яратилган ва ўша замонларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида ўрта аср (VI—XIX асрлар) тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Ёзма тарихий манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади: 1) Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёриқлар, фармонлар, иноятномалар ва б.к.), молиявий ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар ва 2) тарихий, геокозмографик ҳамда биографик асарлар.

Ижтимоий-сиёсий, айниқса иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум ҳуқуқий кўринишда бевосита ва кўп ҳолларда айнан қайд этиши билан қимматлидир. Лекин уларнинг орасида, айниқса расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланганда алоҳида диққат-эътибор ва эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳужжатлар устида иш олиб борганда, аниқроғи

ундан бирон ижтимоий-сиёсий воқеа ёки далилни талқин этиш учун фойдаланиш жараёнида бир ҳужжат билангина кифояланмасдан, ўхшаш бир неча ҳужжатни қўшиб ўрганмоқ зарур, чунки битта ҳужжатда фақат бир келишув ёки бир далил устида гап боради. Шунинг учун фақат бир ҳужжат асосида маълум ижтимоий-сиёсий масала устида қатъий фикр юритиб бўлмайди.

Тарихий, геокосмографик ҳамда биографик асарлар масаласига келганда, аввало шуни айтиш керакки, улар ҳукмрон синфнинг топшириғи билан ёзилган ва шу туфайли уларнинг саҳифаларида кўпроқ подшолар ва хонларнинг, амирлар ва йирик рухонийларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган, моддий бойлик яратувчи меҳнаткаш халқнинг тарихи эса кўп ҳолларда чеклаб ўтилган. Хуллас, бу асарларда ҳукмрон синфнинг дунёқараши ўз ифодасини топган, ўша синфнинг мақсад ва манфаатлари химоя қилинади. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин шуни сабаб қилиб, бу асарларни эътиборсиз қолдириш хато бўлур эди, чунки узок, ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти фақат шу асарларнинг саҳифаларидагина сақланиб қолган. Қисқа қилиб айтганда, ўтмишни бу асарларсиз ўрганиб бўлмайди. Аммо уларни ўрганиш жараёнида, уларнинг саҳифаларида келтирилган ахборот ва далилий маълумотлардан фойдаланишда хушёр бўлиш, яъни уларга танқидий ёндашиш талаб қилинади.

Тарихий, геокосмографик ва биографик асарлар бизгача кўп миқдорда етиб келган ва ўрта аср тарихини ўрганишда асосий манбалардан ҳисобланадилар. Бироқ тарихий, айниқса, биографик асарлар масаласида уларнинг муаллифлари кўзда тутган мақсад ва ғоя тарихий жиҳатдан баҳолалиши шарт.

3. Академик Бўрибой Аҳмедовнинг манбашунослик соҳасидаги фаолияти ўзбек тарих илмида алоҳида ўринга эга бўлди. Хусусан, “Ўзбекистон тарихи манбалари” номли ўқув қўлланма таркибига киргна таихий асарларнинг таснифи билан боғлиқ қарашлар нафақат назарий балки, амалий аҳамиятга ҳам эга. Манбаларни туркумлаб ўрганиш принципи ҳақида олимнинг айтган фикрлари жиддий методик аҳамиятга эга. Масалан, олим

таъкидлаганидек ёзма ёдгорликларнинг мазмунига кўра туркумлаш принципи билан бир қаторда уларни яратилган жойи, тили бўйича туркумлаш усули ҳам амал қилиб келмоқда. Ёзма ёдгорликларга хусусий ва умумий тарих нуқтаи назаридан ёндашиш тамойили алоҳида қайд этилиши лозим. Чиндан ҳам бизгача етиб келган тарихий манбалар инсоният ўтмишини умумий тарих сифатида ҳамда айрим мамлакат, подшолик, шаҳар ҳатто алоҳида олинган тарихий шахсга бағишланган асарлар сифатида маълум. Умумий тарих руҳидаги асарлар гўё муайян жойга, даврга нейтрал кўринса-да, аслида тарих ёзувчи муаллифнинг ўзи боғлиқ бўлган шарт-шароитга асар руҳини тортиши сезилиб туради. Масалан, Табарийнинг “Тарих” китоби умумий тарих руҳида, бироқ, муаллиф бутун жараёни ислом ва унинг моҳиятига, бу диннинг тарқалиш жараёнига боғлайди. Шу билан бирга инсоният тарихини тақдири илоҳ руҳида, албатта, барча одамзод исломга келиши муқаррар тарзида талқин қилишга уринади.

Хусусий тарихлар масаласида ҳам шунга ўхшаш қонуният сезилади. Масалан, Тарихи Буғраҳоний, Тарихи Яминий, Тарихи Масъудий каби қатор асарларда тарих бағишланаётган зотларнинг тақдирида ҳукмдорлик илоҳий берилган неъмат деб кўрсатилгандек бўлади. Шу муносабат билан хусусий тарихларда апология (ҳаддан зиёд улуғлаш) ҳодисаси яққол намоён бўлади.

Тарихда баъзан хусусий масалалар бўйича танқидий, ҳатто, танқидий реалистик йўналиш ҳам мавжуд. XIX асрда яратилган “Тарихи Манғития”, “Тарихи салотини манғития” каби асарларда реалистик бўёқлар фикримизнинг далилидир.

Тарихий манбалар қаторида хотирот жанрига хос бўлган мемуар манбалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундай асарлар қаторига Бобурнинг “Воқеот” ёки “Бобурнома” асари, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Фасиҳийнинг “Мужмали Фасиҳий” каби асарларини киритиш мумкин. Аммо бу асарларга муносабат айти тарихийлик нуқтаи назаридан бўлиши лозим. Ҳар бирини таҳлил қилишда муаллифнинг воқеа-ҳодисага муносабати ва ҳаётӣ позицияси муҳим аҳамиятга эга.

Саёҳатномалар сингари туркум тарихий ёзма меъросимизнинг маълум қисмини ташкил этади. Бироқ бундай асарлардан фойдаланишда сайёҳ муаллифларнинг кўрган-билганлари ҳақидаги шахсий қарашлар, ҳаққоний тарихга қанчалик жавоб беришини ҳисобга олмоқ лозимдир.

Ёзма ёдгорликларнинг орасида тасниф талаби билан ҳужжатларга алоҳида ўрин берилади. Тарихий ҳужжатлар шунчаки дипломатика ёдгорликлари бўлиб қолмай, уларда акс этган тарихий фактлар ўта қимматли аҳамият касб этадики, тадқиқот ва таълим жараёнига жалб этилиши жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

4. Маълумки, совет даври тарихчилиги кўп жиҳатдан ўтмишга холисона қараш имкониятини бермас эди. Мустақиллик даврида ҳаққоний тарихни яратиш, уни бегона мафкура тазйиқидан қутқариш, бузиб кўрсатилган фактларни тўғри талқин қилиш, қолаверса, халққа ўз тарихини борица тақдим қилиш масаласи методологик маънода етакчи ўринга қўйилди. Бу масала юзасидан мустақиллик йилларида тарих фанида рўй берган эсанкирашларга, эски мафкуравий қарашлар таъсиридан қутилиш қийин бўлган мураккаб вазиятда Президент И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асари пайдо бўлди. Унда тарихни ўрганишда тарихийлик принципи назарий жиҳатдан чуқур асослаб берилган. Ўзбек тарихнавислиги бугунги кунда шу йўлда ижод қилмоқда ва ўтмишни объектив тадқиқ этиш масаласида қатор ютуқларга эришмоқда. Ушбу жараёнда академик Яхё Ғуломов номидаги республика тарихчиларининг “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” номли даврий семинари алоҳида рол ўйнамоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Археологик маданият тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
2. Моддий ёдгорликларни тарихий талқин қилишда қандай ёндашувлар талаб қилинади?
3. Ёзма ёдгорликларга таснифий ёндашувнинг аҳамияти нимада?

4. Ёзма ёдгорликларнинг хусусий ва умумий тарихга муносабатини қандай изоҳлайсиз?
5. Ўзбек тарихчилигида совет даври методологияси нима асосга қурилган эди?
6. Мустақиллик даври ўзбек тарихнависида қандай ўзгаришлар бўй берди?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Ўзбекистон ҳудудларидаги археологик маданиятлар ҳақида тавсилый уй иши ёзиш;
2. Ёзма ёдгорликлар таснифи бўйича Б.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон тарихи манбалари” китобидаги тегишли бўлимни конспектлаштириш;
3. Классик шарқ тарихчилигига хос умумий тарахга оид асарлар ҳақида маълумотлар тўплаш ва тафсилотини ёзма равишда тақдим қилиш;
4. Президент И.А.Каримовнинг тарих ҳақида айтган фикрларини системали равишда йиғиш (тўлиқ асарлари нашри бўйича);

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т.: Ўзбекистон. – 1998
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. – 2009.
3. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. Ўқитувчи. – 2001.
4. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Муаллифлар жамоаси. Т.: - 2008.
5. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство культуры Центральной Азии. Т.: - 2005.
6. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье. Т.: р.и.о. УМЭД. – 2008.

9-Мавзу. Тарихни ўрганишда тарихий ономастика маълумотларининг муҳимлиги

Режа:

1. Ономастиканинг хронологик, ҳудудий, миллий (ёки этник) қатламларининг тарихий мақсадларда ишлатиш принциплари.
2. Топонимика ва тарих.
3. Антропонимика маълумотларининг тарихий аҳамияти.
4. Ономастиканинг маданий ва маънавий тарих учун аҳамияти.

Таянч сўз ва иборалар:

Ономастика, тарихий исмлар таснифи, тарихий ва филологик талқин уйғунлиги, исмлар ва маданий қарашлар, исмлар ва маънавият.

Дарснинг асосий мақсади: мавзу бўйича магистрантларга “Ёрдамчи тарих” фанлари курсида ўтилган тарихий топонимия масалаларига таянган ҳолда умуман ономастиканинг тарих фани ва бу соҳадаги таълим учун аҳамиятини атрофлича тушунтириш, бу соҳага тегишли маълумотлардан назарий ва амалий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Асосий қисм:

Инсон пайдо бўлибдики, унинг ҳаёти муайян макон билан боғлиқ бўлиб келган. Макон тушунчаси кенг маънода талқин этилса, инсон ҳаёти ва фаолияти макродунёнинг турли нуқталари билан узвийликда кечади. Одамзод ўзи яшаётган, қадами етган ерларга ном қўйиши табиий ҳол, чунки у ёки бу воқеани одам ўша воқеа-ҳодиса содир бўлган ерга боғлайди. Қадимги юнонлар бу соҳага умумий ном қўйишган ва фанда топонимика атамаси пайдо бўлган. “Топос” – ўрин, жой; “ономос” – исм, от демакдир. “Онима” варианты – номланиш деб таржима қилиниши мумкин.

Жой номлари бир томондан география учун объект бўлса, иккинчи томондан уларнинг тузилиши материали лексик birlikлар, яъни бир тилнинг айрим олинган сўзи, қўшма сўзи кабилардан иборат бўлгани учун

филологияга, хусусан тилшуносликка алоқадор. Тилшунос олим топоним усулларни таркибий тузилиши ясалиш усуллари тил қонуниятлари асосида ўрганади. Географ эса, жой номлари асосида у ёки бу объектнинг топографик ўрнини карталаштириш, масафаларни аниқлаш каби, ҳудудларни белгилаш, дунё томонларига (шимол, жануб, ғарб, шарқ) муносабатини аниқлаш каби мақсадларини амалга оширади.

Топонимиканинг фан тармоғи сифатидаги асосий вазифаси географик номларни ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шаклланиш ва ривожланиш (ўзгариш) босқичларини текшириш, илк маъноларини, кейинги даврларда уларнинг маъноларида рўй берган силжишлар, топонимларни шакллантирган грамматик омилларни ўрганишдир. Буларнинг барчаси бир қарашда тилшуносликка бевосита алоқадор. Лекин айтиш шунинг учун масалалар топонимларнинг тарихий таҳлилига ҳам хизмат қила олади.

Ҳақиқат шундаки, топонимларнинг аксарияти узоқ тарихий ўтмиш билан боғлиқ. Уларнинг пайдо бўлишини билиш муайян тарихий шарт-шароитларнинг маъносини очишга хизмат қилади. Топонимларга бу йўсинда ёндошиш тарих фанининг ёрдамчи соҳаси “Тарихий топонимика” учун илмий услубий замин яратди. Демак, тарихий топонимика ёрдамида тарихий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориш имконияти янада кенгайди.

Топонимика масалалари одамларни қадимдан ўзига жалб этган. Зеро жой номлари тасаввур этиш қийин мавҳум, муаллақлик бўлиб туюлган. Шу сабабли инсоният ўзи яратган ҳаёлий мифологик ижоди воқеаларни ҳам албатта жой номлари билан, хатто, ўйлаб топилган ҳаёлий номлар билан боғлаб келган. Масалан, “Чамбл бел” Гўрўғли дostonлар туркумининг пойтахт шаҳри, Рамаёнада Хастинапур мифологик шаҳар номи, Гомернинг Иллиада ва Одиссея dostonларидаги талай мифологик манзиллар шулар жумласидандир.

Худди шу каби, жуда қадимий жой номлари бўлиб, уларнинг асл тарихи унутилгач, тарихийликдан мифологик қатламга сурилган номлар ҳам

учрайди. Буларнинг бари топонимик материал тарихий талқинга мухтож манба эканини кўрсатади.

Географик номларни яхлит маънода ифодаловчи атама топонимия, топонимия соҳаси эса, топонимист дейилади. Маълум ҳудудга тегишли топонимлани бирлаштирувчи бошқа атама ҳам бор. Бу географик номенклатурадур. Номенклатура “жой номлари тавсифи” ёки “... рўйхати” деб таржима қилиниши мумкин. Номенклатура сўзи бошқа фанлар учун ҳам қўлланади. Масалан, “техник номенклатура”, “биологик номенклатура” ва бошқалар. Бу ўринда шу фанларга тегишли атамалар мажмуи кўзда тутилади.

Географик маънода топонимлар жойни ер юзасидаги муайян нуқтага одамлар тасаввури учун боғлашга хизмат қилади. Топонимия шунчаки жой номини аташ эмас. Зеро, топонимлар уларни юзага келтирган тушунчалар билан боғлиқ ҳолда ономастика (номшунослик)нинг бошқа соҳалари билан ҳам узвий алоқадордир. Булар антропонимлар, зоонимлар, гидронимлар, дендронимлар, оронимлар ва ҳаказо. Кўпинча топонимлар атоқли от тоифасига киргунига қадар турдош отлар сафида бўлади. Улар бирор жой номи сифатида қарор топгач топонимга – атоқли отга айланади.

Географик номлар улар қайси объектга нисбатан қўллангани аниқ бўлмагунча жойга нисбатан аниқ тасаввур бермайди. Масалан Кеш топоними Ўзбекистон, Қашқадарё, боринги, Шаҳрисабз воҳаси кабилар билан боғлиқ изоҳланмаса, бу атама мансуб тарихни билмаган одам учун ҳеч қандай маъно бермайди.

Қўштепа томоними умуман объект сифатида бир қанча ерда мавжуд. Буни Дарғом бўйидаги, Ургут туманига қарашли ерда жойлашган археологик объект деб тушунилса аниқ тарихийлик касб этади ва аниқ жой тасаввурига хизмат қилади. Худди шунингдек Кичик Осиёда Кошо-Депе ҳам ўз макони билан боғлиқ изоҳланмаса тушуниш қийин.

Топонимларнинг тарихий талқини мураккаб илмий изланишларни талаб этади. Чунки топонимлар у ёки бу объектга нисбатан турли даврларда берилиши мумкин. Баъзан шундай ҳам бўладики, маълум бир макондан

аҳоли миграция қилиб бошқа манзилга қўнади. Унинг асл жойини бошқа халқ ёки этник ўзгалар эгаллайди. Баъзан эски номларни сақлаб, уларнинг талаффузини ўзгартирадilar ёки ўз тилларига калька усули билан ағдариб оладилар. Худди шу каби ходиса Зарафшон дарёсига нисбатан бир неча бор рўй бергани маълум. Юнонлар уни Политимет деганлар. Араб муаллифлари Нахри Суғд, Нахри Бухоро ва бошқа номлар билан аташган, ниҳоят ўрта асрларда дарёга нисбатан Зарафшон атамаси қарор топган. “Политимет” юнонча “кўп шарафли” деган маънони билдирган. Агар юнонлар бу дарёнинг номини маҳаллий атамага кўра Калька қилган бўлсалар, у ҳолда қадимги суғдлар ўз дарёларини Намич деб атаган бўлсалар керак. Бу фикрни Санкт Петербурглик олим В. А. Лившиц ўртага қўйган эди. Бизнингча бунда бир маъно бор. Чиндан ҳам қадимги суғд тилида “намў” – улуғвор, номдор, шарафли деган маъноларга эга.

Тарихий топонимларнинг пайдо бўлиш, унутилиш, янгиланиш шарт-шароитлари бутун бир тарихий жараёнлар билан, маънавий диний дунёқараш тизимлари билан, хўжалик юритиш, турли хил социал бухронлар, харбий воқеалар табиий ходиса ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Масалан, “Худа урган” топоними Тошкентнинг шимолида Хасанбой қишлоғига кираверишдаги кўприкнинг номи бўлган. Бу кўприк атрофлари овлоқ ерлар бўлиб у ерда бир гуруҳ қароқчилар йўл тўсарлик қилишган эканулар йўловчи пайдо бўлиб кўприкка яқинлашганда йўлга қўндаланг қилиб хода ташлашар экан. Йўловчи учун бу “борингни бериб ўтавер” деган маъно берар экан. Хасанбой халқи бу ҳимояни унутган эмас. Холбуки ўша кўприк аллақачон йўқ бўлиб кетган. Чунки ҳасанбой ариғининг ўзани бошқа ерга сурилиб янги канал орқали олиб ўтилган. Ёки, бошқа бир мисол: катта бойларнинг ерлари эгалари номи билан аталган пайтлар бўлган. Мазкур Хасанбой қишлоғида катта экин майдонларидан бири “Рихсибойнинг ери” деб аталар эди. Бошқа бир экин ва боғ майдонлар Ёвшуббойнинг ери дейилар эди. Бу бойлар аллақачон ўтиб кетган бўлишига қарамай, ерларни катта ва кекса ёшдаги аҳоли шу номлар билан эслашади.

Энди Ҳасанбой қишлоғи дейилишига саба ҳақида. Ҳасанбой аҳолиси асосан Тошкент шаҳрида “шаҳар ҳовлилари” бўлган, ёзда “дала ҳавои”га чиқиб, экин текин, боғ-роғ қилиб тирикчилик қилган. Қишлоқ XVIII аср охири – XIX аср бошларида Себзор даҳасининг аҳолиси етакчилик қилган, уларни “дала”га олиб чиқиб ер сув тақсимлаб берган оқсоқол Ҳасанбой ота номи билан боғлиқ. Шу тadbир Ҳасанбой ота Тошкент аҳолисини иқтисодий тангликдан қутқариб қолган. Чунки, ўша даврда Тошкент Қўқон хонлари (Олимхон) тасарруфига тушиб қолган ва зулм кучайган эди.

Топонимларни со́цио-лингвистик таҳлил этиш беихтиёр уларнинг тарихий асослари томон етаклайди. Масалан, этнотопонимлар, антропо-топонимлар, ижтимоий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ жой номлари булар ҳаммаси жамият ҳолатлари туфайли социал ҳаёт инъикоси сифатида юзага келади. Шу сабабли топонимларни тарихийликнинг бир чизиғида – синхрон кесмада ҳамда жой номлари тараққиётининг бошланишидан дп\авомийлиги асосида диохроник усуллар билан ўрганилади. Булардан иккинчиси, яъни диахроник ёндашув тарихий жараён нуқтаи назаридан қизиқроқ ва самаралироқ бўлади.

Марказий осий топонимик номенклатурасининг диахроник манзарасини кузатадиган бўлсак, сўнги уч минг йил давомида бу минтақада шу сқадар кўп топонимик қатламлар пайдо бўлганки, уларни ўз қатламлари доирасида аниқ чегаралаб текшириш амри маҳол. Чунки топонимик қатламлар айрим ҳолларда янги тарихий шароитда пайдо бўлган топономенклатура орасига кириб яшовчи номларга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Нахшаб – ислом даврида араблар томонидан насаф деб юритилди.

Чоч топоними X асрдан бошлаб Тошкент шаҳрида қўллана бошлаган. Хитойча Ши-кан – “тош шаҳар” деб аталгани ҳам бежиз эмас. Лекин Чоч атамаси кейинги асрларда ҳам сақланиб қолаверди. Бобур Чоч камонлари ҳақида ёзиб “Камони Чочий” иборасини қўллагани яхши мисол бўла олади.

Баъзан тарихий топонимлар маълум жой аҳолисига тушунарсиз бўлса-да, яшовчанлигини йўқотмайди. Масалан, Тошкентнинг Хадра майдони.

Синчков ва тил таркибидан ҳабардор одам ҳадра “ҳадди роҳ” йўл чети деб изоҳланмаса, оддий тошкентлик учун бу атама анъанавий мавжуд ва ёдаки айтилади холос. Бундан ташқари, араб тилида “аҳдарун” ва “ҳадраун” сўзлари “яшил” маъносини англатишини ҳисобга олсак, Ҳадра майдонини “яшил майдон” деб ҳам таржима қилиш мумкин. Новза атамаси Тошкентнинг ғарбий мавзеларидан бирининг номи. Бу сўз тузулишига кўра жуда қадимий. Суғд тилида нов “янги”, за эса “ер, жой” демакдир. Демак қочонлардир қадимиятда ва илк ўрта асрларда Чоч орқали савдо ишлари олиб борган суғдлар шу мавзеда қўним топишган, балки яшаб қолиб, маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган дейишга асос бор. Топонимнинг тарихий динамикаси 1,5 минг йилдан ортиқ вақтни кўрсатмоқда.

Топонимия даврий қатламларига кўра тарихий ва ҳозирги замонда амалда бўлган қатламларга бўлинади. Тарихий топонимларнинг унутилган қатлами ва узоқ даврлардан буён давомий амал қилиб, ҳозиргача етиб келган қатламлари ҳам ҳисобга олинмоғи лозим.

Топонимик номенклатура бирликлари ва уларни шакллантирувчи унсурлари ва келиб чиқиш даври ҳар хил, тил манбалари ҳам турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон топонимик номенклатурасида қадимги туркий, қадимги эроний элементлар кенг тарқалган. Шу билан бирга турли сиёсий-ижтимоий, этнологик, маданий маънавий омиллар туфайли пайдо бўлган топонимлар ҳам катта сонни ташкил этади. Сиёсийлашган қатламда юз берган “портлаш” совет даври топонимлари мисолида яққол намоён бўлди: Қизил тўқимачи, Байналминал, Первомайская, Большевик кўчаси, Советская кўчаси, ленин колхози, Орджоникидзе райони ва ҳоказо.

Топонимия амалий моҳиятига кўра ижтимоий тарихий ҳодисадир. Шунга кўра, топонимияни тарихий материал сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бошқа жиҳатдан топонимия сўз бирликлари билан иш кўргани сабабли тилшунослик учун ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Топонимия шунчаки лексик бирликлар йиғиндиси эмас, балки экстралингвистик омиллар

йиғиндиси ҳамдир. Топонимияда ижтимоий ҳаёт, маданий жараёнлар, турли хил сиёсий вазиятлар, бир сўз билан айтганда ижтимоий коллектив ҳаётининг барча соҳалари акс этиши мумкин. Масаланинг бу томони топонимларда этник жараёнлар, иқтисодий муносабатлар, маълум ижтимоий этномаданий алоқалар, тиллар таъсирдошлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлар мужассамлашади.

Топонимия социолингвистик нуқтаи назардан ҳалигача етарли ўрганилмаган. Тарихий жиҳатдан ҳам топонимиянинг махсус ва ялпи ўрганилган деб айта олмаймиз. Зеро, топонимия тарихий жиҳатдан шундай мураккаб тадқиқот майдоники, унинг аввало лингвистик (лексик, семантик, фонологик, морфологик) асослари тўлиқ тасаввур қилинган эмас. Хатто айтиш мумкинки, Марказий Осиё тарихий топонимиясининг лексик фондини тартибга солинган рўйхати, каталоги, изоҳли тўлиқ луғати яратилмаган. Аҳволнинг бу қадар мураккаблиги тарихий топонимия тадқиқотининг асосий муаммоларини “Ёрдамчи тарих” фанлари таркибида бир бора қайд этиб ўтишни долзарб масалага айлантирди.

Тарихий топонимияни тадрижий (диахроник) ривожланиб боровчи ходиса деб баҳолаш билан баробар, уларнинг тарихий фани учун қўшимча маълумотлар берувчи манба экани алоҳида ҳисобга олиниши лозим.

Топонимия жой номлари билиш билан бирга умумий номшуносликнинг барча тармоқлари билан узвий алоқада бўлиши мумкин. Яъни, киши исмлари – антропонимлар жой номлари вазифасида амал қилиши мумкин. Гидронимик топонимлар ҳам учрайди. Зоонимик топонимлар, оронимик топонимлар, годоним (йўл номлар – юнонча *hodos* “йўл”), агронимлар (майдонлар) ва ҳоказо топонимик гуруҳлар уларнинг мазмун таснифидан келиб чиқади. Шу билан бир қаторда топонимия ўзи атаган манзилнинг катта ёки кичиклигига қараб макротопонимлар ва микротопонимларга бўлинади.

Топонимиянинг география, тилшунослик ва тарихнинг синтези деб қаровчилар ҳам бор. Бундай қараш топонимияни тадқиқ қилишда

методологик ва методик ёндошувни белгилашга ёрдам беради. Яъни топонимика таркибида юқорида саналган йўналишларнинг барчаси учун умумий бўлган атамалак хусусияти билан бирга атрофдаги объектларга нисбатан атама яшашнинг ўзига хос хусусиятлари бирлашади.

Топонимик материал ўз ички мазмунига кўра бир қанча йўналишларга бўлинади: оронимика, гидронимика, дендронимика ва ҳ.к. Бу мажмуалар умумтопонимик хусусиятга эга бўлгани сабабли улар ҳақида алоҳида тўхталмаймиз.

Ономастиканинг антропонимика йўналиши ҳам тарихий манба сифатида катта аҳамиятга эга. Зеро, тарихий жараёнда киши исми мазмун моҳиятини маънавий дунёқараш тизими билан алоқадорлиги айниқса эътиборга лойиқ. Масалан, ўлкамизда қадимий диний қарашлар заминида вужудга келган исмлар тизими ўша диний муҳит тарихан алмашгани муносабати билан тубдан ўзгаргани, янги дин тасаввурлари билан мувофиқлашгани кузатилади. Айниқса, зардуштийлик даври исмлари ислом даврида исломий исмлар билан алмашгани яққол мисолдир. Бироқ, ислом дини шароитида ҳам қадимий анъанавий исмлар қисман сақлангани ҳам маълум. Масалан, Жамшид, Рустам, Хусрав ва бошқалар. Гап шундаки, тарих учун умуман ономастика, хусусан, антропонимика материалларидан унумли фойдаланиш муайян жараёни ҳар тарафлама тушунтиришга имкон беради.

Назорат учун саволлар:

1. Ономастика илмий соҳасининг мазмуни ва моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
2. Ономастика материалларининг тарихий аҳамияти нимада?
3. Ономастиканинг таснифий йўналишлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Тарих тадқиқотлари учун ономастика материалларининг аҳамияти нимада?
5. Ономастиканинг тарихий шароит тақозоси билан ўзгариши қандай шарт-шароитларга боғлиқ?

6. Ономастиканинг даврдан-даврга ўтувчанлиги нималар билан изоҳланади?

Мустақил иш топшириқлари:

1. А.Суперанскаянинг “Теория ономастики” китобини рефератив ўрганиш;
2. С.Қораевнинг “Ўзбекистон топонимияси” китобини рефератив ўрганиш;
3. М.Мурзаевнинг “Введение в топонимику” китобини таҳлил қилиш;

10-Мавзу: Тарихга мифологик, диний ва илмий ёгдашувнинг ижтимоий объектив ва субъектив омиллари

Режа:

1. Ўтмиш ҳақида ибтидоий тасаввурлар: асотирлаштириш олрқали ўтмишга муносабат.
2. Инсоният ўтмишининг диний талқини ҳақида.
3. Тарихга илмий ёндошув усуллариининг шаклланиши ва такомил босқичлари.
4. Тарих тафаккурининг объективлиги учун зарур шарт-шароитлар.

Таянч тушунча ва иборалар:

ибтдоий онг, табиат ва инсон бирлиги, инсонда ўзлик ва жамоа туйғуси, асотирий ва диний тасаввурлар, такрорланувчи модель, тиарихнинг циклик модели, антик ва ўрта аср тарих назариялари социал эволюция назарияси, социо-антропологик ёндошув, тарихда объективлик – умумий талаб.

Дарсининг асосий мақсади:

талабаларда тарихий тафаккурнинг шаклланиш босқичлари ҳақида тасаввур ва билим ҳосил қилиш. Турли даврларда пайдо бўлган назарий қарашларни танқидий баҳолаш кўникмаларини яратиш.

Асосий қисм:

Инсоният тарихига эанг қадимги муносабат масаласи одамзоднинг табиатдан ўзини ажратиб қараш даражасидаги тафаккурий босқичдан буюошланади. Маълумки, тарихда энг қадимги ёзувли цивилизация маконлари Месопотамия ва миср ҳудудларида пайдо бўлган. Айни уларда ёзувнинг бўлганлиги, ёзма ёдгорликларини ўқиға эришилганлиги, улардан кўплаб маълумотларни олиш мумкинлиги, жумладан, мисрликлар ва месопотамияликлар ўз ўтмишларига қандай қарашлари мавзуда кўйилган масалани ёритишда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Санъат ва адабиёт ўтмиш хотираси ва кечувчи замонни акс эттиради. Бироқ санъат ва адабиёт ҳодисалари ҳам тарихдан ташқарида эмас. Шу сабабли уларда акс этадиган воқеа-ҳодисалар маълум бадиийлашган шаклда тарихий жараённинг инъикосидир. Лекин ўтмишда чиндан ҳам ўринга эга ёки ўйлаб топилган ўтмиш воқеълигининг модели фикрлардан тарихнинг ибратли хулосалардан, ровий ва ҳаққоний ифода топади.

Тарих ҳақидаги ровий гаплар муайян ижтимоий қатламнинг, жамоага хос психологиясини акс эттиради.

Тарихни яхлит ва миллий даражада англаш учун коллектив хотира даражасида миллат ўтмишнинг манзараларини тиклаш анъанаси бўлмоғи лозим. Тарихий хотира аслида шудир.

Шу нуқтаи назардан тарихни тушуниш масаласига махсус ёндашилса, бу жараённинг мураккаб босқичларини кўриш қийин эмас. Узоқ ўтмишда инсоният ўзи босиб ўтган йўлни хотирада сақлаш имконияти чеклангани сабабли ўтмиш тўғрисида ҳаёлий тасаввурлар йўлидан бориши табиийдек бўлган. Бундай ёндашув аввало олам – борлиққа нисбатан, унинг реал моҳиятини тушунишдан фантастик тасаввурлар орқали фикр юйтиш етакчи бўлган. Одатда ўтмишни образлаштириш натижасида асотирий тафаккур юзага келган. Тарихга нисбатан қўлланган асотир эса асос-эътибори билан реал тарихни муайян образлар тизими орқали умумлаштиришга қаратилади. Бироқ бунда реал тарихдан кўра кўпроқ унинг маълум ишоратлар тизими акс этган бўлади. Демак, тарихга мифологик ёндашув афсоналарни реал тарих қилиб кўрсатиш учун воситага айланади. Буни биз Юнон тарихчилиги анъанасида кузатишимиз мумкин. Қадимги юнонлар ўз тарихларида ўзлари ўйлаб топган ва муайян тизимга солинган асотирий образларни ҳеч иккиланмай ўз тарихларининг қисми деб ҳисоблар эдилар. Шу сабабли греклар юнонлар яратган мифологик дунё қадимги Юнон жамиятининг осмонга, самога кўтарилган нусҳасига айлангандек. Зевс олий ҳукмдор худо, барча маъбуд ва маъбудалар унинг измида ва ҳ.к. Бу модел аслида Юнон жамиятининг бошдан кечирган тарихига образлаштирилган китобдек гап эди.

Шу қарашни Марказий Осиё минтақасига тадбиқ этадиган бўлсак, Юнон моделининг ўзига хос талқинини маҳаллий мифологияда, кейинчалик фольклор ижодиёти тизимида кузатиш мумкин. Жумладан, зардуштийликка қадар тарихни асотири орқали талқин қилинадиган бўлса, унда турли табиат ва жамиятга хос илоҳиёт тизимининг мустақил ўз қарамоғидаги соҳалар бор эканлигини кўриш мумкин: Митра борлиқ дунёнинг эзгу қўриқчиси, Варахран қудратли ҳарбий салоҳият бўлиб, борлиқ дунёни ёмонликлардан асровчи, Ардвисура ҳаётнинг энг муҳим омили сув ва бошқалар. Лекин зардуштийлик ана шу ўзига қадар амал қилган диний тушунчаларни якка-ёлғиз иродат эгаси Ахурамаздага бўйсундирди. Шу даврдан бошлаб жамиятдаги давлатчилик жараёнларининг моҳияти Ахурамазданинг яккалигини эътироф қилиш орқали илк подшочилик ғоялари асотирий равишда асосланган эди.

2. Тарихни билиш жараёнида унга мифологик ёндашувлардан кейинги босқичда диний ёндашувлар йўналиши юзага келган. Айниқса, тарихий жараёни илоҳий кучлар билан боғлаш орқали методологик жиҳатдан тарихни ўрганишнинг ўзига хос моделлари юзага келган. Бунинг ёрқин мисолини ислом даври тарихнавислигида кузатиш мумкин. Энг кенг тарқалган тарих ёритиш усули одам атодан то муаллифгача бўлган умумий тарих ёзиш усули эди. Бу усул ҳаттоки хусусий тарихларга ҳам таъсир кўрсатган. Шажара тарихларининг боши ҳам одатда одам атодан бошланиб тарихи яратилаётган шажарага боғланган. Шу маънода тарихга ижтимоий ҳодисалар тизими сифатида қараш йўналиши ўрта асрларда қийин йўллар билан бўлсада паёдо бўла бошлаган. Масалан, Ибн Холдун тарихий жараёни ижтимоий жараён сифатида талқин қилиб берган ва ўзининг таъсирини ҳатто Европага ҳам ўтказган.

Қадимият ҳақида гап кетганда аввало қадимги икки дарё оралиғи ва Миср цивилизациялари эътиборни тортади. Жумладан, Шумер цивилизацияси энг қадимги ёзувли цивилизация ҳисобланади. Ундан кейинги босқичда Аккад, Бобил ва Ашшур цивилизациялари давом этади. Ўз даври

учун юксак даражага эришган мазкур цивилизация ўчоғи ўзидан қолдирган ёзма меросда шу вақтга қадар биз тарих деб атаган тушунчага мос келувчи сўз учрамаган. Лекин бу Шумер ўз тарихига эътиборсиз бўлган дегани эмас. Ўрганилган Шумер матнлари берган маълумотларни умумлаштирилса, уларнинг тарихга муносабатини тушуниш қийин эмас. Аммо ўтмишга муносабат уларда шундай акс этадики, кундалик воқеа-ҳодисалар, табиат инжиқликлари, эришилган муваффақиятлар, подшоларнинг тахтга келиши ёки кетиши, урушлардаги ғалаба ёки мағлубият, туғилиш, ўлим, ҳосил, ҳосилдорлик, ҳосилсизлик ва ҳ.к. буларнинг барчаси ҳеч шубҳасиз худоларнинг иродаси билан рўй берган каби руҳ уларда яққол кўринади. Демак, қадимги Месопотамия ва Миср қадимги тарихий тафаккури илоҳийлаштирилган даражада бўлган. Оқибатда, тарихий воқеа-ҳодисаларни акс эттиришда уларнинг сабаблари ва оқибатлари, ўзаро сабабдошлик, тарихий тажриба сингари муҳим масалалар эътибордан четда қолмайди. Ҳозирги замон илмий тарих назарияларининг моҳияти айтишга шубҳа ва воқелик, сабаб-воқелик-оқибат каби тизимларни ҳисобга олиш билан фарқланади.

Ўрта аср Шарқ тарихчилигида ровий тарих билан реал тарихни қориштириш хусусияти етакчи ўрин тутган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки аҷам” номли китоби Марказий Осиё ва Эрон тарихини ўз даври тарих назарияси руҳида тўрт сулола тарихи қилиб баён этиш усулини акс эттирган. Унга кўра кайёнийлар, пешдодийлар, ашконийлар ва сосонийлардан иборат тўрт сулола тарихи ҳақиқий тарих қилиб кўрсатилган. Абу Райхон Берунийга келсак, тарихни реал тушунишга мойиллик кўзга ташланади. Бироқ, Беруний “Доро ибни Доро даврида...” , - деб бошланувчи жумласида тарихнинг вақтга нисбати асло ҳисобга олинмаган. Шу даврда яратилган хусусий тарихлардан Утбий, Байхокий кабилар реал тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятини ёритганлари сабабли ҳаққоний воқеа-ҳодисаларга яқин турганлар.

Шу ўринда тарихга диний нуқтаи назардан ёндашув асослари айни жаҳон динлари орқали юзага келганини таъкидлаш лозим. Масалан, Библия инсоният тарихини пайғамбарлар фаолияти билан ва илоҳий ирода билан боғлаш анъанасини қарор топтирган бўлса, худди шу қарашни Қуръон руҳида ҳам сезиш мумкин. Бироқ, диний китобларнинг тарихга муносабати яна бир бора айтиш мумкинки, аниқ вақтга нисбат берилмаган. Шундай қилиб тарихий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишида қанчалик содда бўлмасин, диний тарихий тафаккурнинг ҳам ўрни бор. Зеро, диний тарихлар ўтмиш ҳақидаги ижтимоий фикрнинг ўзига хос босқичи эди.

3. Тарихни илмий идрок этиш қадимги Юнон тарихчиларининг илк қадамларидан бошланган. Лекин, улар ҳам ўзларининг синфий ва Юнонистон кўзи билан дунёга қараш каби нуқсонларни акс эттирганлар. Шунга қарамай, Юнон тарихчилари илк тарих назарияларининг асосларини яратганлар. Муҳими, улар тарих қандайдир илоҳий куч томонидан бошқариладиган ҳодиса эмаслигини тушуниб етдилар. Аста-секин тарихда сабаб ва оқибат таҳлили пайдо бўла бошлади. Цивилизацион тараққиётнинг даражаси ўзига хос эришилган ютуқларнинг мажмуавий самараси сифатида талқин қилинди. Классик давр тарихчиларида тарихнинг узлуксиз айланиб турувчи ҳодиса сифатидаги талқини етакчи бўлди. Бунга кўра гўё тарих доимий равишда қайтиб келувчи ва такрорланувчи ҳодисалар эди. Арасту ва Афлотун тарихнинг ўзгариши ва ривожини такрорланиб келувчи ҳодисаларнинг оқибати деб ўйлашарди. Уларнинг циклик ёндашуви ҳатто ҳозирги замон тарихчиларига ҳам таъсир қилган. XX аср тарихчиси Осфальд Шпленгер ҳар қандай цивилизация инсон сингари умр босқичларига, яъни болалик, ўсмирлик, етуклик ва қарилик босқичларига эга деб ҳисобларди. Худди шу ғоя жамият ва унинг тараққиётига нисбатан Ҳиндистоннинг муҳим маънавий мероси Бхагават Гитада ҳам акс этган. Аристотель ўзининг сиёсат китобида ушбу қарашни бундай таърифлайди: “Кимки нарса ва ҳодисаларни келиб чиқиши, шаклланиши, ривож ва таназзули асносида тушунса, бу ҳақда энг аниқ тасаввур олган бўлади”. Тарихга бундай қараш тарих

билимининг табиатини ҳам белгилаб берди. Ҳолбуки тарих билими шунчаки эмпирик билим бўлиб қолса, унинг ижтимоий моҳияти йўққа чиқиб қолгандай бўлади. Тарихга циклик қарашнинг камчилиги шунда эдики, бу қараш тарих воқеа-ҳодисаларининг замон тараққайёти билан боғлиқ ҳажми, мазмуни ва фактологик хилма-хиллиги ортиб боришини ҳисобга олмайди. Милодий V асрда яшаган Византия тарихчиси авлиё (худо ярлакаган) Августин томонидан тарих назарияси янада бойитилди. Унинг икки ғояси ўз даври учун муҳим ҳисобланади. Биринчи ғоя тарих бир меъёрга ва бир чизикли тараққиёт хусусиятига эга эканини исботлашга қаратилган ва бу чизик тарихнинг барча даврларини, барча цивилизация босқичларини қамраб олган ҳолда фақат олға интилувчи ҳодисалар тизими эди. Бироқ, бу масалада Августин худонинг иродаси деган тушунчани ўзи учун ўлчов меъёрига айлантирди. Августиннинг иккинчи ғояси тарихнинг динамик тараққиётига хос бўлиб, унга кўра тарих аввалги даврларга нисбатан янги босқичлар сари ривожланиши муқаррар деб тан олишдан иборат эди. Бу ғоя Августиндан кейинги тарихчиларнинг илмий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. Барча прогресс ҳодисасини тан олувчи тарих мактаблари у ёки бу тарзда Августиннинг ғоясини давом эттирмоқдалар.

Биз юқорида ўз ўрни билан Августиннинг давомчиларидан бўлмиш ва ўз мактабига эга бўлган тарихчи, файласуф Вико тўғрисида тўхтаб ўтган эдик. Унинг спирал ғояси ўзига хос тарзда аввалги қарашларни бойитди. Виконинг қарашларида бир масала муҳим. Тадқиқот элементлари ўрганилаётган масаланинг умумий модели учун хизмат қилади. Элементлардан яхлит тарихга тегишли хулосалар чиқариш принципиал талаб бўлмоғи керак. Виконинг бу қараши турли минтақалар тарихининг элементларини ҳамда хронологик жиҳатдан турли даврга хос тарихларнинг таркибини қиёсий ўрганиш, яъни компаратив хисторий йўналишини бошлаб берди. Виконинг издошлари тарихда рационализм йўналишини ривожлантирди. Масалан, Гегель тарихни ҳар бир босқичда цивилизацияларнинг тараққиёти учун заруриятдан туғилади деб кўрсатди. Яъни тарихий ҳодисаларда рационал

жараён мавжуд эканини таъкидлади. Гегельнинг фикрича эришилган цивилизация даражаси ўзи учун етишмаётган, тараққиёт учун зарур бўлган йўналишга воқеа-ҳодисаларни солади, демак, тарих цивилизациялар заруриятидан туғилган оқилона, рационал ҳодисалар тизимидир. XIX аср мутафаккирлари тараққиёт масаласига турлича баҳо беришган. Морган тарихда тараққиёт масаласига алоҳида баҳо бериб, маданий тараққиётнинг турли босқичларида “прогресс темпи” масаласини тақсимлаб ўрганишга аҳамият берди. Унинг фикрича тараққиётнинг ибтидоий даври кейинги цивилизацияларнинг барча босқичларидан кўра кўпроқ нарсага эришган. Чунки, айти ибтидоий даврда инсон содда бўлса-да, дунёнинг моҳиятини англаб етди, етган ва биологик дунёда ўз ўрнини эгаллаган. Бир қарашда бу фикр тескаридек туюлади. Аммо, ўзликни англаш маъносида чиндан ҳам ибтидоий давр тарихнинг ўта муҳим ва самарали босқичи бўлган. Огюст Конт маданий тараққиёт соддадан мураккабга йўналганини асосларб берди. Шу билан бирга Ер юзи бўйлаб инсоният тараққиёти даражасининг турли босқичларини бир вақтнинг ўзида кузатиш мумкин деган йикрни олға сурди. Жаҳон бўйлаб мустамлакачилик, босқинчилик урушлари бораётган Африка, Австралия, Океания ва бошқа минтақалардаги ижтимоий қолоқ халқлар ҳақида бой маълумотлар тўпланган даврда ижод қилган Огюст Контнинг шундай фикрга келиши табиий эди. Чарлз Дарвин ўз биологик назариясини табиий танланиш ҳодисаси орқали тушунтириб турган бир пайтда археология илмининг кашшофларидан бири Жон Леббок ўзи яшаган даврдаги ёввойи халқлар ҳаётини чуқур ўрганиш тараққиё топан халқларнинг узок ўтмишини ўша халқларнинг ибтидоий ҳаёт тарзи модели орқали тушуниш мумкин эканини тарғиб этди.

XX аср тарих назарияси соҳасида йирик натижаларга олиб келди. Муҳим омил сифатида археология тарихни ёритишга хизмат қила бошлади. Шпенглернинг интуитив ёндашуви, Криобернинг тоза система назарияси, Тоэмбий томонидан олға сурилган тарихда инсониятни ўраган муҳит муҳим рол ўйнагани тўғрисидаги ғояси (Энвайронментальный детерминизм) тарих

назарияси тараққиётида муҳим рол ўйнади. Тоэмбий тарихга цивилизацион ёндашув асосчиларидан ҳамдир. Унинг “Тарих тадқиқотлари” номли улкан асарида жуда кўп ҳикматли сўз даражасидаги айтимлар мавжуд. Масалан, тарих бу – ўтмиш ҳақидаги замонавий фикр.

Юқорида келтирилган тарих тафаккурининг ривожланиш босқичлари бугунги кун тарихчилари учун ўзига хос мактаб бўлмоғи лозим. Токи тарих тафаккури эришган самаралар тадқиқотларнинг объективлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозимдир.

4. Тарихга илмий қараш инсоният онгидаги мифологик тафаккур шаклини енгшиб ўтилгандан бошланади. Бу босқич мифдан логосга-ҳаёлий тасаввурдан мантиққа томон силжишни таъминлади. Лекин логос-тарихга мантиқ орқали баҳо бериш босқичи икки йўлнинг боши эди. Биринчи йўл тарихни объектив жараён сифатида тушуниш бўлса, иккинчиси тарихни илоҳий куч, яъни олам-борлиқ устидан ўз иродаси ва ҳукмини ўтказувчи куч билан боғлаш йўли эди. Олам устидан, унинг тараққиёти устидан ҳукмрон, аммо ўзи мавҳум зот-худо, илоҳий зот, одамнинг хоҳишидан ташқари мавжуд зот ҳақидаги фикрга тарихни бўйсундириш инсоният ўтмишини илоҳийлаштиришга олиб келади. Бу каби ҳолатларни ҳозирги замон туркман, тожик, қисман қozoқ тарихшунослигида кўзда тутилмоқда. Улардаги етакчи ғоя азалийлик, илоҳий танланганлик, ҳудудларида мутлақ даражада миллий эгоистик эгалик ғояси, қўшни минтақалардаги этник диаспоралари яшаётган ерларга ҳам ҳудудий даъвогарлик, қўшни халқларга нисбатан душманлик (адоват) руҳини тарғиб қилиш, уларнинг мавжудлигини инкор этиш, маънавий-маданий дуёсига нисбатан менсимаслик каби кайфиятларни уйғотишга уриниш яққол кўзга ташланмоқда. Тарихга илмий ёндашув масаласи фалсафий категория бўлиб, объектив билим билан ўлчанади. Тарихни билишда илмийлик меъёри масаласида мураккаблик мавжуд. Зеро, илмийликнинг ўзини объектив талқин қилиш тарихчи субъектининг методологик салоҳияти, билим даражаси, мушоҳада кенглиги, умумийликни хосликлар йиғиндиси деб тушуниши, хосликларнинг ички қонуниятлари

умумий қонуниятларга бўйсунити кабиларни қай даражада идрок этишига, қолаверса ўз тушунча ва идеалларини воқеликлар тизимиға тадбиқ қила олишға боғлиқдир.

Илмийлик образи (нимани Илмийлик деб баҳолаш) турли даврларда турлича бўлган. Ғарб антик дунёсида ижтимоий тарихий жараёнларни ижтимоий ходисаларни табиий жараён деб баҳолашға дастлабки қадамлар қўйилган эди. Масалан, Демокрит инсоннинг жамоа бўлиб уюшиб яшашига унинг эҳтиёжлари сабаб бўлган. Яъни инсон ибтидоий ҳолатдан ижтимоий ҳолатда яшаб қолиш, ёлғизлик ҳалокат эканини тушуниш орқали етиб келган. Инсоннинг хатти ҳаракати, тафаккури, яшаш учун ўзига онгли равишда шарт-шароитлар қила билиш, меҳнат қуроллари, инсон жамоаси, уруғи, аймағи, қабиласи, элати, улуси бошқарилиши ва давлат идора тузилишлари – буларнинг барчаси ижтимоий зарурат меваси ва ҳ. Демокритнинг бундай қарашидан тарихий онгнинг, тарихий тафаккурнинг объектив асосларига бир қадам қолгандек кўринади. Чиндан ҳам Демокритнинг фикрини давом эттирилса “Тарихий фактлар айна фактологик материалларни ташкил қилиши, фактология эса асло мифологик материал эмас”лигини тушуниш қийин эмас. Лекин антик даврларда бошланган ушбу рационал ғоялар ўрта асрларда оламнинг заминий ва осмоний бўлиниши каби диний қарашлар гирдобиде деярли сўниб қолди. Билиш назарияси илоҳий билдиришдан ортиқ бирор нарсаға даъво қилиши хатто жазоланадиган даҳрийлик деб эълон қилинди. Бор билимлар илоҳий китобларни кўр-кўрона ёдлашға боғланди. Бу ғарб дунёси учун етакчи бўлган бир пайтда порлоқ ақл эгалари жаҳолатнинг қора пардасини йиртиб, жонларидан кечиб бўлса ҳам илмий ҳақиқатни ҳимоя қилдилар. Худди шу даврларда Шарқ фалсафасида ва илмий тафаккури дунёсида ҳам инқилобий юксалиш бўлди. Оламни илмий билиш тарихни ижтимоий асосларини тўғри талқин қилишда Абу Райхон Беруний, борлиқнинг ҳисоб-китоби илоҳий ҳақиқатни билишдаги дунёвий билим воситаси эканини Хоразмий, жамият инсоннинг онгли, оқилона бошқарувига муҳтож ижтимоий ҳодиса эканини

Фаробий, инсон тилининг хос қонуниятлари объектив билиш объекти эканини Қошғарий қабилар жаҳон аҳлига тушунтириб бердилар.

Назорат саволлари:

1. Ўтмишни мифологик тасаввур қилиш деганда нимани тушунасиш?
2. Қадимги Месопотамия ва Мисрда тарих тафаккурининг босқичлари қандай баҳоланади?
3. Юнон тарихчилик анъаналари назарий маънода нималарни берди?
4. Ўрта аср Шарқ тарихчилиги анъаналари қандай йўналишларга эга?
5. Замонавий тарих назариётчилигида муҳим қарашлар тизими ҳақида нималар биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Қадимги Миср ва Месопотамия тарихий тафаккури даражаси ҳақида маълумотлар тўпланг ва ёзма баён қилинг.
2. Мифологик, ровий ва реал тарих масалаларини таърифлаб беринг.
3. Улуғбек ва А.Навоийнинг тарихчилик фаолитини таърифланг.
4. Ғарб тарих тафаккурининг илмий назариётчилик тарихини К. Ламберг Карловский, Дж. Сабловларнинг «Древние цивилизации Ближний Восток» асарини рефератив баён қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Крамер «История начинается в Шумере». М.: - 1960.
2. Авдиев «История древнего Востока». М.: 1979. ред. Кузисчина.
3. К. Ламберг Карловский, Дж. Сабловларнинг «Древние цивилизации Ближний Восток»
4. Баженов «Древние авторы о Средней Азии»
5. Блунин Б.В. «История Узбекистана в древних источниках».
6. Беруний “Танланган асарлар. том 1. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”. Т.: Фан. 1968.

7. А.Навоий “Тарихи мулуки ажам”. Асарлар 15-жилд. Т.: Фан. 1995
8. Улуғбек “Тўрт улус тарихи”.

11-Мавзу. Ибтидоий даврлар тарихининг локал хусусиятлари (тарихий ёдгорликларнинг қиёсий таҳлили асосида)

Режа:

1. Ибтидоий давр тушунчаси, тош асри тараққиёт қонуниятларининг умумий ва хос хусусиятлари.
2. Ибтидоий давр ёдгорликларининг типологик таҳлили, умумийлик ва хослик.
3. Тош асри ёдгорликлари тадқиқотларининг методологик асослари.
4. Марказий Осиё ибтидоий давр ёдгорликларининг жаҳон миқёсидаги ўрни.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ибтидоий давр, тош асри, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, типологик умумийлик ва хослик, тош асрининг даврлаштирилиши, Олдвей, Ява, Шель, Ашель, Мустье, Селунгур, Кўлбулок, Қорабура, Зирабулок, Ориньяк, Солютре, Мадлен, Устюрт, Элатан.

Дарснинг асосий мақсади:

Ибтидоий даврнинг умумий ва хос қонуниятларини очиқ бериш, инсоният тарихининг яхлитлигини кўрсатиб бериш.

Асосий қисм:

Ибтидоий давр тушунчаси инсоният тарихининг қарийиб 99 фоизини ташкил этиши ҳақида илмий хулосалар мавжуд. “Ибтидо” сўзи бошланиш деган маънони ифодалаб, инсониятнинг биологик ва ижтимоий тарихидаги дастлабки қадамларини кўзда тутди. Ибтидоий тарихнинг асосий хусусияти шуки, қурраи заминда барча антропоген минтақалар у ёки бу тарзда ушбу даврни бошдан кечирган. Ҳали ер шарида инсониятнинг ирқий, этник бўлинишлари пайдо бўлмасдан аввал инсон ва табиат муносабатлари муайян қонуниятларга бўйсунган. Инсон ҳаёт учун қурашар экан аввало табиат билан юзма-юз келди. Инсонни ўраган табиатда эса, ашёвий дунё биологик

органик ва ноорганик борлиқдан иборат эди. Шу сабабли, инсон табиат унсурларидан фойдаланиш асосида у ёки бу табиий ашёга ўз таъсирини ўтказган. У эса, инсоннинг жисмоний қувватини маълум маънода йиғилган тажрибаларга асосан йўналтириш эди. Инсон ўз ҳаётини таъминлаш учун дархт шоҳларига, ҳайвон шоҳлари ва суякларига ва ниҳоят тошнинг турли ҳилларига ишлов бериш технологиясини ўзлаштира бошлади. Ленинград эксприметал археология тажрибалари кўп йиллик йиғилган тажрибалар асосида юқоридаги ашёвий дунёга инсон томонидан сарфланадиган меҳнат ўлчамини, куч-босим ишлатиш меъёрини, вақт сарфлаш меъёрини аниқлаш имкониятига эга бўлди. Айниқса, жаҳон археологиясида кенг маълум бўлган тош асри “устахоналари” Ўзбекистонда (ижунт устахонаси) материалларига асосланиб, тажрибачилар бир яхлит хулосага келишди. Бу ҳам бўлса, тошнинг навларига қараб ибтидоий одам ер шарининг барча нуқталарида ишлов беришнинг деярли ёки бир-бирига жуда яқин бўлган усулларни топишган экан. Шу сабабли археология амалиётида тош асри ёдгорликларини типологик жиҳатдан умумлаштириб, текшириш жорий этилган. Масалан; ашель типидagi тош қуроллар ишлов бериш техникаси номукаммал, йирик чўқмор кўринишидаги тош қуроллар кўп, уларнинг қиррлари кескир эмас. Шел даврида эса, дунё миқёсида тошнинг қулай томонига иккиёқлама зарб бериш орқали учуридилар ажратиб, ибтидоий чопқи, “болта” каби асбоблар ясаш техникаси ўзлаштирилди. Ана шу усуллар тараққиёти босқичини инглиз археологияси чоппер ва чоппинг типидagi тош қуроллари деб атайди. Қизиғи шундаки, айна шу типдаги қуролларнинг дунё бўйича бир ҳиллиги кузатилади. Масалан, Хиндихитой ярим оролидаги қуйи полеолитга оид ёдгорлик До мажмуи, Ҳиндистондаги Соан маданияти қуйи палеолит комплекси, Ўзбекистонда Селунгур, Олдвей мажмуининг сўнги босқичлари, Францияда шел, ашеъ, Ўзбекистонда Кўлбулоқнинг қуйи қатламлари, шу каби қурол типларининг умумий манзарасини беради. Келтирилган мисоллар ибтидоий давр тараққиётининг инсоният тажрибалари бир йўналишда эканлигини кўрсатади. Лекин, тош асрининг мустъе давридан бошлаб, локал

хусусиятлар кўзга ташлана бошлайди. Кўп ҳолларда бу каби фарқлилик маълум инсон жамоасининг яшаш муҳити, унинг атрофини ўраган ашёвий дунёнинг хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан: Францияда мустье, Ўзбекистонда Тешиктош, Тожикистонда Қорабура ва бошқа минтакалардаги шу даврга хос ёдгорлилар берган материаллар тош асрининг қуйи босқичларидаги бир хилликдан анча йироқ. Мустье тош қуроллари ҳар томонлама ишлов асосида бифас шаклларга эга ва қирраларининг кескичлик коэффиценти турлича. Масалан, зич таркибли тош қуроллардан кумок таркибли тош қуроллар фарқ қилади. Зич таркибли тошлардан ажратилган учуриндилар конфигурацияси аниқ мақсадлар билан ишлов берилганлигини кўрсатади. Тош ўзакдан ажратилган паррақлар энди ташландиқ эмас. Улар қирғич, кескич сингари функцияларни бажаради. Юқори палеолит даврида тошга ишлов беришнинг турли локал хусусиятлари пайдо бўлади. Хусусан энди, майда тош қуроллари яшаш, асос материални сиқма усуслда қотириб боғлаш орқали майда нозик учуриндилар ажратиш, кескич тиғларни нозик даражада ўткирлигини таъминлаш, найза учига боғланадиган тош санчқилар, пичоқсимон шаклда ишлов берилган тошлар ва ниҳоят тошга сайқал бериш усусллари юзага келди. Бу даврда тош қуроларининг локал хусусиятлари янада ортди. Функционал жиҳатдан бир турдаги ишни бажаришга мўлжалланган тош қуроллари шаклан бир хил эмас. Маънавий дунё хизматиға қаратилган тош буюмлар, суякдан ясалга ажойиб топилмалар (тумор, тақинчок, эътиқод буюмлари, инонч ва ирим билан боғлиқ тақинчоклар). Демак юқори палеолит даври инсоният такомилининг ўзига хос инқилобий босқичига айланди. Қуйи тош асрига хос бўлган антропологик тип умумийликлари йўқолиб кетди. Бу давр кроманьон типидпги одамлар даври эди, инсоният қиёфасининг индивидуаллашуви бошланди. Шунга мос тарзда ёдгорликлр мажмуаларининг локол типлари янада бойиди. Ибтидоий давр тарихини ўрганишда ана шу каби қонуниятларни билиш, тараққиёт моҳиятини тўғри идрок этишни таъминлайди. Мезолит даври инсониятнинг ҳудудий-ирқий бўлиниш даври

хисобланади. Дунёнинг турли минтақаларида яшаган қадимги одомзот аجدодлари локол маданият ўчоқларини ярата бошлайди. Аммо, тарихан ўз даврига хос ҳудудий чекланганлик, бир томондан табиий муҳит сабабли, иккинчи томондан, ибтидоий жамоаларнинг ижтимоий уюшув жараёни туфайли, ҳудудий бирликларга муносабат ва ижтимоий ўзлик, жамоа бирлиги сингари ҳолатлар юзага келди, натижада моддий маданият қиёфасида ҳам турмуш заруриятларини таъминловчи, барча моддий ишлаб-чиқариш асбоблари ва ашёлари қиёфасида ҳар хиллий пайдо бўлди. Одомзотнинг қўли билан ясалган барча моддий ашёлар вазифаларига кўра, кўп турли ташкил этмайди. Масалан, ибтидоий ерга ишлов бериш асбоблари, кесиш, қирқиш, йўниш, қириш, янчиш, санчиш, илиш ва шу каби меҳнат турларин бажаришга мўлжалланган асбоблар хиллари ҳам шу даражада чекланган. Аммо, жойлардаги моддий маданият қиёфаларини солиштирганда бу тафавутлар баъзан локол хусусиятлар йиғиндисининг турмуш маданияти даражаси жиҳатдан турлича баҳолаш имкониятини беради. Жумладан, Жойтун маданияти неолит мажмуининг қиёфасини, унга нисбатан соддароқ бўлган Калтаминор маданияти билан солиштириб бўлмайди. Ёки Хисор неолити (ўзида палеолит даврига хос хусусиятларни кўпроқ сақлаган) билан Устюрт неолитини қиёс қилиш қийин. Жойтун ва Устюрт неолитида микролит, сайқаллаб пардоз берилган силлиқ тош қуроллар етакчи бўлгани ҳолда, Хисор маданияти тош қуроллари ишланиш усулига кўра ўта кўпол, йирик учриндили. Уларнинг материали кўпроқ кумоқ тошлардан.

Ибтидоий даврнинг сўнгги босқичларида локол маданият хусусиятлари анада яққол кўринади. Энеолит ва бронза даврлари лалми ва суғорма деҳқончилик маданиятининг турли минтақаларда табиий шароит омилига кўра турли қиёфаларга кириши қонуният ҳосиласи эди. Қадимги Миср ва Месопотамия, Олд Осиё ва Кичик Осиё неолити, энеолити кабиларни Ўрта Осиё неолити билан айнан бир даражага қўйиб бўлмайди. Бронза даврида Марказий Осиё суғорма деҳқончилик маданияти юқоридаги минтақалардан фарқли равишда жамоачилик кучига таянган ҳолда катта кўрик ҳудудларни

каналлар воситасида ўзлаштириш, сизот сувли ерларни қуриштириш ва деҳқончиликка мослаш йўлидан борди. Миср ва Месопотамиялар учун қул меҳнати етакчи ўринда бўлса, Марказий Осиёда эркин жамоачининг уюшган меҳнати етакчи ижтимоий кучга айланди. Ўз навбатида булар моддий маданиятнинг локаллашувига асос бўлди.

Назорат саволлари:

1. “Ибтидоий давр” тушунчасининг хронологик чегараларини таърифланг.
2. Ибтидоий давр таракқиётининг умумий ва хос қонуниятларини тушунтиринг.
3. Ибтидоий давр маданиятлари деганда нимани тушунасан?
4. Тош асри ёдгорликларининг умумий ва хос жиҳатлари.
5. Илк цивилизация босқичи қачондан бошланган ва нималарда ифода топган?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Марказий Осиё ҳудудларида қуйи палеолит маконлари тўғрисидаги адабиётлар таҳлилини қилинг.
2. “Неолит инқилоби”нинг Марказий Осиёга хос хусусиятлари (Жойтун, Калтаминор, Устюрт, Хисор)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Палеолит. Москва., 1968.
2. Мезолит. Москва., 1969.
3. Неолит. Москва., 1970.
4. Н.Холматов. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Т., “Фан”, 2008. –Б. 181.
5. Н.Холматов. Мезолит и неолит нижнего Зарафшана. Т., “Фан”, 2007.
6. Виноградов А.В. Неолитический памятники Хорезма. МХЭ, вып.-8. М., “Наука”, 1967.
7. Поселения Жейтун (проблема становления производящей экономики). – МИА, 180. –Л. “Нуака”, 1971.
8. Касымов М.Р. Камнеобрабатывающие мастерские Средней Азии. Т., «Фан», 1979.
9. Мирсаатов Т.М. Неолитические шахты Учтута. Т., «Фан», 1983.
10. Исламов У.И. «Обишская культура» Т., «Фан», 1980.

12-Мавзу. Марказий Осиё неолит ёдгорликларини ўрганиш тарихи: неолит минтақаларида тараққиёт хусусиятларининг фанда ёритилиши

Режа:

1. Неолит даврининг инсоният тараққиётидаги ўрнига берилган турли баҳоларнинг қиёсий тахлили.
2. Марказий Осиё неолитининг тарихий географик минтақлари (Устюрт неолити, Марказий Фарғона, Қуйи Зарафшон, Қуйи Амударё, Сазоғон неолит манзиллари)
3. Неолит жамоаларининг турмуш тарзи, хўжалик ижтимоий муносабатларининг шаклланиши.
4. Марказий Осиёда неолит кўшни жавмоачилик тамойилларининг пайдо бўлиши ва цивилизацияон жараёнлар.

Таянч иборалар: неолит, янги тош асри, ишлаб чиқарувчи хўжалик, қайир деҳқончилиги, овчилик, балиқчилик, термачилик, Жойтун, Хисор, Калтаминор, Лавлаконт, Каптарнинг қуми, Тузконт, Сазоғон.

Дарсининг мақсади: Неолит даврини ўрганиш билан боғлиқ назарий муаммолар, уларнинг ҳал қилинишидаги илмий мунозаралар ва фикрлар тараққиёти ҳақида тушунча, билим, тасаввур, кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Асосий қисм.

Ватанимиз сарҳадлари нафақат Ўрта Осиё, балки кўҳна Шарқ миқёсида кишилиқ тарихининг қадимги маданият марказларидан бири ҳисобланади. Хусусан, бу минтақа инсоният тарихий тараққиётининг барча боскичлари маданияти ва мазкур ҳудудда содир бўлган цивилизациянинг кўҳна илдизларини ифодаловчи тарихий-маданий ёдгорликларга ниҳоятда сероб ўлкадир. Бу тарихий-маданий ёдгорликларни тадқиқ этиш эса аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссасини идрок этишда муҳим аҳамият касб этади. Аини кунларда, мустақил Республикамиз

ривожининг барча жабҳалари жаҳон миқёсига чиқаётган бир пайтда бой маданий меросимизни жаҳон ҳамжамияти олдида исботлаб бериш долзарб масаладир. Ватанимизнинг асл, ҳаққоний тарихини билиш, халқимизнинг бой маданий меросини тўлақонли ўрганишга кенг имкониятларнинг яратилиши Республикамиз мустақиллиги неъматларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ҳақли равишда бу масалаларга эътибор қаратган «Модомики, ўз тарихини билган, ундан рухий кувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан куроллантиришимиз зарур. Тарих билан куроллантириш, яна бир бор куроллантириш зарур»'. Ҳаққоний тарих фақатгина манбаларга таяниб езилишини Юртбошимиз мамлакатнинг таниқли тарихчи олимлари билан бўлган учрашувида (1998 йил ёзида) алоҳида таъкидлаб, тарихчилар зиммасига манба билан ишлашдек масъулиятни қўйган эди. Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда Ўзбекистон археологияси фани қўлга киритаётган ютуқлар ҳам аҳамиятлидир. Ватанимиз сарҳадлари Ер курраси миқёсида антропогенез жараёни рўй берган минтакалар сирасига кирганлигининг исботланиши (Сел-Унгур ғор макони, «Фарғона одами»)², кишилиқ тарихи тош асри тараққиёти барча босқичларида узликсиз маҳаллий маданиятлар негизида, ворисийлик асосда маданият яратилиб келинганлиги-нинг аниқланиши каби масалалар шу ютуқлар жумласига киради. Мазкур тадқиқот ҳам шу нуқтаи назардан қараганда долзарб бўлиб, унда Ватанимиз миқёсида тош асрининг сўнгги, якунловчи босқичи бўлган неолит даври жамоалари маданиятини янги манбалар асосида ёритиб беришга эътибор қаратилди,

Геологик жиҳатдан даврлаштирилганда неолит даври, асосан, голоцен даврига тўғри келади ва бу давр ўз табиати, иқлим шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига кўра нисбатан ҳозирги замонга яқинлиги билан характерланади. Шу нуқтаи назардан Ватанимиз сарҳадларида мезолит даври охири ва неолит даврида одамзод яшаши учун қулай экологик муҳит юзага келган («Лавлакон намгарчилиги») ва у одамзод томонидан жадал

ўзлаштирилган. Натижада аҳоли сони ошган ва улар турли табиий, экологик муҳитларга дучор бўлганки, бу ҳолат улар турмуш тарзини атроф-муҳитга мослашиши заруратини келтириб чиқарган. Оқибатда бу жараён неолит даври жамоаларининг турли, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маданиятлари мазмунида намоён бўлган.

Ҳозир Амударё ва Зарафшон дареси куйи этаклари, Қизилкум худудларида Калтаминор тарихий-маданий жамоалари, Фарғона воҳасида Марказий Фарғона, Ўрта Зарафшон воҳасида Сазоғон ҳамда Устюрт неолит жамоалари маданияти тадқиқ этилмоқда. Бу тадқиқотлар натижалари неолит даври палеогеографик, палеоэкологик ва иқлим шароитлари, жамоалар маданияти ўзига хос хусусиятлари, жамоалар турмуш тарзи ва маънавий кечинмалари, ижтимоий муносабатлари, хўжалик машғулотлари, ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқалари ҳамда энг муҳими мазкур маданиятлар келиб чиқиш илдизлари борасида қимматли маълумотларни бермоқда. Ушбу тадқиқот ҳам янги археологик манбалар таҳлили асосида шу масалалар ечимига бағишланган. Шунингдек, тадқиқотимизда мазкур неолит жамоаларининг ўзларига хронологик жиҳатдан тенгдош бўлган қўшни худудларда яшаган жойитун, ҳисор жамоалари билан яқиндан маданий алоқада бўлиб яшашганликлари масаласи ҳам имконият даражасида ёритилган.

Неолит даврининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Археологик даврлаштириш бўйича бу давр тош асрининг сўнгги якунловчи босқичи ҳисобланади. Мазкур даврда она уруғчилик тузуми гуллаб-яшнаган бўлиб, тош, суяк ва ёғочларга анъанавий ишлов берилиш технологиясининг такомиллашгани ва юксакликка эришганлиги билан характерланади. Тошни силликлаш, пармалаб тешиш каби янги технологиялар кашф этилиб, кемасозлик, тўқимачилик, тикувчилик, кулолчилик соҳаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мазкур давр жамоалари ўз турмуш тарзида эришган муҳим ютуқлари саналади. Кишилиқ тарихи ривожининг неолит даври билан боғлиқ бўлган энг муҳим кашфиётларидан бири неолит жамоаларининг

хўжалик машғулотларида ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтганлиги ва том маънода деҳқончилик ва хонаки чорвачиликнинг вужудга келганлиги билан изоҳланади. Бу турдаги хўжалик асосларининг ривожланиши эса неолит жамоалари турмуш тарзининг ўtroқлашиши, ўзидан олдинги мезолит жамоаларига нисбатан маълум минтакаларда муқим яшаб, ўзига хос моддий маданият яратилишига олиб келган. Ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш жараёнининг илк ришталари Яқин Шарк ҳудуди мезолит даври сўнгги босқичлари жамоалари турмушида содир бўлиб, кейинчалик неолит даврида кўшни минтакалар жамоалари хўжалик ҳаётига ҳам кириб келган. Ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш эса ибтидоий жамоа тузумининг муҳим ижтимоий воқелиги Оўлиб, жамоалар ижтимоий-иқтисодий таракқиети, кундалик турмуш тарзи, маънавий кечинмаларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлган. Шунинг учун таникли инглиз олими Г.Чайлд бу жараённи «неолиг инқилоби» деб атамаган. Унинг бу қарашлари соҳа мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланган. Ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш турли шароитларда турлича содир бўлиб, бунда ландшафт, экологик ва иқлимий муҳит ҳам муайян омил сифатида роль ўйнаган ва бу жараён неолит жамоалари моддий маданиятида сезиларли даражада намоён бўлган.

Назорат саволлари:

1. Марказий Осиё неолити ёдгорликларини кимлар ўрганган?
2. Жойтун маданиятининг етакчи хоссаси нима?
3. Калтаминор неолит қабилаларининг турмуш тарзи қандай кечган?
4. Неолит тош қуролларининг умумий таърифини беринг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Неолит хўжалик типининг моҳиятини батафсил тушунтиринг.
2. Марказий Осиё неолитининг жаҳон неолити билан қиёси ҳақида нималар биласиз?
3. Хоразм минтақасида қандай неолит манзиллари бор?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Палеолит. Москва., 1968.
2. Мезолит. Москва., 1969.
3. Неолит. Москва., 1970.
4. Н.Холматов. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Т., “Фан”, 2008. –Б. 181.
5. Н.Холматов. Мезолит и неолит нижного Зарафшана. Т., “Фан”, 2007.
6. Виноградов А.В. Неолитический памятники Хорезма. МХЭ, вып.-8. М., “Наука”, 1967.
7. Поселения Жейтун (проблема становления производящей экономики). – МИА, 180. –Л. “Нуака”, 1971.
8. Касымов М.Р. Камнеобрабатывающие мастерские Средней Азии. Т., «Фан», 1979.
9. Мирсаатов Т.М. Неолитические шахты Учтута. Т., «Фан», 1983.
10. Исламов У.И. «Обиширская культура» Т., «Фан», 1980.

13-Мавзу. “Неолит инқилоби” тушунчасининг Марказий Осиё халқлари тарихига татбиқи масаласи: тадқиқотлар тафсили

Режа:

1. Неолит даври тош асридаги тарихий бурулиш сифатида.
2. Неолит даври ижтимоий ҳаёт хусусиятлари.
3. Неолит ишлаб чиқариш тизимининг инқилобий хусусияти.
4. Марказий Осиё неолитининг тарихий шарт-шароитга кўра такомил даражаларининг қиёсий таҳлили.

Таянч иборалар: неолит, янги тош асри, ишлаб чиқарувчи хўжалик, қайир деҳқончилиги, овчилик, балиқчилик, термачилик, Жойтун, Хисор, Калтаминор, Лавлакон, Каптарнинг қуми, Тузкон, Сазоғон.

Дарснинг мақсади: Неолит давринининг нисоният тарихинидаги туб ўзгаришлар даври сифатидаги тарихий аҳамиятини, ўрнини назарий жиҳатдан тушунтириш ва Марказий Осиё неолити мисолида зарур тарихий хулослар чиқаришга магистрантларни йўллаш.

Асосий қисм.

Ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш жараёни ўзининг бошланғич ҳолатида ҳамма минтақаларда бир зайлда намоён бўлмаган. Бу хусусият неолит жамоалари маданиятида ҳам кўзга ташланади. Ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтган деҳқон ва чорвадор жамоаларнинг маданияти билан ёнма-ён ҳолда ўз турмушларида анъанавий овчилик, балиқчилик ва термачилик, аниқроғи, ўзлаштирма хўжалик машғулотларини сақлаб қолган, уни такомиллаштирган жамоалар маданияти ҳам мавжуд бўлган. Лекин, бу жамоалар маданиятини ўз даври учун колок, тараққиёт нуқтаи назаридан орқада қолган маданият деб бўлмайди. Бу жамоаларнинг ҳам ўз соҳасининг етук тажрибакорлари, касб сирларини билувчилари бўлишган ва уларнинг меҳнат қуроллари ҳам такомиллашган, ўз даврига хос мукамаллашган. Улар яшаган минтақалар атроф-муҳити, экологик шароити шу турдаги хўжалик машғулотлари асосида аҳоли қунлиқ озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имконига эга бўлган. Шу сабабли бу жамоаларнинг ишлаб

чиқариш иқтисодиётига ўтишига ҳаётий зарурат бўлмаган. Уларнинг озиқ-овқат билан таъминланиш даражаси ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтган ёки ўтаётган жамоаларникига нисбатан кам бўлмасдан, хатто баъзи ҳолларда юқори ҳам бўлган. Неолит даври бошланғич боскичларида ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтган жамоалар ҳамда ўзлаштира хўжалик машғулоти билан ҳамон шугулланувчи жамоалар ўртасида ижтимоий жиҳатдан кескин фарқ қилувчи тафовутлар сезилмаган. Аммо, археологик ва этнографик маълумотларнинг кўрсатишича, юқори даражада ривожланган овчилик, балиқчи ва термачилик хўжалигига асосланган жамоаларнинг ижтимоий ҳаёти жамиятда ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтган жамоаларга нисбатан истикболсизроқ бўлган. Уларнинг беқарор ҳаёти, ижтимоий турмуш тарзи то синфий жамиятгача бўлган тараккиёт боскичларигача етиб келган. Шунинг учун, зикр этилган неолит даврига оид бу хусусиятлар Урта Осиё неолит жамоалари моддий маданиятига ҳам хосдир.

Кишилиқ тарихи ибтидоий даври жамоалари маданиятини ўрганишда палеоэкологик, ландшафт-иқлим шароитлар ҳам муҳим ўрин тутди. Шунинг учун назардан Ўзбекистон ҳудуди неолит даври жамоалари моддий маданиятини тадқиқ этиш бир-биридан, фарқ қиладиган: учта минтақа бўйича амалга оширилган: Амударё ва Зарафшон этаклари қадимги ҳавзалари; Устюрт ва Қизилқумнинг ички чўл ҳудудлари; тоғ ва тоғ ён бағри воҳалари (Ўрта Зарафшон воҳаси, Марказий Фарғона водийси), Ҳозирги вақтда мазкур ҳудудларнинг деярли барчаси чўл шароитида бўлиб, иқлими ўта иссиқ, ҳаво намгарчилиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, чучук сув манбаи нисбатан кам ва ер ости сувлари ҳам ўта минераллашган ҳолатдадир. Айни кунларда уларнинг ландшафти, иқлимий шароити одамзод яшаши учун умуман яроқсиз бўлиб, кейинги минг йилликлар мобайнида мазкур сарҳадлар одамзод томонидан аҳён-аҳенда, яъни чорва молларини бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб келишда, қарвон йўллари фаолияти вақтида, фойдали қазилма бойликларни излаган вақтларда фойдаланиб турилган. Аммо, мезолит даврининг сўнгги боскичлари ва неолит даври

мобайнида, аниқроғи, мил. авв. УШ-УП минг йилликдан бошлаб то III минг йилликкача бўлган вақтда одамзод яшаши учун қулай экологик, иқлимий шароит бўлганлиги тадқиқотларда аниқланган (Лавлакан иқлимий шароити). Шу боис мазкур ҳудудлар неолит жамоалари томонидан нисбатан жадаллик билан ўзлаштирилган. Устюрт платоси, Қизилқум ички ҳудудлари, Амударё ва Зарафшон этаклари қадимги ўзанлари бўйлаб бир неча юзлаб мезолит-неолит даврига оид маконлар топилиши бунинг исботидир. Кўп сонли мазкур жамоалар маконларининг мавжудлиги ўз вақтида қандайдир, одамзод истеъмол қилишига яроқли бўлган чучук сув манбалари билан боғлиқ бўлган. Лекин, бу сарҳадларнинг ҳозирги ландшафти ва иқлимий шароити ўша давр мазкур жойларнинг одамзод томонидан ўзлаштирилишига имкон берган иқлимий шароити ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро мос келмайди. Жануби-Ғарбий Қизилқум, Лавлакан ҳудудларида амалга оширилган геохимик, геологик, геоморфологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар ўша давр (мезолит охири -неолит даври) иқлим шароити ҳозирги даврга нисбатан салқинроқ, ҳаво намлиги бир неча баробар юқори бўлганлигини кўрсатди. Шундай маълумотлар Қизилқумнинг боШқа ҳудудлари, Устюрт, Ўрта Осиёнинг тоғ ва тоғ ён бағри ҳудудларида комплекс равишда амалга оширилган тадқиқотлар жараёнида ҳам қўлга киритилган. Бу давр иқлим шароити Ўрта Осиё тарихида «Лавлакан намгарчилиги» деб номланади⁴. Бу иқлим шароитининг эса ўзига хос хусусиятлари бўлган. Ўрта Осиё пасттекислик минтақаси, тоғ ва тоғ ён бағри ҳудудлари ҳам ҳозирги иқлим шароитидан фарқ қилувчи табиий шароитга эга бўлган. Мутахассисларнинг аниқлашларича, бу иқлим шароитда йиллик намгарчилик 250 дан то 400-450 мм гача бўлиб, июль ойидаги ўртача ҳарорат +21° - +23° ни ташкил этган. Бу намгарчиликда, ҳозир чўл қиёфасида бўлган пасттекисликларда кичик ҳавзали кўллар, булоқлар булган, ер ости сизот сувлари ер сатҳигаякин бўлган, ҳуллас, одамзод истеъмол қилишига яроқли бўлган чучук сувлар манбаи мўл бўлган. Шу сабабли, ер майдони сатҳлари

хам қалин ўт-ўлан, булоқли ўсимликлар билан копланган. Тоғ, тоғ ён бағри воҳаларида табиий шароит нисбатан бошқачароқ эди. Уларда сув билан таъминланиш даражаси юқори бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунеси ҳам ҳозирги шароитга нисбатан бойроқ бўлган.

Амударё ва Зарафшон этаклари қадимги ўзанлари бўйлаб амалга оширилган палеогидрологик ва археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур дарёлар сувлари ҳозирги ҳолатига қараганда бир неча маротаба кўп бўлган⁶. Неолит даврида Амударёнинг қадимги Оқчадарё, Сарикамиш қавзаларида сув ниҳоятда кўп бўлиб, Сарикамиш ҳавзасидан ўтиши билан «Лавлакан намгарчилиги» иқлимий фазасининг сўнгги босқичларида, яъни мил. авв. III мингинчи йилнинг охири - II мингинчи йилнинг бошларига келиб иқлимий шароит кескин ўзгарган. Ҳаво илиқлашиб, қуруқ иқлим юзага келган. Намгарчилик камайиб кетиб, кучли шамоллар кўтарилиб, ер майдонларини қум барханлари коплай бошлаган. Дарё сувлари камайиб, Амударёнинг Оқчадарё ҳавзаси орқали оқадиган Ўзбой ўзанида сув оқими тўхтаган. Зарафшон сувлари ҳам Амударёга етиб бора олмаган. Шу тариқа мазкур ҳудудлар ландшафти, экологик шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунеси кескин ўзгара борган ва бу ҳолат ибтидоий одамзод моддий маданиятига ҳам таъсир этиб, жамоалар маданиятида ўз аксини топган.

Таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиё пасттекислик минтақасининг асосий қисмида «Лавлакан намгарчилиги» иқлим фазаси даврида одамзод яшаши учун қулай экологик шароит вужудга келган. Шу сабабли мил. авв. УШ-УП минг йилликларда мазкур ҳудудлар нисбатан кенфок сарҳадлар бўйича ўзлаштирилган-лиги қуйидаги мезолит-неолит жамоалари моддий маданияти тадқиқотларида кузатилади: Устюрт платоси, Амударё этаклари (Оқчадарё ҳавзаси); Зарафшон дарёси этақларининг қадимги ўзанлари (Эчкиликсой, Оекагитма, Дарёсой, Чорбақти воҳаси, Моҳандарё, Хўжайли); Қизилқумнинг ички ҳудудлари (Лавлакан, Қорақата, Бешбулоқ, Мингбулоқ).

Назорат саволлари:

1. “Неолит инқилоби” тарихий ҳодисасининг маъно ва моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
2. Неолит даври деҳқончилигининг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Неолит чорва хўжалигининг шаклланишидаги тарихий шарт-шароитлар?
4. Ҳар икки хўжалик турининг бир-бирини тақозо этишини қандай таърифлайсиз?
5. “Неолит инқилоби”нинг самаралари нималардан иборат бўлди?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Жойтун неолит манзилгоҳларининг моддий маданият мажмуини тавсиф қилинг таърифлаб беринг.
2. Калтаминор типдаги манзилгоҳларини таърифланг.
3. Неолит даври илк ижтимоий меҳнат тақсимооти қандай натиаларга олиб келди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Неолит. Москва., 1970.
2. Н.Холматов. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Т., “Фан”, 2008. –Б. 181.
3. Н.Холматов. Мезолит и неолит нижного Зарафшана. Т., “Фан”, 2007.
4. Виноградов А.В. Неолитический памятники Хорезма. МХЭ, вып.-8. М., “Наука”, 1967.
5. Поселения Жейтун (проблема становления производящей экономики). – МИА, 180. –Л. “Нуака”, 1971.
6. Касымов М.Р. Камнеобрабатывающие мастерские Средней Азии. Т., «Фан», 1979.
7. Мирсаатов Т.М. Неолитические шахты Учтута. Т., «Фан», 1983.
8. Исламов У.И. «Обиширская культура» Т., «Фан», 1980.

14-Мавзу. Марказий Осиёда энеолит даври ёдгорликларининг тарихий талқини масаласи

Режа:

1. Энеолит даврининг тарихий жараёнлардаги ўрни.
2. Мис-тош атамасининг ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришдаги маъноси.
3. Мис-тош даврида тараққиёт динамикасининг тарихий моҳияти.
4. Мис-тош даврида ижтимоий муносабатларнинг ўтиш босқич хусусияти.
5. Марказий Осиёда мис-тош даврининг умумий тавсифи.
6. Мис-тош даврини ўрганишнинг асосий муаммолари.

Таянч иборалар: Энеолит, халколит, мис даври, мис-тош,

Асосий қисм.

Энеолит - мис-тош даври инсоният тарихининг умумий салмоғи орасидаги шундай қисқа даврки, уни миллион йиллар билан ўлчанган тош асри ва бронза метал қотишмаси пайдо бўлган давр оралиғидаги бор йўғи бир ярим минг йил билан ўлчанади. Бу даврни алоҳида ажратиб баҳолаш масаласи тарих фанида узоқ вақт турли бахсларга сабаб бўлиб келган. Бинобарин, жамиятда миснинг хоссасини билим ушбу маъдан эритмасини ҳосил қилиш тахминан миолддан аввалги 4 минг йиллик бошларига тўғри келади. Соф мис маъданидан ясалган асбоб-анжомлар яхши иш унумини бермас эди. Миснинг эриш даражаси паст ва ишлов бериш осонлиги сабабли унга бўлган қизиқиш тош аср поёнидаги одамзод учун қизиқарли бўлган. Айниқса, мисдан ясалган буюмларнинг кескирлиги, улардан турли шаклларни яшаш осонлиги – булар мис маъданида одамлар учун инқилобий бурилиш бордек туюлган. Бироқ, миснинг оғир ва мўл ишлаб чиқариш учун яроқсизлиги тош асрига хос бўлган меҳнат қуроллариининг амалдаги фаоллиги сақланишига олиб келди. Натижада, ҳаётда бронза мустаҳкам ўрин

олгунига қадар мис билан бақамти равишда тош қуролларининг барча турлари сақалашига ҳаётий зарурат мавжуд бўлди.

Мис даврининг ижтимоий хоссаси жаҳон миқёсида текис манзарани бермайди. Яъни мис даври жамиятлари турли босқичларда тараққиёт даражасига кўра қоқ ва илғор даражаларда бўлишган. Жумладан, Америка қитъасида европаликлар пайдо бўлиш даврида туб жой аҳолининг асосий кўпчилиги мис даврига хос турмуш асбобларидан ҳали воз кечиб улгурмаган эди. Шунга нисбатан, Марказий Осиё ҳудудларидлари мис-тош даврига ўтиш хронологиясини солиштирилса, тараққиёт даражаларидаги кескин фарк яққол кўринади.

Мис-тош даври жаҳон цивилизацияси ўчоқларида турли ижтимоий-сиёсий вазиятларни олиб келган, жумладан Миср, олд Осиё ва Қадимги икки дараё оралиғи цивилизациялари айнан мис-тош даврида муайян яқсалишни бошдан кечирган. Милoddан аввалги 3 минг йилликлар бошларида Қадимги Миср фиръавник давлат бошқарувининг барқарор тизимига эга эди. Марказий Осиё энеолити даври кўп жиҳатдан ҳалигача мукамал ўрганилган эмас. Бунга сабаб, энеолит ёдгорликларининг соф хронологик чегараларда турувчи намуналари йўқлиги тошдан мисга, мис-тошдан бронзага ўтиш чегараларининг ноаниқлиги десак хато бўлмайди. Масалан: Туркменистонда Анов маданияти бевосита энеолит даврида юқсалиб, бронзага ўтиш палласида тўхтагандек тушунилади. Намозгоҳ комплекси эса, қуйи қатламларида энеолит маданияти мавжудлигини кўрсатди. Саразмнинг қуйи қатламлари ҳам энеолит ва бронзага ўтиш оралиғини кўрсатади. Шудан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, энеолит даври бронзо даврининг ижтимоий асосларини яратишга, ишлаб чиқаришнинг нисбатан илғор тажрибасини ёйишга, аҳоли нуфусининг ўсишига, қўши жамоатчилик тамойилларининг пайдо бўлишига деҳқончилик маданиятининг лалми ва қайир усулларида сунъий суғориш технологиясига ўтиш учун замин тайёрлади.

Энеолит даврининг умумий хоссаси инсоният цивилизациясининг неолит давридан бошланган жараёнларини меҳнат тақсимотига кўра янги

босқичи эди, дейишга асос бор. Зеро, метал (мис) маъданининг технологик ўзлаштирилиши ва уни такомиллаштириб қалай-қўрғошин қоришмаси билан қўшга ҳолда металнинг янги хоссасини очиш чин маънода эволюцион самара эди. Бу тажрибалар бронза кўралари, сопол технологиясининг кўп ярусли хумдон усусллари пайдо бўлиши учун улкан мактаб вазифасини ўтади.

Назорат саволлари:

1. Жамиятда мис маъданининг хоссаларини ўрганиш қандай ўзгаришларга олиб келди?
2. Мис ашёларининг турларини таърифлаб беринг.
3. Мис даврида нима учун тош қуроллари амалда сақланиб қолди?
4. Энеолитдан бронзага ўтиш даври қандай кечган?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Марказий Осиёда энеолит даври ёдгорликларни таърифланг.
2. Энеолит даври техник тараққиётининг хўжалик мажмуи ривожига кўрсатган таъсирини тушунтириб беринг.
3. Энеолит даври цивилизациялари ҳақида маълумотлар беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Неолит. Москва., 1970.
2. Н.Холматов. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. Т., «Фан», 2008. –Б. 181.
3. Н.Холматов. Мезолит и неолит нижнего Зарафшана. Т., «Фан», 2007.
4. Виноградов А.В. Неолитический памятники Хорезма. МХЭ, вып.-8. М., «Наука», 1967.
5. Поселения Жейтун (проблема становления производящей экономики). – МИА, 180. –Л. «Нуака», 1971.
6. Касымов М.Р. Камнеобрабатывающие мастерские Средней Азии. Т., «Фан», 1979.
7. Мирсаатов Т.М. Неолитические шахты Учтута. Т., «Фан», 1983.
8. Исламов У.И. «Обиширская культура» Т., «Фан», 1980.

15-Мавзу. Марказий Осиё тарихи масалаларида холислик мезонлари

Режа:

1. Тарих методологиясида мафкуравий мутелик даври
2. Иттифоқнинг парчаланиши ва тарихий тафаккурда эркинлик майдони
3. Мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва тарихий ўзлик эҳтиёжи.
4. Миллий тарихларни яратишда холислик зарурияти.

Таянч иборалар: тарихий миллий ўзлик, ўтмиш идроки, мафкуравий тазйиқ, тадқиқот тамойиллари, холислик, тарихийлик, қиёсий таҳлил, миллий ўзгачалик “миллий софлик”, гипертрофик “қадимийлик”, ҳудудий даъволар, буюклик касаллиги, аجدодларга боғлаш сунъийлиги, асотирларни тарихлаштириш, мабавийлик ва далилийлик.

Дарсинг мақсади: Марказий Осиё тарихида рўй берган туб бурилишни тўғри идрок этиш, миллий тарихларнинг мутарак асосларини, умумий ва хос қонуниятларини холисона тушунтириш, минтақа халқлари тарихшунослигидаги методологик “касалликлар”нинг моҳиятини тушунтириш.

Асосий қисм:

Ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошларида мустабид советлар давлатининг барҳам топиши нафақат собиқ иттифоқ халқлари ҳаётида, балки жаҳон миқёсида сиёсий вазиятни тубдан ўзгартирди. Собиқ иттифоқ таркибидан биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси ажралиб чиқди. Сўнгра Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари ташкил топди. Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсда чуқур эътироф этилган ўз тараққиёт йўлини танлаб, ундан оғишмай ривожланиб бормоқда.

Халқларимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик мустамлака даврида оёқости қилинган миллий, маънавий, илмий, ахлокий-фалсафий, кадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, илдизлари қадимий даврларга бориб тақалган тарихни холисона ва чуқур ўрганиш имкониятини берди.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси қадим замонлардан то ханузгача кўплаб халқларнинг бошини муштарак тараққиёт жараёнлари атрофида бирлаштириб келган. Бу ҳудудлар тақдирлари туташ туркий ва эронийзабон халқлар учун илк бешик вазифасини ўтаган. Шу сабабли, тарихга оид ҳоҳ туркий, ҳоҳ форсий, ҳоҳ хитойи ёки ҳиндий, юноний, арабий, борингки, ҳар қандай ёзма манбага диққат қилинса, мазмуни ва берган маълумотларига кўра улар Марказий Осиё халқлари ўтмиши учун муштарак бўлиб чиқади. Бунинг туб моҳияти Марказий Осиёнинг қадим замонлардан бошлаб ягона тарихий маданий минтақа бўлиб келгани билан изоҳланади.

Марказий Осиё халқлари тарихини муштарак асосларга эга яхлит жараён сифатида ўрганиш бу минтақада милоддан аввалги I минг йиллик ўрталаридан бошлаб амал қилган маҳаллий алифбелар (нутқ товуш – ҳарф шартли чизма белги) ёзув тизимларини тадқиқ этиш, ўша ёзувлар билан битилган маълумотларни тарих масалаларини ҳал қилишга фаол жалб қилиш каби муҳим муаммоларни ўртага қўяди. Бинобарин, Марказий Осиё минтақасида қадимий ёзув маданиятининг ўчоғи сифатида ўнлаб алифба тизимлари яратилган. Энг сўнгги археологик топилмалар орасида Жарқўтон (Сурхондарё, Шеробод тумани)дан топилган сопол буюмлар сиртидаги пиктографик белгилар ёзувларимиз тарихининг илдизларини бронза асригача етакзаётгандек. Бироқ милоддан аввалги I минг йилликда Марказий Осиё ёзув маданияти тарихида туб бурилиш рўй берган. Маҳаллий шароитда туб жой туркий ёзув тизими деб тахмин қилинаётган “Иссиқ ёзув”ини минтақамизда пайдо бўлган илк алифбелар ёзув деб ҳисоблаш мумкин. Милоддан аввалги IV-III асрлардан бошлаб ҳоразмий, суғдий, бактрий, парфийёний алифбалари пайдо бўлгани минтақа халқларининг ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий (давлатчилик), маданий, маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар билан изоҳланади.

Милоддан аввалги VIII-VII асрларда Марказий Осиё бўйлаб зардуштийлик динининг тарқалиши, унинг китоби “Авесто”нинг махсус алифбе воситасида ёзиб олиб, китоб қилиниши – булар қадимий ёзув ва китобат ишининг жамият ҳаётига дадил кириб келиши деб баҳоланиши мумкин. “Авеста” фаол яратувчанлик, руҳий ва жисмоний поклик, астойдил ва барқарор эътиқод, ёвузликнинг барча кўринишларига қарши кураш, оилапарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг бойликларини кўпайтиришга даъват каби ўз даври учун юксак ғоялари билан аجدодлар ҳаётига кириб келган. Бу қадриятлар асрлар оша, ҳатто диний қарашлар ўзгарган шароитларда ҳам трансформациялашган ҳолда сақланиб, авайланиб келмоқда. Бу қадриятлар эл, элат, халқ, миллат тушунчаларидан устунлиги билан минтақа халқларини маънавий уюштирувчи муҳим омил ҳамда бу муштаракликка, ўз навбатида миллатлараро тотувликка асос бўлиб қолаверади.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда юқорида қайд этганимиз–манбашунослик йўналишини ҳал қилувчи соҳа сифатида алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳаққоний тарихни манбалар асосида, далил ва исботли тарзда ўрганиш муҳим методологик талаб сифатида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан олға сурилгани бежиз эмас. Бинобарин, минтақа тарихи мустақилликка қадар советлар даври мафкураси тазйиқида бор бўй-бастини кўрсата олмай келган эди. Халқимиз ўтмишининг энг ёрқин саҳифалари атайлаб бузиб кўрсатилар эди. Ҳатто мустақиллик шароитида ҳам дастлабки бир неча йил давомида, хусусан, ўзбек халқи тарихини ёритишда журъатсиз тебранишлар кузатилгани маълум. Бироқ, 1998 йил 26 июнида Президент Ислон Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашуви чоғида баён этилган жиддий методологик аҳамиятга эга фикрлар тарихшуносликда бурилиш ясади. Ўзбекистонда тарих фанининг давомий

ривожда Президентимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари бутун бир назарий покланиш даврини бошлаб берди.

Марказий Осиё минтақасида миллий тарихлар тарихшунослиги масаласи ҳам бугунги кунда бир қатор муаммоларни ўртага қўймоқда. Қўшни қардош халқлар тарихини яратиш жараёнида ҳаққоний тарихни тиклашга уриниш билан баробар айрим методологик нотўғри ёндашувлар кўзга ташланмоқда. Буларнинг асосида айрим олинган халқларни, уларнинг давлатчилиги тарихини муболаға даражасида, ҳатто беш минг йиллик қадимий қилиб кўрсатиш, тарихий ҳудуд, маданий устунлик, ҳақидаги даъволар, айрим ўринларда мифологик тасаввурларга ҳақиқий тарих “кийимини кийгазиш”(Ўғизхон бошчилигидаги “Анау империяси” каби) ва бошқа методологик оғишлар ётади.

Ушбу вазифада Марказий Осиё халқлари тарихини ҳолисона ўрганиш жиддий назарий тайёргарликка эга бўлган тарих масаласида ҳақни ноҳақдан ажрата биладиган, қадимий моддий ёдгорликларга маъно бера оладиган ва, айниқса, ёзма ёдгорликларни ўқий оладиган, уларни тўғри талқин қила оладиган кадрлар тайёрлаш масаласига бориб тақалади.

Марказий Осиё халқларининг давлатчилиги тарихи масаласини ҳолисона ўрганиш миллий тарихлар доирасида бир хилда кечаётгани йўқ. Давлатчилик тарихи ҳар-бир миллат тарихининг ички тизимини ташкил қилувчи унсурлардан бири сифатида албатта, узвийлик ва узлуксизликка эга. Шу маънода муайян тарихи йбосқичларда у ёки бу халқнинг ўз давлатчилиги поймол этилиб зўрлаб киритилган тизим юки остида амал қилган давлат босқичлари халқ давлатчилигининг узвийлигин инкор этмайди, деган назарий қараш айтилиши ҳақиқатдир. Давлатчиликнинг шу хусусияти халқ тарихининг бевосита натижасидир. Бунга мисоллар кўплаб келтирилиши мумкин. Қадимги Эрон салтанати тасарруфида бўлган даврда Марказий Осиё давлатчилик асослари бир қадар сўнгандек кўринади. Аммо, Эрон сиёсий ҳукмронлиги фақат давлат эътибори билан, хазина манфаатлари учун хизмат қилган. Маҳаллий шароитларда эса, назорат остида бўлса ҳамки,

махаллий ноибчилик тизимини вужудга келтирди. Натижада давлатчиликнинг туб анъаналарини тиклаш учун ижтимоий куч йиғилди. Худди шу каби, Искандар Зулқарнайн босқини йилларидаёқ маҳаллий оқсуяк ҳукмдорлар босқинчилар билан мураса асосида бўлса ҳамки, анъанавий бошқарувга хос унсурларни сақлай билдилар. Кейинги босқичларда давлатчилик тарихининг айрим “узилишлари” ҳам нисбий хусусиятга эга бўлди. Энг муҳими маҳаллий давлатчилик жараёнлари ўзининг узлуксизлиги билан ажралиб туради. Бироқ, қайси халқнинг давлатчилик сиёсий негизига етакчи рол ўйнаши масаласи алоҳида диққатга сазовор. Шу маънода, Марказий Осиёда туркий давлатчилик анъанасининг қадимий илдизлари ва давомий хусусиятига алоҳида баҳо бермоқ лозим. Марказий Осиёда қадимий сак-скиф, хунн, хварасми, юечжи, гуйшуан, хион, абдал ва ниҳоят турк даврлари ўртасидаги узвий чизикни ҳали бирор на назарий ва на амалий тадқиқот тўлиқ таърифлаб бергани йўқ. Лекин, бир нарса аниқ: туркий давлатчилик тарихида милoddан аввалги 7-6 асрлардан бошлаб, то XX аср бошларигача узлуксизлик мавжудлигини тан олмоқ лозим. Ушбу узлуксиз давлатчилик жараёни катта ҳудудларни қамраб олгани сабабли объектив равишда турли этник жамиятларни ҳам ўз тасарруфида тута билган. Шу жумладан, туркий давлатчилик эронийзабон халқларни ҳам ўз таркибида тенглар қатори бошқарган, уларнинг манфаатларига этник номансублик нуқтаи назаридан азият етказмаган. Аксинча, туркий давлатларнинг ҳудудий улканлиги иқтисодий салоҳиятининг ва сиёсий ҳукмронлигининг барқарорлиги уларнинг таркибидаги кам сонли ўзга этник жамиятларни осойишталигини давлат ҳимоясига олиш имконини берган.

Ушбу тарихий жараёнларни ёритишда XX асрнинг охириги чораги тарихшунослиги минтақа миллий тарихчиликлари доирасида айрим носоғлом методолик бурилишларни намоён этмоқда.

Назорат саволлари:

1. Тарихий билимнинг объективлигига қўйиладиган талабни қандай тушунасиз?

2. Тарих фанининг холислик талаби қандай назарий ва амалий аҳамиятга эга?
3. Мустақиллик даврида ўзбек тарихнавислиги тараққиётининг асосий хусусиятлари нимада ?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Президент И.А.Каримовнинг тарих фани вазифалари ва назарий асослари ҳақидаги фикрларини жамлаб, тақдимотга тайёрланг.
2. Марказий Осиё мустақил давлатларида тарихнависликнинг бугунги ҳолати ҳақида маълумотлар тўплаб, муҳокамага тайёрланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.
3. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о древнейшей истории народов Средней Азии. Т., 2006.
4. Ниёзов С.Н. Рухнаме. Ашygабад. 2003.
5. Акаев А.А. Манас и Кыргызская государственность. Бишкек. 2002.
6. Алимова Д.А. История как история, история как наука. в двух томах. Отв редактор. Э.В.Ртвеладзе. Т., 2008.
7. Исҳоқов М.М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Т., 2009.
8. Исҳоқов М.М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т., 2010.

16-17-Мавзулар. Марказий Осиё халқлари тарихини ёритишда айрим методологик носоғлом қарашлар ва методологик оғишлар таҳлили

Режа:

1. Марказий Осиё халқлари тарихининг муштарак асослари.
2. Марказий Осиё халқлари миллий тарихнавислигида рўй бераётган методологик изланишлар ва турли оғмачиликлар.
3. “Аждодларнинг улуғлиги” билан мағрурланиш касали.
4. Гипертрофик “қадимийлик” ҳақидаги назарий асоссиз қарашлар.
5. “Арий”лик атрофидаги даъволарнинг танқидига доир.
6. Туркчиликда “етакчи” мавқе даъволари.
7. Марказий Осиё сиёсий раҳбарларининг миллий тарихларни яратишдаги муаллифлик даъволари.

Таянч иборалар: Муштараклик, ҳудудий табиий географик шароит, сув манбалари, воҳа ва водийлар, эроний забон ва туркий тилли халқлар, чорвадорлик, кўчманчилик ва ўтроқлик, бронза асри, суғорма деҳқончилик, илк ҳудудий давлат уюшмалари.

Дарснинг мақсади: Минтақа халқлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий тарихийнинг муштарак илдизларини тушунтириш ва тарих тадқиқотларини методологик соғлом йўлга солиш лозимлигини таъкидлаш.

Асосий қисм:

Марказий Осиё тарихий географик маданий ўлкаларининг узоқ ўтмишдан бошлаб умумий тараққиёт йўллари туташ ва бақамти эканлигини фан аллақачон исботлаган. Географик ўрнига кўра Марказий Осиё нисбатан куруқ континентал иқлимли минтақа бўлиб, узоқ тарихий жараёнларда икки йирик хўжалик уклади — номадик кўчманчи чорва ҳамда суғорма деҳқончилик ўтроқ хўжалик маданиятининг уйғунлиги асосида тараққиёт босқичларини бошдан кечирган. Этно-маданий жиҳатдан минтақа халқлари

кадим замонлардан бошлаб асосан туркий ва эроний халқларнинг етакчи мавқеда бўлгани билан белгилидир. Ушбу этник қатламдан ташқари тибет халқи узок тарихда хитой манбаларида “цян”лар деб аталиб, тил жиҳатдан алоҳида мавқени ташкил этади. Тибет тили тибет-бирма тиллари гуруҳига кириб, тарихий изоляция туфайли нисбатан мустақил ривожланиб келган. Лекин, тибетликлар Марказий Осиё тарихий жараёнларида қадимдан фаол қатнашиб келганлар. Айниқса, мелодий 8-асрда йирик ва қучли давлатга айланган Тибет Марказий Осиё ҳамда Узок Шарқ сиёсий жараёнларида тутган мавқеларини бир неча асргача сақлаб келганлар. Ҳатто, тибетликлар ойрат-ҳашаут-жунғор-қалмиқ истибдодининг Марказий Осиёда тугатилишида (1628-1757) муҳим рол ўйнаганликлари ҳам маълум.

Демак, тарихий муштараклик ҳақида гап кетганда ўтмиш жараёнларини айна тарихий шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳолисона ёндашувлар асосида ўрганмоқ зарурдир. Тарих тадқиқотларининг турли методологик ёндашув тамойиллари бўлгани ҳолда, уларнинг асосида ҳолисоналик, далил ва исботлилиқ, воқеа ҳодисаларга тарихийлик нуқтаи назаридан баҳо бериш ётмоғи лозим.

Марказий Осиё халқлари тарихи илмий тарихшунослик жараёни нуқтаи назаридан бир неча асрлар давомида у ёки бу манфаатлар талаш майдонида қолиб келмоқда. Жумладан, Россия тарихшунослиги Марказий Осиёга айниқса, 19-асрдан бошлаб, империя манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашув асосларини ишлаб чиқди. Бу масалада маҳаллий зиёлиларни ҳам усталик билан жалб этиб, уларнинг маълумотларидан ҳам кенг фойдаланди. Гап шунда эдики, Марказий Осиё, жумладан, Туркистон ўлкаси Европанинг Англия, Германия, Франция сингари давлатлари ҳамда Россия ўртасида манфаатлар қураши минтақасига айланган эди. Шу туфайли, хусусан, Шарқий Туркистонда бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет мазкур давлатларнинг турли мақсадлардаги экспедициялари ва миссиялари иш олиб боргани маълум. Мақсад эса бир хил эди: ҳар бир давлат минтақа халқлари тарихини маданиятини, ҳўжалик хусусиятларини, табиий ресурсларини, ҳоказо, ўзича

ўрганишга ва билишга ҳаракат қиларди. Россия С.Ольденбург раҳбарлигида, Англия А.Стейн раҳбарлигида, Франция Р.Пельо бошчилигида ўлкани ўрганиш ва зарур манфаатли маълумотларни тўплаш учун экспедициялар уюштирган. Натижада ўлка тарихи ва маданияти тўғрисида катта миқдорда маълумотлар тўпланиб, Санкт-Петербург, Лондон, Берлин, Париж фондларига жойлаштирилди. Бироқ, бу материаллардан фойдаланиш асносида ҳар бир мамлакат олимлари ўз йўлларида бориб, сиёсий мақсадларига мос талқинларни ўртага қўйиб бордилар. Ушбу тарихий материаллар тўплангани уларнинг сақланиб қолишига ижобий хизмат қилгани ҳолда, илмий истифода давомида моҳиятан бузиб кўрсатишларга замин бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, яқин вақтларгача ушбу сон-саноксиз ёзма ва моддий ёдгорликлар ўз тарихий эгалари учун қўл етмас ҳолатда бўлди. Яхшики, кейинги ўн йилликлар давомида мазкур материалнинг турли хил нашрлари юзага келиши уларнинг маҳаллий тадқиқотчилар учун ҳам “очирилиш”га хизмат қилмоқда.

20-аср давомида Марказий Осиё халқлари тарихини ёритишда яна турли методологик оғишлар кучайди. СССР тарихи нуқтаи назаридан умуммамлакат тарихининг қисми қилиб кўрсатиш тенденцияси Марказий Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақолпоқ, олтой халқлари сингариларнинг тарихларини юзаки ёритишга олиб келди. Рус халқи тарихини етакчи ўринга қўйган ҳолда мазкур халқларнинг тарихларини “қолоқ ўлка”лар тарихи сифатида қараш ғояси сингдирилди. Масалан, Древнейший государство на территории СССР номли китобда Ўрта Осиё халқларининг қадимий давлатчилиги ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ. Холбуки, 1940 йилларнинг охирларидан бошлаб Марказий Осиё халқлари тарихининг мафкурвий жиҳатдан СССР тарихи концепциясига мувофиқлаштирилган бўлсада, миллий академик тарихлари нашр қилинган эди. Уларда қадимий, антик, илк ўрта асрлар ва ўрта асрларда амал қилган ўнлаб давлат уюшмалари, сулолавий тарихлар ҳақида эслаб ўтишга лойиқ маълумотлар ҳар ҳолда берилган эди.

Методолик оғишларнинг махсус тизими Марказий Осиё тарихига нисбатан атайлаб жорий этилган десак хато бўлмайди. Улардан бири 6-ўртасида ташкил топган Турк ҳоконлиги Марказий Осиё ҳудудларини тўлиқ камраб олган ҳолда ўз таркибида бир қатор маҳаллий давлат уюшмаларини нисбий автоном ҳолда ушлаб тургани яъни Буюк Трк ҳоконлигининг яхлитлиги тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни эътироф этишни мазкур методология хуш кўрмас эди. Худди шу масалада Сўғд давлати мисолини алоҳида кўрсатиш мумкин. Совет даври нашрларида Сўғдни асосан мустақил давлат сифатида талқин қилишга уриниш яққол сезилиб туради. Ёки, Чоч ўлкасини фақат Турк ҳоконлиги таркибида деб тушунилган. Чоч эса, тудуннинг ваколатли ҳокимлиги ҳамда текин назоратидаги ярим мустақил ва ўз анъанавий ҳокими бор бўлган ўлка эди.

Ўрта асрлар тарихини талқин этишда ҳам турли нотўғри ёндашувлар учрайди. Масалан, Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврини тўғридан-тўғри фақат тожик халқининг давлатчилиги боши қилиб кўрсатишга уруниш йиллар давомида кузатилмоқда. Холбуки, бу давлат ўз даври учун минтақада яшовчи халқларнинг бошини бирлаштириб, айнаи чоғда барча учун умумий давлат ҳисобланган. Яна бир мисол: Ғазнавийлар сулоласининг вакили Маҳмуднинг шахси бир қатор нашрларда салбий руҳда талқин қилиб келинади. Аммо, 32 ҳокимият тепасида турган Маҳмуд Ғазнавий йирик давлат арбоби, ҳарбий саркарда, илм-фан, адабиёт ҳомийси сифатида умуман етарли баҳоланмаган. Бундай мисоллар тарихда жуда кўп ва улар ўзларининг холисона талқинларини ва умумэътироф моҳиятларини топмоқлари зарур.

Мазкур носоғлом ёндашувлар билан баробар ўзбек тарихнавислигида мустақиллик даври туфайли халқнинг ўз ўтмишига руҳан ошно этиш йўлида жиддий ишлар қилинмоқда. Буларнинг бошида Президент Ислом Каримовнинг тарих тадқиқотлари методологияси юзасидан билдирган қатор фикр-мулоҳазалари, маслаҳат ва йўриқлари муҳим рол ўйнамоқда.

Афсуски, Маразий Осиё халқлари тарихи муаммоларини ёритиш жараёнида турли хил методологик “касалликлар” хануз давом этмоқда. Улардан бири аجدодларнинг буюклиги билан мақтаниш касаллиги. Масалан, қозоқ тарихшунослигида Чингизхонга муносабат масаласи тубдан ўзгариб қолди. Бу шахсни қозоқ этносига боғлашга уруниш ва бу орқали масаланинг концептуал асосларини тубдан ўзгартиришга урунишлар пайдо бўлди. Тўғри, Чингизхон тарихда чуқур из қолдирган шахслардан бири, лекин бу шахснинг фаолиятидаги мақсадга эришиш усулларининг ғайри инсоний хусусиятларидан қандай қилиб кўз юмиш мумкин. Туркман халқи тарихининг методологик концепциясини ҳам тубдан ўзгартиришга уруниш бугун ҳаммага маълум. Масалан, аслида мифологик моҳиятга эга бўлган Ўғизхонни туркман халқининг бош аждоди қилиб кўрсатиш, уни нақ беш минг йиллик туркманларнинг Анау империясининг императори қилиб кўрсатишгача бориб етилди. Қозоқ тарихшунослигида эса, этник генетик асосни ўта қадимийлаштиришга, хусусан, миллатнинг сак-скиф дунёсига боғлиқ илдизларини далил исботсиз асослашга уруниш мавжуд. Холбуки, қозоқ халқи туркий дунёнинг қипчоқ тармоғига мансуб йирик этносдир.

Марказий Осиё халқлари тарихида арийларнинг ўрни ҳақидаги масала ҳам бугунги кунда айрим миллий тарихларнинг талқинида алоҳида ўринга кўйилмоқда. Ҳатто, тўғридан тўғри арийларнинг авлоди мақомига даъво даражасига етмоқда. Бироқ, арийлар милоддан аввалги 2 минг йиллик ўрталарида улкан миграцион (кўчкинчилик) жараёнини бошдан кечириб, бир тармоғи Ҳиндистон ярим оролининг шимолига, иккинчи тармоғи эса, Ҳозирги Эрон платосига жойлашиб янги этно-маданий, ҳудудий жараёнларга асос солишган. Ўрта Осиёда “чўкиб” қолган арийлар маҳаллий халқлар билан қоришиб, келгусида прототуркий ва эронийзабон халқлар таркибига сингиб кетган. Шу сабабли, бугунги кунда тўғридан-тўғри арийлик даъвоси кўркўрона миллий шовинизмдан бошқа нарса эмас. Бу фактни миллий тарихга сингдиришга уруниш эса, ноҳолисликнинг яққол мисолидир.

Тарихнависликнинг яна бир замонавий нуқсони минтақамизда қайси халқнинг тарихий мавқеи етакчилиги ҳақидаги баҳсдир. Жумладан, туркий халқларнинг ўғуз, қарлук, қипчоқ тармоқлари орасида туркман тарихнависи ўғузларни етакчиликка қўяди, қозоқ тарихчилари эса, қипчоқларни туркий халқларнинг энг улуғи қилиб кўрсатишади. Аслида эса, туркий халқларнинг умумий илдизлари ва умумтуркийлик ғояси бирламчи асос бўлиб хизмат қилмоғи ва бу чизикда барча тармоқнинг тенглиги назарий жиҳатдан биргаликда асосланмоғи лозим. Шу қаторда айрим уйғур тарихчилари (Қосим Масимов ва бошқалар) ҳам ўз миллатларини энг қадимги ва энг, энг... сифатида кўрсатишга уринадилар. Ҳатто, салкам неолит даврида уйғурлар аллақандай Му империясини тузишгани ҳақида лоф урадилар. Бу империянинг ҳудудларига, эмишки, Жанубий-Шарқий Осиё, Узоқ Шарқ ва ҳатто, Тинч океани архипелаглари ҳам кирга деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, ўша қадимиятда архипелаг бутун қуруқлик ер бўлган ва парчаланиб оролларга айланиш кейин рўй берган эмиш. Бу каби даъволар тарихий ҳақиқатдан йироқ эканлиги ўз-ўзидан равшан, бироқ тарихни қадимийлаштиришга уруниш касали ҳамон давом этмоқда.

Марказий Осиё халқлари тарихини ёзишдек масъулиятли ишга айрим давлат раҳбарларининг бевосита муаллиф сифатида кириб келиши ҳам миллий тарихларни методологик берк кўчаларга кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун С.Ниёзовнинг “Рухнома” асари ўз даврида муқаддаслаштириш даражасига олиб борилди. Ёки, А.Акаевнинг “Манас ва қирғиз давлатчилиги” номли китобида қатор тарихчиликка хос бўлмаган масалалар ўртага қўйилган. Шу каби Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоновнинг тожик халқи тарихига бағишланган иши ҳам миллий тарихшуносликда “йўриқ”қа айлантирилди. Бу эса, тарихга тор миллий қараш каби нуқсонли ёндашувга сабаб бўлмоқда.

Назорат саволлари:

1. Тарихда холислик нима маънони беради?

2. Бугунги ўзбек тарихшунослигидаги жорий методологик асосни қандай тушунасиш?
3. Тарихни ўта қадимийлаштириш назарий жиҳатдан қандай оқибатларга олиб келади?
4. Тарихга сиёсат нуқтаи назаридан ёндашишни қандай баҳолайсиз?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Ҳозирги козок тарихшунослигида ижобий ва салбий тенденциялар таҳлили.
2. Тожикистон тарихчиларининг фаолиятидаги айрим методологик қарашлар таҳлили.
3. С.Ниёзовнинг “Рухнома” асаридаги тарихий масалаларнинг қўйилиши
4. Фольклор ва мифологик образлар тизимини “тарихлаштириш”га уринишларнинг холислик жиҳатдан баҳоси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.
3. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о древнейшей истории народов Средней Азии. Т., 2006.
4. Ниёзов С.Н. Рухнаме. Ашъабад. 2003.
5. Акаев А.А. Манас и Кыргызская государственность. Бишкек. 2002.
6. Алимова Д.А. История как история, история как наука. В двух томах. Отв редактор. Э.В.Ртвеладзе. Т., 2008.
7. Исҳоқов М.М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Т., 2009.
8. Исҳоқов М.М. Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т., 2010.

**18-19-Мавзу. Ижтимоий фикр ва диний ғоялар жамият
тараққиёт омили сифатида**

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

20-Мавзу. Марказий Осиё тарихий географияси фанининг манбавий асослари

Режа:

1. Марказий Осиё минтақавий тарихий географиясининг ўрганилиши аҳволи
2. Тарихий география амалий соҳаларининг функционал назарий асослари: иқтисодий, сиёсий, табиий-экологик тарихий географик муаммолар.
3. Тарихий география масалаларининг таълимий аҳамияти.

Таянч иборалар: Марказий Осиё, географик ҳудуд, сиёсий давлатлар, табиий ва тарихий чегаралар, манзил-масофалар географияси, тарихий географик тушунчалар.

Дарснинг мақсади: Ўрганилаётган минтақа ижтимоий тарихий жараёнларини аниқ географик тасаввур, билим ва кўникмалар билан боғлаш.

Асосий қисм:

Тарихий география тарих фанининг ажралмас қисми бўлиб, маълум тарихий маданий ҳудуднинг манзиллари-маконларини, уларнинг жойлашув ўринларини, географик табиий ва антропоген ўзгаришларини, этник, сиёсий ҳамда маданий ҳаёт чегараларини, иқтисодий минтақаларини ўрганишга қаратилган. Тарихий география фанининг бош муаммоси – қадимий ва ўрта асрларга оид географик маълумотларни локализация қилиш, яъни бўлиб ўтган аниқ жойи билан боғлаш, шу билан бирга воқелар тавсилотида муайян маконнинг ўйнаган ролини кўрсатиш, аҳоли манзиллари шаклланиши ва тараққиёти динамикасини ўрганиш, у ёки бу жойнинг ҳаётий зарур ҳосила салоҳиятларини тадқиқ этиш ва бошқалар.

География сўзи қадимги юнон. *geos* “ер” ва *graphos* “сурат”, яъни “ернинг сурати” маъносини англатади. География қадимий фанлар жумласидан бўлиб, у ҳозиргача ривожланиб келмоқда ва ўнлаб кичик тармоқларга бўлинган. Мазкур фаннинг айрим соҳалари – иқлимшунослик, гидрология, геоморфологиянинг ўрганиш предмети Ер тарихининг

ноорганик босқичидан бошланади. Географиянинг ландшафтшунослик, биография ва палеография соҳалари Ерда ҳаёт пайдо бўлган даврга тегишли маълумотларни қамраб олади. Бироқ, география фанининг кўплаб соҳалари тараққиётнинг антропоген босқичида пайдо бўлиб ривожланмоқда, бу соҳаларга – тарихий география, табиий ресурслар географияси, гидрология, аҳоли географияси, қишлоқ хўжалик географияси, саноат географияси, транспорт географияси, медицина географияси, сиёсий география, табиий-географик районлаштириш, иқтисодий-географик районлаштириш, шаҳарлар географияси, аҳолининг ҳудудий жойлашиши, аҳоли миграцияси, аҳоли фаолияти географияси каби қатор янги соҳалар киради.

Тарихий география, асосан, ҳозирги география фани услубларини қўллаш билан бир қаторда, тарих фани услубларидан ҳам фойдаланади. Табиий география (рельеф, иқлим, ўсимлик, ҳайвонот, маъданлар ва ҳ.к.). Сиёсий география (ҳудуд, чегаралар, сиёсий-маъмурий бўлиниш). Аҳоли географияси (аҳолининг таркиби, жойлашиши, тарқалиши, кўчиши). Иқтисодий география (ишлаб чиқариш ва ҳ.к. ни жойлаштириш). Тарихий география (жамият тараққиётининг маълум бир давр доирасида ўрганиш, алоҳида ҳудудда тарихий воқеъликни ўрганиш Масалан: ”Авеста” да акс этган географмя, Чигатой улусининг тарихий географияси). Демак, тарихий география услублари тор бир доирада чекланмаган ва география ҳамда тарих фанлари услубларидан кенг фойдаланади. Тарихий география тарихий воқеалар ва жараёнларни чуқурроқ ўрганиш ва уларни муайян маконлар билан боғлиқ равишда тадқиқ этишга хизмат қилади.

Тарихий география фаннинг алоҳида тармоғи сифатида XV асрда Европада вужудга келиб, ривожлана бошлаган. Унинг баъзи томонлари, жумладан, италян тараққиётпарвари Флавио Бьондо (XV), фламандлик географ А.Ортели (XVI), немис олими проф. Ф.Клювер (XVII) кабиларнинг тарихий-географик мазмундаги ишларида акс этган. Уларнинг асарларида чегараларни белгилаш, халқларнинг жойлашиши, вилоятлар ва мамлакатлар ўрнини аниқлаш (локализация), қадимги ва ўз даври аҳоли турар жойлари

ўртасидаги боғлиқлик, машҳур жанглар бўлиб ўтган жойларни кўрсатиш кабилар ўрин олган. Бу масалалар, умумлаштириб қараганда, ўтмиш давр сиёсий географияси ва топографияси мавзуларига тааллуқли бўлади. Мазкур йўналиш Европада XVIII-XIX асрларда ҳам давом этди ва унга маъмурий, диний, демографик, маданият ва ҳ.к. йўналишлар ҳам қўшилди.

Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда тарихий-географик билимлар анча илгари бошланган ва у Яқин ва Ўрта Шарқдаги уйғониш даврига (IX-XI асрлар) тўғри келади. Тарихий-географик маълумотлар ал-Хоразмий, Абу Зайд Балхий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Носир Хисрав, Беруний, Маҳмуд Қошғарий асарларида, «Худуд-ул-олам» номли географик асарда ва бошқа шу каби манбаларда акс этган. Шарқ ёзма меросида дунёнинг мамлакатлар, табиий-географик объектлар, шаҳарлар тавсифи берилган. Айни вақтда, бу меросда Эратосфен, Птолемей, Марин, Тир каби юнон олимларининг маълумотлари ҳам қисман ўрин олган. Демак, Шарқ олимлари асарлари антик давр маълумотлари билан бир қаторда ўз даври географиясини ҳам қамраб олган.

Тарихий география ер юзидаги бирор-бир ҳудуднинг маълум тарихий даврдаги сиёсий, маъмурий, табиий ва иқтисодий географиясини ўрганади. Тарихий географик тадқиқотлар асосида йиғилган маълумотлар табиат ва жамият тараққиётини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудлар мавқеи, қалъалар ва қишлоқлар, шаҳарлар жойлашиши, тарихий воқеалар ўрнини ва ҳарбий юришлар йўналишларини белгилаш кабилар юқорида айтилган хулосага мисол бўла олади. Ўрта Осиё ер юзида қадимий тарихга эга регионлардан бўлиб, бу тарих ўзига хос хилма-хилликка эга. Шу сабабдан, мазкур ҳудуд турли соҳа мутахассислари – археологлар, шарқшунослар, этнографлар, тарихчилар, географлар, топонимистлар ва бошқа соҳалар олимларини қизиқтириб келмоқда. Айни пайтда, Ўрта Осиё тарихий географиясига ҳам қизиқиш катта. Ўлканинг тарихий даврлардаги сиёсий картаси, ҳунармандчилик ва савдо географияси, табиат ва жамият

тарихи каби муаммолар бевосита тарихий географик тадқиқотлар замонлар ўтиши билан тарихий география манбаларининг мазмунан бойиб бориши ҳисобига ҳам ривожланиб, унинг тадқиқот услуби ҳам ўзгариб борди. Дастлаб, асосан, географик, тарихий-географик ёки тарихий манбалар маълумотлари бу фан учун асос ҳисобланган. XX асрда фанларнинг тармоқланиши юз бериб, «иқтисодий география» бўлими пайдо бўлди.

Айрим ҳолларда тарихий география жойлар ҳақида умумий тасаввур берибгина қолмай, маълумотларнинг аниқлик даражаси учун манбалардаги топографик материалларни ҳам ишга солади. Мисол тариқасида кўплаб географ муаллифларнинг тавсилий баёнларини кўрсатиш мумкин. Масалан; Птолемей “География”сида манзиллар тафсилоти уларнинг атрофидаги объектларга боғлаб кўрсатилган ҳолатлар мавжуд. Ёки араб географик манбаларида масофалар ва йўллар таърифи улар атрофидаги объектлар билан боғлиқ тасвирланади. Яна бир мисол, Маурия сулоласи вакили Ашока подшо мамлакатлараро йўлларнинг тинчлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида карвон йўлларига итеринарийлар қўйдирган. Булар тошга ёзилган лавҳалар бўлиб, йўл тафсилотларидан иборат эди. Демак, тарихий географик маълумотларни топографик маълумотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тарихий география ўз навбатида ҳудудлардаги муайян сиёсий ўзгаришларни ҳам акс эттиради. Жумладан, Македониялик Александрнинг салтанати географияси Птолемей ва Страбон географияларида акс этган. Арриан Александр юришлари билан боғлиқ географик маълумотларни тарихий воқеълик локализацияси сифатида баён қилган. Тарихий география ўтмишда этник жараёнлар тафсилотини ҳам кўрсатмоғи лозим. Айниқса, миграцион ҳаракатлар, сиёсий ва табиий вазиятлар тақозоси билан аҳоли кўчкинлари географияси ҳам турли тарихий воқеа ҳодисаларни тўғри англашга ёрдам беради. Тарихий география масаларини ўрганиш асос эътибори билан ёзма ёдгорликларга таянади. Бундан мифологик, ровий маълумотлар ҳам четда қолмайди. Айни шу масала тарихий географик

талқин учун ғоят мураккабдир. Чунки, мифологик тасаввур кўпинча, аниқ маконга боғланмайди, ёки мифологик манзил миф яратувчиликдан кейинги авлодлар учун ўзлари билган ва алоҳида хислатли деб ҳисобланган объектларга боғлаб тушунилади. Масалан, Алпомиш ривоятлари Босун географияси билан боғлиқ, Авестонинг муқаддас эзгу дунёси ҳатто аниқ манзилга боғланмаган Хванирата, Алпомишнинг ўғли Ёдгор отган камон ўқи қандайдир Асқар тоғининг чўққисини юлиб кетади. Кўриниб турибдики, мифологик географик тасаввурлар баъзан мавҳумот аломида, баъзан эса, реал объектларга трансформацион кўчирилган ҳолда амал қилади. Ёзма ёдгорликлар масаласига келганда, тарихий географик маълумотлар муаллифларнинг ўз кўзлари билан кўрган тарздаги баёнлари, баъзан эса, йиғилган ахборотлар баёни тарзида учрайди. Демак, ёзма маълумотларга ҳам таҳлилсиз, танқидий қарашсиз тўла-тўқис ишониб бўлмайди. Тарихий географик ёзма маълумотларни археологик ёдгорликлар орқали аниқ объектларга боғлаш масаласи аксарият ҳолларда бахсли, жуда бўлмаганда тахминлар даражасида бўлиши кузатилади. Масалан, юнон манбаларидаги Наутака шаҳрини локаллаштириш ҳалигача бахсли бўлиб қолмоқда. Ёки Ксениппа атамасини кимдир Шаҳрисабз – Кешга тортса, кимдир Қарши чўлидаги Косонга тортади. Шу сабабли ёзма ёдгорликлар берган тарихий маълумотларни жойлар билан боғлашда қиёсий таҳлил алоҳида роль ўйнайди. Жойларнинг тарихий ўрнини аниқ белгилаш, воқеа ҳодисаларнинг ҳақиқий кўламини, уларнинг тарихий жараёнга таъсирини аниқ белгилаш имконини беради. Марказий Осиё тарихий географияси муаммолари қадим замонлардан бошлаб диққат марказда бўлиб келган. Бирёқдан хитой сайёҳлари ва хуфиялари ўлкамиз географик тафсилотларини баён қилса, иккинчи ёқдан юнон, рим, араб, форс муаллифлари бу тафсилотлар билан қизиқиб келган. Сабаби, Марказий Осиёнинг ўша замонлардаги қулай географик ўрни эди. Ана шу географик тафсилотлар заминиди қадимий халқаро савдо маданий муносабатлар йўли – Буюк Ипак йўли шаклланиши

хам маълум. Ўрта асрларда маданий дунё ойкуменалари ўртасидаги бордикелининг интенсивлашуви тарихий географик маълумотларнинг бойиб боришига олиб келди. Энди эса, географик тафсилотлар кенг қамровли қиёсий таҳлил имкониятини бера бошлади. Бунга араб, форс ва туркий тилли географик манбаларни мисол қилиш мумкин. Тарихий географик манбашунослик соҳаси 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб, рус ва европа олимлари ҳаракати билан янада жонланди. (В.Томашик, В.Минорский, В.Бартольд ва бошқалар.) 20-асрда ўзбек олимларининг ҳам тарихий географик тадқиқотлардаги ҳиссалари катта бўлди. Б.Аҳмедов, Ш.Камолиддин, О.Бўриев, А.Ўринбоев, М.Исҳоқовлар ва бошқалар. Хулоса, умуман тарихий географик маълумотлар тарих тадқиқотлари ва таълим жараёни учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Энг қадимги ёзма ёдгорликларда акс этган Марказий Осиё географик манзиллари ҳақида маълумот беринг. (Геродот, Нақши Рустам, Страбон, Птолемей ва бошқалар.)
2. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тарихий географияси ҳақида нилалар биласиз?
3. Тарихий топография тушунчасини қандай таърифлайсиз?
4. Араб ва форс тилли тарихий географик манбалар ҳақида нилалар биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Марказий Осиёда энг қадимий топонимлар акс этган ёзма ёдгорликлар ҳақида тўпланг.
2. Тарихий географик билимларнинг ижтимоий-сиёсий маданий жараёнлар билан боғлаш тамойилларини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.С.Камолиддин. Ўрта аср тарихий географик ёзма манбаларидан тузилган ўқув қўлланма. ТДШИ. Т., 2010.
2. Геродот. История. В 9-ти книгах. М., 1964.

3. Пьянков И.В. Средняя Азия в античной географической традиции. М., 1997. –С 343.
4. Страбон. География. В 17-ти книгах. Перевод статьи и комментарии Г.А. Стратановиского, М., 1864.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху Монгольская нашествия. Соченения. Том-1, М., 1963.
6. Беленицкий А.М. Бентович. , Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. М., 1973.

21-Мавзу. Тарихшунослик фанининг методологик асослари

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

22-Мавзу. Генеалогия фанининг илмий ва амалий ўрни, аҳамияти

Режа:

1. Шажарашуносликнинг ижтимоий тарихий асослари ва илмий аҳамияти.
2. Генеалогиянинг сиёсий тарихларни ўрганишдаги аҳамияти.
3. Генеалогия фанининг тарихий фанлар тизимидаги ўрни.
4. Генеалогия фанида методологик ёндашувлар

Таянч иборалар: генеалогия, асотир ва генеалогия, аجدодлар шажараси, сулола, қариндошлик чизиғи, давлат, ворисийлик, легитимлик.

Дарсинг мақсади: Генеалогик билимлар мажмуи орқали тарихий жараёнларда айрим шахс ва унинг аجدодлари ўйнаган ролни аниқлаш, тарихда пассионарлик ғояси кўз қараши асосида шахс ва тарих муносабатларини тушунтириш, шажара чизиғидаги буюк шахслар ибратларини тарғиб қилиш, фаннинг назарий методологик ҳолисона асосларини кўрсатиб бериш.

Асосий қисм:

Қадимдан халқимизда шундай тушунча бор: ҳар бир киши етти ота-бобосини билиши керак! Истиқлолимиз халқимизнинг бир неча минг йиллик ҳаққоний тарихини ўрганишга имконият яратди. Тарих фанининг вазифалари давлат даражаси мақомига кўтарилди.

Агар «шажара» аجدод ва авлоддан вужудга келган «дарахт» деб қиёсланса, албатта унинг илдизи, ката кичик шохлари ва барглари ҳам бўлади. Демак, ўзбек халқининг шажараси жаҳонга машҳур бўлган ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Соҳибқирон Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Улуғбек Мирзо, Алишер Навоий ва шуларга ўхшаш алломалардан ташкил топган. Биз ўзимизнинг асосли шажарамиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дарҳақиқат, ҳар бир одамнинг Ўз шажараси бор. У ўзи биладими йўқми барибир, унинг аجدодлари бир бирига туташиб то одам Атогача етиб боради.

Биз изохлаётган шажаранинг энг муҳим томони шундаки, ота-боболаримиз шажара тузишни муқаддас бурч деб тушунишган, уни ўз замонасида маъмурий маҳкамалардан тасдиқлатиб, сўнгра авлоддан-авлодга узатишган ва ниҳоят у бизгача етиб келган.

Курснинг асосий мақсадлари ва вазифалари

Тошкент давлат шарқшунослик институти факультетида ўқитиладиган ушбу курс МОХТ тўртинчи курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, махсус талаб асосида режалаштирилган ва биринчи ярим йилликда ўтилади.

Асосий мақсад, талабаларга тарихда кам ўрганилган мавзу шажаранинг аҳамияти, уни ўрта асрлардаги давлатчилик тарихидаги ролини темурийлар сулоласи мисолида ўрганишдан иборат. Шунингдек, тарихда шахснинг тутган ўрни алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Мавзуни шархлаганда 1370 йилда ҳокимиятга келган Амир Темур ўз салтанатини авлодларига мерос қилиб қолдиргани ва бу авлод Мовараунаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда 488 йил ҳукмронлик қилганлиги алоҳида такидланади.

Дастурнинг асосий **мақсади** Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган сулолалар, хусусан Темурийлар сулоласининг шажараси тарихини ўрганишдан иборатдир.

Шу аснода дастур мақсади олдига қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- Сулола шажарасини тарихий манбаларга асосланган ҳолда тузиш орқали талабаларни мустақил тадқиқот ишларига ўргатиш;
- Сулолалар тарихига оид тарихий манбаларни қидириб топиш, қиёсий таҳлил этиш орқали Темурийлар сулоласига мансуб бўлган шахзодалар ва уларнинг оиласи ҳақида атрофлича маълумотлар йиғиш;
- Темурийлар шажараси бўйича таблицалар тузиш;

- Темурийлар сулоласига мансуб бўлган хукмдорлик қилган шахзодалар билан бир қаторда хукмронлик қилмаган шахзодаларни ҳам тарихий манбалардан излаб топиш ҳамда шажара рўйхатига киритиш;
- “Генеология” курси талабаларга тарихда кам ўрганилган мавзу шажаранинг аҳамияти, уни ўрта асрлардаги давлатчилик тарихидаги ролини темурийлар сулоласи мисолида ўрганишдан иборат. Шунингдек, тарихда шахснинг тутган ўрни алоҳида кўрсатиб ўтилади.
- манбаларни таҳлил этиш орқали Темурийлар сулоласи ҳақида керакли маълумотларни ола билиш, улар ҳақида ёзма ишлар тайёрлаш, оғзаки савол-жавобларга тайёр бўлиши;
- Кафедра миқёсида ўтказиладиган конференция, семинар ва бошқа шаклдаги ташкилий- илмий тадбирларда ўз маърузалари билан фаол қатнашиши керак;
- Марказий осий халқлари тарихини ўрганида шажара тарихини атрофлича ўрганиш ва шу орқали Темурийлар сулоласи вакилларининг (хукмронлик қилган ва қилмаганларидан қатъий назар) ўша давр ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихида тутган ўрни ва роли ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлиши;
- Манбашунослик: Моддий ва маънавий (ёзма) манбаларни билиши ва улардан илмий фойдалана олиши;
- Темурийлар сулоласи билан бошқа сулола вакилларининг қариндошлик ришталарини аниқлаш ва шу орқали ўша давр сиёсий ҳаётига бунинг тасири бўйича тажриба ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Генеология фани асосий йўналишлардан бўлиб, 7 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида белгиланган Марказий Осий халқлари тарихи, Марказий Осий халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги фанлари билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради. Чунки, 4-курс битирувчи талаба Марказий Осий халқлари тарихи фанидан хукмронлик қилган хукмдорлар тарихи бўйича маълумотларни ўзлаштирган ҳолда генеология фанидан мазкур хукмронлик қилган шахсларнинг оиласи,

фарзандлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан юқорида номлари қайд этилган фанлар билан алоқадорлиги, узвий кетма-кетлиги мавзулар доирасида ҳам яққол намоён бўлади. Шу сабабли талабалар мазкур фанлардан ҳам етарли билим ва кўникмага эга бўлишлари талаб этилади.

Мазкур фаннинг амалиётдаги ўрни қуйидаги асосий хусусиятлар билан белгиланади.

- Келажакда талабалар Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар шажарасини тузишда мазкур фанни ўқиш давомида олган назарий билимларига таянган ҳолда тадқиқот олиб борадилар;

Талабаларнинг Марказий Осиё халқлари этнографияси, этник тарихи ва этногенези фанини ўзлаштиришларида ва ўқув самарадорлигини ошириш жараёнида янги инновацион технологияларнинг илғор усуллари тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фани ўрганишда дарслик, илмий адабиётлар, тарқатма маълумотлар, тестлар ва хилма-хил кўргазмали куроллардан фойдаланилади. Таълим жараёнида интерактив методларнинг қўлланиши, талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Назорат саволлари:

1. Генеалогия фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Сиёсий сулолалар генеалогиясини ўрганиш нималарга хизмат қилади?
3. Оила, уруғ, қабила тизими шажараларининг туркий халқлар хотира анъанасидаги ўрни ҳақида нималарни биласиз?
4. Қадимий ва ўрта аср сулолалари шажараларини ўз кетма-кетлигида биласизми?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим роль ўйнаган сиёсий шажаралар ҳақида маълумотлар тўпланг.
2. Сиёсий шажаралар жадвалларини тузинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Низомиддин Шомий, Зафарнома. Форс тилидан ўрганувчи Ю.Хакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир А.Уринбоев. Т., “Ўзбекистон” 1996.
2. Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, Сўз боши, изох ва кўрсаткичлар А.Уринбоевники. Т., 1972. Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома. Сўз боши, табдил изохлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А.Ахмад, Х.Бобабеков. Т., 1997.
3. Хофиз Абду. Зубдат ат-таворих-и Бойсунгурий, ЎзРФШИ к-х, №4078
4. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Таржима, Сўз боши ва изохлар У.Уватовники, Т., “Мехнат” 1992.
5. Массон. М.Е. XV аср Хиротнинг тарихий типографиясига доир. Туплам, “Улуғбек ўзбек шоири” Т., 1948.
6. Стенли Лен Пул. Мусулманские династии. Перевод с англ. с примечанием и дополнениями В.В.Бартольда, СПб 1899.
7. Босворт К.Э. Мусулманские династии. Справочник по хронологии и генеологии. Перевод с англ. и примечание П.А.Грязневича, М., 1971.
8. Исмоил Ака. Буюк Темур давлати. Т., “Чўлпон” 1993.
9. John E. Woods, The University of Chicago. The Timurid dynasty Indiana University. Rtsarch institute for inner asian studies. Blomington Indiana 1990.
10. И.М.Муминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., “Фан” 1968.
11. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Т., “Шарқ” 1996.
12. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи, Т., “Шарқ” 1996.
13. Абулғози Баҳодурхон. Шажараи Турк. Т., 1992.

23-Мавзу. Марказий Осиёда тараққиёт учоқларининг табиий географик хусусиятлари

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

24-Мавзу. Марказий Осиё этник харитаси: қадимият ва ҳозирги замон

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

**25-Мавзу. Марказий Осиё халқларининг этник мансублиги,
маданий тарихий муштараклиги**

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарсинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

26-Мавзу. Социал антропология фанининг тарихий этнологик моҳияти

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Улкан глобаллашув жараёни, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқатнинг янгича сифат касб этиши - табиийки ижтимоий фанлар, хусусан этнографиянинг назарий- методологик муоммоларига жиддий эътибор қаратишни тақоза этади. Бу эса методологик муаммоларга сифат жиҳатидан янгича ёндашув баробарида, ўқув жараёнларига этнос ҳаёти ва фаолиятини ноанъанавий усулларда ўрганадиган замонавий фанлар “ижтимоий антропология”, «этносоциология», “этнодемография” “этнопедагогика”, каби фанларга ҳам жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур фанлар кенг қамровли бўлиб, у инсон ҳолатининг барча жиҳатларини: ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини ўрганишда намоён бўлади. Шунингдек этноснинг жамиятдаги ўрни, тили ва маданияти ҳам унинг эътибори доирасидадир. Ижтимоий антропология доимий равишда бир маданият урф-одатларини мутлақо бошқа бўлган иккинчи бир маданият билан қиёслаш натижасида маданиятлараро илмий қарашларни яратиб беради.

Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси талабаларига жорий этилган «Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари»

курси назарий фикрлар асосида, тарихийлик нуқтаи назаридан имкон қадар аниқ маълумотлар беришни кўзда тутди. Мазкур масала юзасидан нашр этилган А.Р.Рэдклифф- Брауннинг “Ижтимоий антропология методи”, Конрад Филлип Коттакнинг «Маданий антропология» асарлари ўқув курси учун асосий адабиётлар сифатида хизмат қилади ва ўзбек ижтимоий антропологияси мазмуни билан тўлдирилади. Бундай ёндашув ушбу фаннинг умумбашарий асосларида ўзбек халқининг тарихий ўрнини белгилайди

Ўзбек этнологиси бир неча авлодларининг серқирра фаолиятига қарамасдан, МОда замонавий этномаданий жараёнлар, этнослараро коммуникация, гендер масаласи, глобаллашув жараёнида миллий хусусиятларни сақлаб қолиш омиллари билан боғлиқ баъзи назарий масалалар мунозаралигича қолмоқда. Масалан, МО халқларининг интеграциялашув жараёнида турли этник гуруҳларнинг ўзаро мулоқатлари асосида янги муштарак этномаданий вазиятнинг юзага келиши, тез суръатлар билан ўсиб бораётган миграцион жараёнлар туфайли этнос бирламчи маданиятининг деструкцияси (ўз маданият кўникмаларини йўқотиш) масалалари шулар жумласидандир.

Шу сабабли Тошкент Давлат шарқшунослик институти МОХТ кафедраси магистратура босқичи тингловчиларига жорий этилган “Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари” ўқув курсининг мазмуни, моҳияти ва вазифалари мазкур курс мавзуларини ёритишда объектив назарий-методологик концепцияга асосланган ҳолда амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу курснинг ўқув жараёнлари қаторидан жой олиши, тарихий илдизлари ва маданий, маънавий дунёлари умумий бўлган МО халқларида бугунги кунда кечаётган мураккаб этник жараёнларни ўрганиш, таҳлил этиш ва етарли билимларни ҳосил қилиш, ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўқув курсини ўтиш давомида семинар, рефератив ёзма ишлар, рейтинг синовлари ва бошқа турдаги билимларни мустаҳкамлаш ва назорат шаклларидадан фойдаланилади.

Курсдан кўзланган асосий мақсад «ижтимоий антропология» методи ва тадқиқот усуллари ҳақида умумий маълумотларни беришдан иборат. «Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари» курсини ўқитиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- “Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари” курсининг мазмуни, моҳияти, илмий ва амалий асослари ҳақида маълумот берилади;
- «Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари» ўқув курсининг предмети, мақсад ва вазифалари, курснинг назарий ва методологик асослари ўрганилади;
- «Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усулларида эволюцион мактаб методлари ва уларнинг тарихий таҳлили;
- фандаги умумилмий методлар: тарихийлик (археологик ва ёзма манбалар, ҳамда бирламчи маданиятни қайта тиклаш ва реконструкция қилишга асосланади) ва социологик (анкета саволлари ва интервьюлар);
- «Ижтимоий антропология» нинг махсус: дала тадқиқотлари ва индуктив (жузий айрим фактлардан умумий хулосалар чиқариш) методлари;
- ижтимоий антропологиянинг қиёсий ва кузатув (этнослар турмуш тарзини бевосита кузатиш) методларидан иборат усуллари ўрганилади.
- ўрганилаётган курснинг назарий-методологик асосларини ўрганиш ва маданиятнинг рамзий тизимлари ва тарихий босқичларини таҳлил қилиш;
- турли этник компонентлар маданияти ва уларнинг ўзаро алоқаларининг таъсир доираси тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- араб турк, форс ва бошқа тиллардан ўрганилаётган халқлар маданиятига оид маълумотлардан ўқув курси эҳтиёжлари учун билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ижтимоий антропологияга оид илмий тадқиқот, илмий нашрлар, мақолаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ўрганилаётган минтақа халқлари маданий анъаналарининг умумий қонуниятлари ва босқичларини таҳлил этиш;
- турли этник компонент маданиятларини илмий ва тарихийлик принциплари асосида классификациялаш ва улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш;
- ўрганилаётган халқлар ва уларга қўшни бўлган минтақа тарихи бўйича маҳаллий манбалар ҳақида маълумотларга эга бўлиши;

Ўрганилаётган «Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари» фани асосий йўналишлардан бири бўлиб, 1 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида белгиланган Ўзбекистон тарихи, Марказий Осиё халқлари тарихи, этнография фанлари билан узвий алоқадорликда ва ўзаро боғлиқ. Бу фанлар билан алоқаси турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири билан маълум муаммолар ва саволлар доирасидагина ўзаро муносабатга киришади, шу сабаб талабалар юқорида кайд этилган фанлар бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади.

Магистрантлар «Ижтимоий антропология: методологик асоси ва тадқиқот усуллари» фанини ўзлаштиришлари ва ўқув самарадорлигини ошириш жараёнида, янги инновацион педтехнологияларнинг илғор усуллари тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фани ўрганишда дарслик, илмий адабиётлар, тарқатма маълумотлар, слайлар, тестлар ва хилма-хил кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Таълим жараёнида интерактив методларнинг қўлланиши, талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

27-Мавзу. Марказий Осиё халқлари тарихи фанларини ўқитишни ташкил этиш ва соҳа кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

1. Марказий Осиё тарихий - маданий минтақсининг бирлиги ҳақида.
2. Марказий Осиё тарихий - маданий жараёнларининг муштараклиги.
3. Минтақа тарихини яратишда унда яшаб келаётган халқлар ҳиссасининг баробарлиги.
4. минтақа тарихини яхлит идрок этувчи кадрларни етиштириш муаммоси.
5. Тарихни сиёсатлаштиришнинг илмий-методологик асосизлиги (тарихнинг объектив ижтимоий хоссасини тушунтириш орқали).

Таянч иборалар: Марказий Осиё, Муштарак минтақа, тарихий-маданий бирлик, тарихни яхлит тушуниш, сиёсатлаштириш, тарихчи кадрлар, манбаларнинг барчага баробарлиги, тўғри талқин.

Дарсининг мақсади: Марказий Осиё халқлари тарихи фанларини ўқитишни ташкил этиш ва соҳа кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалаларини таҳлил этиш ва унинг принципиал методологик жиҳатларини тушунтириш.

Асосий қисм:

Ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошларида мустабид советлар давлатининг барҳам топиши нафақат собиқ иттифок халқлари ҳаётида, балки жаҳон миқёсида сиёсий вазиятни тубдан ўзгартирди. Собиқ иттифок таркибидан биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси ажралиб чиқди. Сўнгра Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари ташкил топди. Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсда чуқур эътироф этилган ўз тараққиёт йўлини танлаб, ундан оғишмай ривожланиб бормоқда.

Халқларимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик мустамлака даврида оёқости қилинган миллий, маънавий, илмий, ахлоқий-фалсафий, кадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, илдизлари қадимий даврларга бориб тақалган тарихни ҳолисона ва чуқур ўрганиш имкониятини берди.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси қадим замонлардан то ханузгача кўплаб халқларнинг бошини муштарак тараққиёт жараёнлари атрофида бирлаштириб келган. Бу ҳудудлар тақдирлари туташ туркий ва эронийзабон халқлар учун илк бешик вазифасини ўтаган. Шу сабабли, тарихга оид ҳоҳ туркий, ҳоҳ форсий, ҳоҳ хитойи ёки ҳиндий, юноний, арабий, борингки, ҳар қандай ёзма манбага диққат қилинса, мазмуни ва берган маълумотларига кўра улар Марказий Осиё халқлари ўтмиши учун муштарак бўлиб чиқади.

Бунинг туб моҳияти Марказий Осиёнинг қадим замонлардан бошлаб ягона тарихий маданий минтақа бўлиб келгани билан изоҳланади.

Мазкур ҳолатни кўзда тутиб, 1991 йилда Мустақиллигимизнинг дастлабки қадамлари билан баробар Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил топгани, унинг таркибида “Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси тузилгани минтақа халқларининг шарқона бой маданиятини, муштарак маънавий меросини, жаҳон цивилизациясига қўшган бекиёс ҳиссасини, томирлари туташ этник, этно-маданий жараёнларни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун тнҗсиз имкониятларни очиб берди. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида “5 220200 – Тарих (мамалакатлар ва минтақалар бўйича) йўналишига мувофиқ бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар” ва ушбу таълим йўналиши негизидаги 5А 220204 рақамли “Марказий Осиё халқлари тарихий манбашунослиги, тарихшунослиги ва тарих тадқиқотлари методи” мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган умумий талаблардан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақа халқлари умумий тарихи, давлатчилик тарихи, тарихий географияси, тарихий манбашунослик ва тарихшунослиги, диний дунёқараш тизимлари, ижтимоий – сиёсий ривожланиш босқичлари, моддий ва маънавий меросининг тарихий талқинлари, этник-ижтимоий ва этно-маданий муносабатлари, жаҳон цивилизациялари тизимида Марказий Осиёнинг ўрни, минтақа халқлари санъати тарихининг асослари, исломгача қадимий ва ислом даври ёзувлари ва ёзув маданияти ва бошқа ихтисослик, махсус ва танлов фанлар тизими ўқитиб келинмоқда..

1991-1998 йиллар давомида кафедрага т.ф.д., проф. Ғ. Аҳмаджонов мудирлик қилди. 1998 йилдан ҳозирга қадар т.ф.д., прф. М.М.Исҳоқов раҳбарлик қилмоқда.

Ўтган 20 йил давомида турли йилларда кафедра қошида академик Б. Аҳмедов, т.ф.д., профессорлардан Ҳ. Зиёев, Д. Юсупова, М. Бобоҳўжаев, Р.Г. Мукминова, Ҳ. Бобобеков, Г. Аъзамова, Ш. Воҳидов, А. Хўжаев, тарих фанлари номзодларидан- З. Тожиев, О. Бўриев, Т. Файзиев, М.Б. Аҳмедов, Ғ. Бобоёров, Н. Тошев, С. Шодмонова, А. Тоғаев, А. Шоюнусов, Ф. Маражаповалар талабаларга сабоқ беришган. Ҳозирги пайтда т.ф.д., профессорлар М. Мсҳоқов, Р. Сулаймонов, Ш. Камолиддин, А. Дониёров, т.ф.номзодлари – Ш. Саидов, Р. Алимова, О. Суюнова, И. Жамолҳожӣ, С. Соатова; катта ўқитувчилардан – Б. Мамараҳимова, Х. Файзиев, Ш. Жўраев, Г. Тилеукулова, М. Козьмина, ўқитувчи М. Зукурулаевалар кафедранинг илмий-педагогик салоҳиятига ҳисса қўшиб келишмоқда. Бинобарин, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўз илмий йўналиши, махсус таълим соҳалари шаклланган.

1998 йилга қадар “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш кафедра фаолиятида етакчи ўрин тутиб келган. 1998 йилдан бошлаб ҳозирга қадар Марказий Осиё тарихий-географик ва тарихий-маданий минтақа доирасида яшаган ва яшаб келаётган халқлар тарихини, маданиятини, сиёсий-иҷтимоий жараёнларини, маданий-маънавий ўтмишининг муштарак ва хос жиҳатларини атрофлича ўқитиш йўлга қўйилди, фанлар тизимининг ички узвийлиги, таълимий узлуксизлиги таъминланди. Чунончи, Тибет, Олтой-Еттисув, Шарқий Туркистон, Дашти Қипчоқ тарихларини ўқитиш жорий қилинди. Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар тарихи масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши минтақада интеграцион жараёнларнинг тарихий асосларини кўрсатишга хизмат қилади.

МОХТ кафедраси Марказий Осиё давлатларининг олий ўқув юртлари ичида мақсад ва вазифаларига кўра ягона ҳисобланади. Кафедра талабалари асосий ва иккинчи Шарқ тилларини ҳамда ғарб тилларидан бирини билиш асосида тарихий манбашунослик ва тарихшунослик ихтисосларига эга бўладилар.

Кафедрада 30 дан ортиқ умумкасбий, ихтисос, танлов, умуммутахассислик ҳамда илмий-педагогик ва илмий тадқиқотга йўналтирилган интеграллашган фанлар ўқитилмоқда. Жумладан, соҳа бўйича кадрлар тайёролашнинг самарали бўлишини таъминлашда “Марказий Осиё халқлари тарихи”, “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги”, “Марказий Осиё халқлари маданияти тарихи”, “МОХ этнографияси, этник тарихи ва этнологияси”, “Марказий Осиё халқлари давлатчилиги тарихи”, “Марказий Осиё тарихий географияси”, “Марказий Осиё халқларининг исломга қадар қадимий ёзувлари ва уларнинг палеографияси”, “Араб хаттотлиги”, “Магистратура мутахасситслиги фанларининг назарий масалалари”, “Қўлёзма манбалар устида ишлаш амалиёти”, “Марказий Осиё минтақасида урбанистик жараёнлар, шаҳарсозлик тарихи”, “Марказий Осиё халқлари ижтимоий фикр ва сиёсий жараёнлари тарихи” каби фанлар кафедра ўқув режасининг асосини ташкил этади. 1999 йилда кафедра ҳузурида магистратура бўлими очилган. Унда кафедранинг илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилари дарс беришади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига биноан кафедра томонидан “Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари” мавзуида Республика йиллик илмий-назарий конференциялари ўтказиб келинмоқда. Ҳозирга қадар уч марта (12.05.2009 йили; II – 19.05.2010 йили; III – 18.05.2011 йили) конференция ўтказилди ва уларнинг 1-, 2-, 3- илмий тўпламлари чоп этилди.

Марказий Осиё халқлари тарихини муштарак асосларга эга яхлит жараён сифатида ўрганиш бу минтақада милоддан аввалги I минг йиллик ўрталаридан бошлаб амал қилган маҳаллий алифбелари (нутқ товуш – ҳарф шартли чизма белги) ёзув тизимларини тадқиқ этиш, ўша ёзувлар билан битилган маълумотларни тарих масалаларини ҳал қилишга фаол жалб қилиш каби муҳим муаммоларни ўртага қўяди. Бинобарин, Марказий Осиё минтақасида қадимий ёзув маданиятининг ўчоғи сифатида ўнлаб алифбе

тизимлари яратилган. Энг сўнгги археологик топилмалар орасида Жарқўтон (Сурхондарё, Шеробод тумани)дан топилган сопол буюмлар сиртидаги пиктографик белгилар ёзувларимиз тарихининг илдизларини бронза асригача етакзаётгандек. Бироқ милoddан аввалги I минг йилликда Марказий Осиё ёзув маданияти тарихида туб бурилиш рўй берган. Маҳаллий шароитда туб жой туркий ёзув тизими деб тахмин қилинаётган “Иссиқ ёзув”ини минтақамизда пайдо бўлган илк алифбелари ёзув деб ҳисоблаш мумкин. Милoddан аввалги IV-III асрлардан бошлаб хоразмий, суғдий, бактрий, парфийский алифбалари пайдо бўлгани минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий (давлатчилик), маданий, маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар билан изоҳланади.

Милoddан аввалги VIII-VII асрларда Марказий Осиё бўйлаб зардуштийлик динининг тарқалиши, унинг китоби “Авесто”нинг махсус алифбе воситасида ёзиб олиб, китоб қилиниши – булар қадимий ёзув ва китобат ишининг жамият ҳаётига дадил кириб келиши деб баҳоланиши мумкин. “Авеста” фаол яратувчанлик, руҳий ва жисмоний поклик, астойдил ва барқарор эътиқод, ёвузликнинг барча кўринишларига қарши кураш, оилапарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг бойликларини кўпайтиришга даъват каби ўз даври учун юксак ғоялари билан аجدодлар ҳаётига кириб келган. Бу қадриятлар асрлар оша, ҳатто диний қарашлар ўзгарган шароитларда ҳам трансформациялашган ҳолда сақланиб, авайланиб келмоқда. Бу қадриятлар эл, элат, халқ, миллат тушунчаларидан устунлиги билан минтақа халқларини маънавий уюштирувчи муҳим омил ҳамда бу муштаракликка, ўз навбатида миллатлараро тотувликка асос бўлиб қолаверади.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда юқорида қайд этганимиз–манбашунослик йўналишини ҳал қилувчи соҳа сифатида алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳаққоний тарихни манбалар асосида, далил ва исботли тарзда ўрганиш муҳим методологик талаб сифатида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан олға сурилгани бежиз эмас. Бинобарин, минтақа

тарихи мустақилликка қадар советлар даври мафкураси тазйиқида бор бўй-бастини кўрсата олмай келган эди. Халқимиз ўтмишининг энг ёрқин саҳифалари атайлаб бузиб кўрсатилар эди. Ҳатто мустақиллик шароитида ҳам дастлабки бир неча йил давомида, хусусан, ўзбек халқи тарихини ёритишда журъатсиз тебранишлар кузатилгани маълум. Бироқ, 1998 йил 26 июнида Президент Ислам Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашуви чоғида баён этилган жиддий методологик аҳамиятга эга фикрлар тарихшуносликда бурилиш ясади. Ўзбекистонда тарих фанининг давомий ривожига Президентимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари бутун бир назарий покланиш даврини бошлаб берди.

Марказий Осиё минтақасида миллий тарихлар тарихшунослиги масаласи ҳам бугунги кунда бир қатор муаммоларни ўртага қўймоқда. Қўшни қардош халқлар тарихини яратиш жараёнида ҳаққоний тарихни тиклашга уриниш билан баробар айрим методологик нотўғри ёндашувлар кўзга ташланмоқда. Буларнинг асосида айрим олинган халқларни, уларнинг давлатчилиги тарихини муболаға даражасида, ҳатто беш минг йиллик қадимий қилиб кўрсатиш, тарихий ҳудуд, маданий устунлик, ҳақидаги даъволар, айрим ўринларда мифологик тасаввурларга ҳақиқий тарих “кийимини кийгазиш”(Ўғизхон бошчилигидаги “Анау империяси” каби) ва бошқа методологик оғишлар ётади.

Ушбу вазифада Марказий Осиё халқлари тарихини ҳолисона ўрганиш жиддий назарий тайёргарликка эга бўлган тарих масаласида ҳақни ноҳақдан ажрата биладиган, қадимий моддий ёдгорликларга маъно бера оладиган ва, айниқса, ёзма ёдгорликларни ўқий оладиган, уларни тўғри талқин қила оладиган кадрлар тайёрлаш масаласига бориб тақалади.

Айни шу маънода Тошкент давлат шарқшунослик институти қошида тарихий манбашунослик ва тарихшунослик ҳамда тарих тадқиқотлари методи масалаларига йўналтирилган ихтисослашган “Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедрасининг борлиги масалани ҳал қилишга масъулият билан ёндашишнинг ёрқин намунаси.

Кафедра талабаларининг курс ишлари, битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларининг мавзуларини танлашда истиқболлилик, узлуксизлик каби тамойилларга амал қилинмоқда. Мавзулар географияси бўйича Шарқий Туркистон, Тибет, Олтой ўлкаси, Қозоғистон (Дашти Қипчоқ), Туркменистон, Тожикистон, қирғиз, қорақалпоқ халқлари тарихи масалалари камраб олинган ҳолда иш олиб бормоқда.

Талабаларнинг тадқиқотчилик ҳаракати доирасида иқтидорли талабалар гуруҳи шаклланган. Уларнинг назарий ва амалий фаолияти асос эътибори билан тарихий манбашуносликка йўналтирилган. Бундан ташқари, курс ишлари, битирув-малакавий ишлар, магистрлик диссертацияларининг аксарияти тарихий манбашунослик соҳасига қаратиб келинмоқда.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш масаласида фанлараро алоқа муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, манбашунослик учун филологик билимлар зарурлигини ҳисобга олиш лозим. Бу ўз навбатида тарих ва филологик йўналиш кафедралари ҳамкорлигини талаб қилади. Қолаверса, манбашунослик қадимий ёзувлардан тортиб (Авеста ёзуви, суғдий, хоразмий, бактрий, эски уйғур, қадимги туркий в.б.), араб ёзуви, унинг ҳуснихат ва турли муллои (кундалик хусусий) хат усуллари, рус-кирилл ёзувининг эски ва янги имлосини (мустамлака даври архивларидаги қўлёзма ва машинка матнларини ўқиш учун) билишни талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, манбашунос мутахассис учун тарихий ва филологик билимлар мажмуи зарур.

Манбашунос кадрлар қадимги тиллар – юнон, классик араб, қадимий хитой, ўрта форс, суғдий, хоразмий, бохтарий, эски уйғур ва бошқа тиллардан хабардор бўлишлари муҳим. Шу мақсадларда кадрлар тайёрлашнинг бевосита амалий аҳамиятини баҳолаш учун бир мисол кифоя: ҳозир Марказий Осиё мустақил республикалари, Шарқий Туркистон (ХХР Уйғур автоном райони) ва бошқаларда сақланаётган юз минглаб қўлёзмалар, миллионлаб ҳужжатлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Фикримизча, бу тоифа кадрлар тайёрлаш ишида умумшарқшунослик, филологик ва тарих

йўналишида таълим тизимини бевосита Тошкент давлат шарқшунослик институти доирасида махсус уюштирилгани ўзини тўла оқлаб келмоқда. Шу билан бирга, бу масаланинг муваффақиятини ўқув ва илмий муассасаларнинг доимий ижодий илмий ҳамкорлиги таъминлаши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Минтақа халқлари тарихининг муштарак асосларини тўғри талқин қилишга тайёр кадрлар тайёрлашнинг заруриятини нимада деб биласиз?
2. Марказий Осиё халқлари тарихининг манбавий асосларини тадқиқ қилувчи ва бу соҳада таълим берувчи кадрлар салоҳиятини белгиловчи омилларни қандай изоҳлайсиз? Шарқшунос-тарихчи тушунчасининг мазмунига қандай изоҳ берасиз?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Марказий Осиё халқлари тарихининг яхлит моҳиятидан келиб чиқувчи тадқиқот ва таълим масалаларини таҳлил қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.
3. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о древнейшей истории народов Средней Азии. Т., 2006.
4. Ниёзов С.Н. Рухнаме. Ашхгабад. 2003.
5. Акаев А.А. Кыргызской государственность и Манас. Бишкек. 2002.
6. Алимова Д.А. История как история, история как наука. в двух томах. Отв редактор. Э.В.Ртвеладзе. Т., 2008.
7. Исҳоқов М.М. Тарихий тадқиқотлар методлари ва методологиясининг асослари. Тезислар. Т., 2009.
8. Исҳоқов М.М. Марказий ОСиё халқлари тарихшунослигининг айрим масалалари. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. Т., 2010.

28-Мавзу. Марказий Осиёда қадимги давлатлар ва ўзбек давлатчилиги тушунчасининг илмий талқини

Режа:

1. Марказий Осиёда илк давлатчилик асосларининг тарихий шарт-шароитлари ҳақидаги назарий фикрлар таҳлили
2. Кичик ва катта воҳа давлатчилиги тушунчасининг моҳияти
3. Марказий Осиёда давлатчиликнинг ҳудудий асослари
4. Марказий Осиё давлатлари ҳақида манбавий маълумотларнинг танқидий таҳлил принциплари
5. Давлатчилик тарихи тарихшунослигининг асосий муаммолари

Таянч иборалар: Ижтимоий бошқарув, примитив кенгаш, оқсуяклар оқсоқоллик кенгаши, Авеста, кичик ва катта воҳа, суғорма деҳқончилик,

номадик эфемер давлатлар, меҳнат тақсимотининг янги босқичи, дастлабки товар алмашув, давлат институтлари, манбалар.

Дарсинг мақсади: Марказий Осиёда қадимги давлатлар, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари ҳақида фанда маълум, шу жумладан ўзбек давлатчилиги тушунчасининг уздуксизлик белгиси ҳақидаги назарий фикрлар умумлаштирилади, таҳлилий маълумотлар берилади.

Асосий қисм:

Ўрта Осиёда неолит даври (эр. ав. У1-1У минг йй.)га келиб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлиши, кейинчалик деҳқончиликдан қунармандчиликнинг ажралиб чиқиши натижасида аҳолининг маълум қисмлари деҳқончилик, чорвачилик ёки қунармандчиликка ихтисослаша бордилар. Аҳолининг маълум бир соҳага ихтисослашуви тажрибашшг ортишига ва иш қуролларининг такомиллашувига, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсишига, унинг сифати яхшиланишига олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсганлигини бронза даври (эр.ав. Ш-1 минг йй.)да дон сақловчи омборларнинг, катта ҳажмдаги дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сақловчи идишларнинг кўпайганлигидан билиш мумкин. Натижада инсоннинг минимум эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Ушбу ортиқча маҳсулот уруғ ва қабилла бошлиқлари томонидан ўзлаштирилади ва жамиятда секин-аста хусусий мулк шакллана бошлайди.

Хусусий мулк дастлаб деҳқончилик районларида озиқ-овқат маҳсулотлари, қунармандчилик буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари кўринишида, чорвачилик районларида эса, чорва кўринишида бўлган. Кейинчалик жамиятда айирбошлаш эквивалентлари пайдо бўлганлиги сабабли, хусусий мулк нафақат натурал формада, шу билан бир қаторда маҳсулотлар айирбошлаш учун қабул қилинган эквивалентлар (пул ўрнидаги нарсалар - муаллифлар) кўринишида ҳам тўплана бошлаган. Ўрта Осиё қадимги деҳқончилик жамиятлари аҳолисига тегишли қабрлардан топилган кўплаб зооморф ва геометрик тасвир кўринишидаги муҳрлар хусусий мулкнинг пайдо бўлганлиги ва тўплана борганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан жамиятда ижтимоий ва мулкий тенгсизлик юзага кела бошлайди. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, хусусий мулк одатда қабила ва уруғ бошликларига тўплана борган. Бу бежиз эмас, сабаби, айнан улар уруғ ва жамоага тегишли мулкларни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Айни иайтда уларнинг оддий жамоадoshлари эса, арзимаган мол-мулкка, кўп ҳолларда ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаганлар. Жамиятдаги табақаланишнинг қайси бири: ижтимоий табақаланиш олдин пайдо бўлганми ёки мулкий табақаланиш, деган саволга жавоб бериш анча мушкул. Кўпчилик мутахассислар улар бир вақтда пайдо бўлган, яъни ижтимоий мавқеъдаги фарқлар мулкий тенгсизликка олиб келган бўлса; ўз навбатида, мулкий тенгсизлик жамият аъзоларининг ижтимоий тенгсизлигига олиб келган, деб ҳисоблашади.

Археологик тадқиқотлар ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказлари ҳисобланган шаҳарларда аҳолининг ижтимоий ва мулкий табақаланиш жараёни қишлоқлардагига қараганда нисбатан тезроқ борганлигини кўрсатмоқда. Масалан, металл, муҳр, қурол-яроғ сингари ҳокимият рамзлари ва диний характердаги буюмлар мавжуд қабрлар аксарият ҳолда илк шаҳарлар - Олтинтепа, Улуғтепа, Жарқўтон, Сополлитепа каби ёдгорликларга тегишли. Агарда илк шаҳарларга тегишли қабрларда 6-9 хил кўринишдаги буюмлар учраса, кичикроқ аҳоли манзилгоҳларидан топилган қабрларда 2-3 хил кўринишдаги буюмларгина учрайди.

Ижтимоий ва мулкий тенгсизлик жамиятда қарама-қаршилик ва низоларни келтириб чиқаради. Жамияшнинг юқори тоифа кишилари ўз имтиёзлари ва бойликларини жамиятнинг оддий аъзолари таҳдидидан химоялашга зарурат сезади. Ижтимоий ишлаб чиқаришга ва уни тақсимлашга бўлган ҳуқуқ уруғ ва қабила бошлиқларига ўз атрофларига шахсий қўриқчилар, маслаҳатчилар ва шу қабиларни тўплаш имконини беради, яъни давлатнинг ибтидоий кўринишлари шакллана бошлайди.

Демак, ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши, жамият аъзоларининг хўжаликнинг бирор-бир турига ихтисослашувига, иш

тажрибасининг ошишига ва иш қуролларининг такомиллашувига олиб келади. Юқоридаги жараён ўз навбатида, ортиқча маҳсулотнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ортиқча маҳсулотнинг юзага келиши билан хусусий мулк шакллана бошлайди. Хусусий мулк, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий ва мулкӣ табақаланишга олиб келади. Ва ниҳоят, ижтимоий ва мулкӣ табақаланишнинг юзага келиши давлатнинг бўлишини тақозо этади. Шундай қилиб, жамиятда ибтидоий давлатлар пайдо бўлишига шарт-шароитлар етилади. Давлатларнинг пайдо бўлишида, унинг юзага келиш жараёнига сезиларли таъсир ўтказган омилларни билиш муҳимдир.

Амударёнинг қуйи оқимида қадимги Хоразм воҳаси ўзига хос цивилизация ўчоғи сифатида асрлар давомида илм аҳлининг эътиборида. Авеста китобининг тарихи қарийб уч минг йил билан белгиланиб турган бугунги кунда унинг “Яшт” китобида фаровон ўлка деб таърифланган. Ардвӣ дарёси сувлари билан маъмур бўлган юрт сифатида шарафланган Хоразм воҳасининг цивилизациян ўтмишини янада қадимийроқ илдизлардан баҳрамандлиги шубҳасиздир.

Хоразм воҳасида неолит ва бронза даврлари ишлаб чиқарувчи хўжалик муносабатларига ўтиш йўлидаги узвий босқичлар эди. Ўрта Осиё неолитининг шимолий варианты бўлмиш Калтаминор маданияти бой табиат неъматлари заминида воҳа аҳолисининг демографик тез ўсишига хизмат қилди. Бронза асрларида эса Сувёрган ва Амиробод ёдгорликлари мисолида воҳанинг илк суғорма деҳқончилик маданиятини кузатиш мумкин.

Хоразмнинг минтақадаги географик ўрни ҳам воҳа тарихининг баъзи хусусиятларини белгилаб берган. Масалан, Авеста китобининг Видевдот (Вандидод) қисмида Эранвеж (Арйанам Ваежу юрти) Хоразм воҳасига нисбат берилади. Аҳмонийлар даври Эрон салтанати таркибига кирган сатрапликлар қаторида муҳим тарихий-географик минтақа Хоразм алоҳида қайд этилган.

Ўрта Осиёга Македониялик Александр юришлари пайтида мустақил сиёсат юритган, ҳатто Александр билан бевосита дипломатик

муносабатларга киришиб, Хоразмнинг хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган давлат бўлганлиги фанда эътироф этилган.³ Шулардан келиб чиқиб Хоразм воҳасидаги ушбу қадимий давлатчилик жараёнларини Ўзбекистон ҳудудларида уч минг йиллик давлатчилик тарихининг муҳим саҳифаси сифатида атрофлича ўрганиш муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

Шу ўринда давлатчилигимиз тарихининг ғоявий асослари ҳақида Авеста китобида акс этган маълумотлар талқинига бир назар ташлаш ўринлидир.

Аввало Авестанинг асосий объекти-инсон. Ундаги барча фикр инсонга, унинг сидқидилдан эътиқодига, жисмоний ва руҳий поклигига, эзгу дунёнинг равнақи учун астойдил сафабарлик билан қилинадиган яратувчилик меҳнатига, ижтимоий барқарорликка, тинчлик ва осойишталикка қаратилган. Зардуштийлик ва Авестада акс этган дунёнинг маркази инсон ва унинг оиласи (нмана/дмана)дан бошланади. Нмананинг ҳам отаси ҳам руҳоний раҳнамоси дастлаб нманўпати, яъни “уй отаси” бўлган. Ота оилани боқиш, парваришлаш, ҳимоя қилишдан ташқари шу оиланинг диний етакчиси ҳамдир. Бундай тартиб оиланинг ижтимоий моҳиятини жамиятнинг маънавий талаблари билан боғлашга хизмат қилган. Шу билан бирга оилани, ота-онани фарзандлар маънавий камолоти учун масъул қилиб тайин этган. Оилада онанинг мавқеи ҳам юксак қўйилган. Нманў (дманў)патни-бу оила онасининг мақомига берилган улуғвор ном. пати, патни қисмлари бу атамаларда пат ўзагидан ясалган бўлиб, “қўриқламоқ, ҳимоят қилмоқ” деган маънони англатади. Шундан тилимизда сақланган пойламоқ, яъни “қўриқламоқ” сўзи тарихий этимологик изоҳини топади.

Демак, “нманўпатни” сўзлари, “уй, хонадон қўриқчиси”, “хонадон, уй бекаси” маъноларига эга.

Жамиятнинг асос унсури оила экан, зардуштийликнинг илк босқичларида бу ижтимоий birlik патриархал оила кўринишида бўлган. Археологияда “катта оила” мажмуаларининг ёрқин мисоли Сополли маданиятининг Сополлитепа ёдгорлигида кузатилган. У ерда саккизта катта

оилани патриархал уруғчилик асосда бирлаштирган кўрғон қазиб ўрганилган. Авеста тили билан айтганда бу саккиз патриархал (ота) уруғининг уюшмаси ўзаро қон-қардош оилалар бирлиги сифатида “вис” деб аталган. Виснинг маъмурий ва руҳоний раҳнамоси ўз навбатида виспати деб аталган. Виспати ижтимоий, руҳоний мартаба бўлиб, нманўпатилар йиғинида ибтидоий демократик руҳда сайлаб қўйиладиган лавозим эди. Бир неча вислар уюшмаси занту деб аталган. Бу уруғ жамоаларини узоқ-яқин қариндошчилик тамойиллари асосида бирлаштирувчи қабила демакдир. Занту висларнинг маслаҳат кенгаши олға сурган вакил-зантупати томонидан бошқарилган. Зантупати ҳам маъмурий ҳам руҳоний функцияни адо этган.

Занту-қабила уюшмасининг моҳияти шундаки, унинг ичида таркибий қисм бўлмиш висларнинг ҳудуд бўйлаб янги-янги ерларни ўзлаштириши, у ерларда ўрнашуви орқали қўшни зантуларнинг вислари билан қўшни жамоачилик тизимига айлана борган.

Қўшни жамоачилик муносабатлари қон-қардошчилик асосида эмас, хўжалик, иқтисодий, маданий муносабатлар орқали ижтимоий уюшувнинг сифат жиҳатдан янги босқичини юзага келтиради. Натижада зантулараро алоқалар катта ҳудудларни, бутун-бутун воҳаларни ўзида бирлаштирган эл-юрт пайдо бўлади. Зантулар уюшмасини Авеста китоби дахйу деб атайди. Уни бошқарган маъмурий ҳукмдор дахйупати дайилган.

Авеста китоби қуйи, ўрта ва юқори поғона бошқарувнинг машваратли (коллегиал) усулини ҳанжамана деб атайди. Бу сўз бугунги тилимизда анжуман “мажлис” демакдир. Ҳанжамана жамият ҳаётининг барча масалаларини муҳокама қилган ва зарур вазифаларни белгилаган.

Авеста бизга илк давлатчилик тарихи ҳақидаги маълумотлардан ташқари айни шу давлатчилик жараёнларининг ғоявий асосларини ҳам ўзида мужассам этган. Бунинг ёрқин мисолини зардуштийликнинг эзгу парвардигори Ахура Мазданинг вазифадор малойикалари (эманациялари)да кузатиш мумкин. Улар олти олий илоҳий функция эгалари бўлиб, биринчиси Воҳу Мана “Эзгу ўй” фариштаси, яъни олам эзгу ўй, эзгу ниятдан

бошланмоғи лозимлигига ишоратдир. Иккинчиси, Арта Ваҳишта, яъни эзгу ният бўлса, ҳаёт Ҳақ Таоло буюрганидек “ҳаққоний (Арта-“Ҳақ”) беҳиштий”-жаннатмисол бўлади. Учинчи эманация Спента Армаити-Испандармат бўлиб, бу малоика эзгу ният билан барпо бўлган жаннатий (беҳиштий) ҳаётни Ерга, заминга туширади ва унга осойиш бағишлайди. Тўртинчи малоика-Хшатра Варйа-“Шаҳриёрлик”, яъни жаннатмакон заминдаги бахтиёр, фаровон ҳаётни илоҳий адолат билан бошқариш мақомидир. Бу эманация Авестада одил подшоҳликнинг илоҳий концептуал асосига ишорат сифатида тушунилади. Ўзбек давлатчилиги тарихининг илк қадамлари бронза асрида аҳолининг мулкӣ нотенглигига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида бошланган. Илк темир асрида бу муносабатлар кичик воҳалардан катта-катта дарёларнинг водийларша ёйилди. Зарафшон, Шерободдарё, Сурхондарё, Қашқадарё кабиларнинг улкан водийлари, Амударёнинг дельта минтақаси ва бошқалар катта воҳа давлат уюшмалари учун макон бўлди. Уларнинг маъмурий-маданий марказлари сифатида бир қатор илк шаҳар марказлари вужудга келди. Булар Кеш воҳасида Узунқир - Подаятоқ, Сангартепа, Самарқанд воҳасида Кўктепа - Афросиёб мажмуалари кабилар эди. Илк давлатчилик жараёнлари эса ўз навбатида маълум маънавий, ғоявий асосга таянмоғи лозим эди. Илк темир асрида бу заруриятга ибтидоий даврлардан бошлаб юзага келган, ниҳоят, милoddан аввалги XII - XI асрлардан муайян тизимга, меъёрий қолипга туша бошлаган Мазда Ясна - Заратуштра -Зардушт дини хизмат қила бошлади.

Назорат саволлари:

1. Давлатчиликнинг илк босқичларини қайси даврда ва нималар асосида кузатиш мумкин?
2. Давлатчилик тушунчасининг қандай илмий талқинларинит биласиз?
3. Давлатлар тарихидан давлатчилик тарихи фавқи нимада?
4. Марказий Осиёда ҳудудий давлатчиликнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
5. Давлатчилик институтлари деганда нимани тушунаси?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Марказий Осиёда қадимий ва ўрта аср давлат тизимларининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини тушунтириб бериш.
2. Марказий Осиё давлатчилиқ тизимларининг бошқарув асосларини акс эттирадиган чизмлар, жадваллар, хариталар тузиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.
3. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. –Археология. 19-том. 1954.
4. Тостов С.П. Древний Хорезм. М., 1948.
5. Ягодин В.Н. История государственности в Хорезмском оазисе. Материал из архива Хорезмской Академии Маъмуна. – 2006.
6. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о древнейшей истории народов Средней Азии. Т., 2006.
7. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Т. «Фан», 1973.
8. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура юга Узбекистана. Т., «Фан», 1977.
9. Масон В.М. Первые цивилизации. М., 1987.
10. Сарияниди В.И. Древнеземледельцы Афганистана. М., 1977.

29-Мавзу. Давлатчиликда ҳокимият легитимлиги тарихи: ривоят ва ҳақиқат чегараси

Режа:

1. Давлатчиликнинг пайдо бўлишида унинг ҳуқуқий асосланиши масласи.
2. Давлат ҳокимиятининг самовийлиги тушунчаси ва унинг тарихий асослари.
3. Қадимги ва ўрта асрларда давлат легитимлигининг турлича асосланиши ва давлат типлари.
4. Давлатчиликнинг демократик асослари учун кураш босқичлари.

Таянч иборалар: давлат, ҳокимият, бошқарув, легитимлик, демократия, шажаравий легитим асослар, давлатни илоҳийлаштириш, бошқарув ва омма, бошқарув усуллари ва принциплари.

Дарснинг мақсади: Давлатчилик тарихи масалаларида ҳокимиятнинг ҳуқуқий асосларини билиш, бунга тарихийлик асосида ёндашиш, ҳукмдорлик ва омма муносабатларини тартибга солиш воситаси сифатида амал қилиб келган легитимлик ривоятлари ва уларнинг генезисини тушунтириш, ҳозирги ўзбек давлатчилигининг узоқ ўтмишдан бошланган асосларини магистрант тингловчиларга етказиш.

Асосий қисм:

Давлат тарихий ижтимоий-сиёсий категория сифатида муайян бошқарув функциясини амалга оширган ҳолда омма устидан ҳукмронликни амалга оширади. Тарихий давлатчиликда легитимлик масласи турлича ҳал қилинган. Умуман давлатнинг ҳукмронлик воситаси эканидан келиб чиқилса, тарихий босқичларда ҳокимият ўзини омма олдида бошқарувга ҳақли қилиб кўрсатишга уринган. Оммавий тафаккур ҳам бу ҳодисани айна “юқоридан туширилган” шаклда қабул қилишга ўрганган ёки ўргатилган. Шу маънода қадимий давлат бошқаруви ҳуқуқини самовий, илоҳий қилиб кўрсатувчи легитимация ҳодисалари кўп учрайди. Авеста ҳокимият легитимлигини

фаришда “Фарр” орқали тушунтиради. Вароғн қуши тимсолида ёки кўринмас рўё шаклида кимга “фарр” етишган бўлса, ўша илоҳий ҳокимиятга сазовор ҳисобланган. Ҳатто, Вароғн қушининг патини қўлга киритиш ҳам айна шу ҳақлиликни таъминлаган. Вароғн қуши эса илоҳий ҳисобланиб, унинг кимга кўниши муҳим бўлган. Хоразда ўзбек давлатчилиги мисолида легитимлик белгиси сифатида подшоларнинг бош кийими қуббаси айна вароғн қуши шаклида ишланган. Хоразм тангаларида подшолар тасвири бунинг яққол мисолидир. Қадимги Турк ҳоконлиги ҳокимият легитимлигини “Тенгри”, яъни осмон тушунчаси билан боғлаган. Зеро, тенгри сўзи луғавий генезиси “тенгиз”дир. Бу эса “осмон” демакдир. Қадимги Сўғд конфедерацияси подшолик унвони “ихшид” сўзи билан ифодаланган. Бу сўзнинг луғавий маъноси “самовий нур”га сазовор бўлган, демак подшоликка лойиқликдир. Подшо сўзи ҳам “патихшайа”, яъни “илоҳий нур ҳимоят” қилган зотдир. Демак, бу мисоллардан аёнки, минтақа давлатчилиги тарихида ҳокимият легитимацияси узоқ ўтмишга тақалади. Ўз навбатида давлатчилик тарихининг қадимийлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳудудида, умуман, Ўрта Осиё минтақасида энг қадим замонлардан кечган давлатчилик тарихи масаласининг легитим асослари ҳеч қачон махсус ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам биз мазкур йўналишда илгари амалга оширилган бирор махсус ишни келтира олмаймиз. Аммо мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси доирасида давлатчилик тизимлари ва унинг ҳудудий тарихий тузилмалари бўлгани инкор этилмаган.

Худди шунингдек, мазкур давлатчилик тизимлари тўғридан-тўғри ўзбек жамияти билан боғлиқ тарзда ва шу юртда узулуксиз кечган бир жараён сифатида ҳеч қачон қаралмаган. Бунинг камида учта сабаби бор.

Биринчи сабаб тўғридан-тўғри евроцентризм билан боғлиқ. Сўнгги асрларда сиёсий-иқтисодий марказнинг Шарқдан Ғарбга «кўчиши», халқаро муносабатларда Ғарб давлатлари, улар намояндаларининг илғор, ташаббускор, тажовузкор бўлишлари каби омил ва сабаблар натижасида

гўёки ғарбий (европавий) ва шарқий тарихшунослик фанлари вужудга келгандай бўлган эди.

Хуллас, мазкур амалий жиҳатлар орқали ҳам арабшунослик, мисршунослик ривожига Франция, ҳиндшуносликда Англия, туркистоншуносликда Россия каби давлатларнинг ўрни яққол кўриниб туради. Мустамлака шароитида қарам мамлакат олимларининг метрополия ижтимоий-илмий қарашлари таъсирида қолишлари ҳам турган гап. Буни биз Россия империясида бўлган даври-миздан яхши биламиз. Очигини айтганда, бу касалдан бугун ҳам узил-кесил қутилингани йўқ.

Иккинчи сабаб Россиянинг шовинистик ва улуғ давлатчилик сиёсати билан боғлиқ. Уни бизнинг мавзуга алоқадор томонини Бартольднинг куйидаги айтганларидан топамиз: «Шарқ халқларининг Россия билан тинч йўсинда яқинлашишларида, бизнинг буюк шоиримиз орзу қилган, бироқ ҳали ҳозир жуда узок бўлмиш кунни, яъни Россиянинг барча халқлари, жумладан, «ва бугунги ваҳший тунгус, ва дашт кезувчи қалмоқ» ҳам, рус маданиятининг улуғ вакилига бош эгиш учун бирлашадиган куннинг келишида рус шарқ-шуносларининг камтарона меҳнатлари, балким, рус маданиятининг бошқа ютуқларига нисбатан кўпроқ фойда келтирар».

Бир сўз билан айтганда, империя таркибидаги бошқа халқлар олдида рус тарихи, рус маданиятининг устунлигини кўрсатиш, шуни тан олдириш. Бунга ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади. Зеро, «буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади».

Давлатчилик тарихи масаласида ҳам ёндашув шундай бўлган. «Қадимги Рус давлати» IX асрда шаклланганидан келиб чиқилиб, империянинг бошқа бирон-бир халқи (арманлар ва грузинлардан ташқари) давлат-чилик тарихи мазкур кўрсаткичдан (IX аср) қадимроқ бўлмаслиги керак эди. Бу каби муносабатни империя халқларининг этник тарихи ва этногенези масаласида ҳам кўриш мумкин. Яъни ўзбеклар, озарбойжонлар, украинлар, туркманлар ва бошқа халқларнинг тарихий шаклланиши рус

халқи шаклланган асрлардан (IX—XII) эртароқ асрларга бориб тақалиши мумкин эмасди.

Учинчи сабаб эса, Россия империясини коммунистлар бошқарган даврлардаги ҳукмрон мафкура моҳияти орқали белгиланади. Давлат, давлатчиликка муносабат коммунистик мафкура «дохийлари» қарашлари асосида қуриб келинган. Масалан, «давлат умуман ва асосан ишлаб чиқаришда ҳоким бўлган синфнинг иқтисодий эҳтиёжини концентрациялашган шаклда ифода этишдир» (Энгельс). «Давлат бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиши учун хизмат қиладиган машинадир» (Ленин).

Кўриб турганимиздек, давлат тушунчасига син-фийлик нуқтаи назаридан ёндашилган. Тарихга муносабат ҳам шу кабидир: «тарих синфий курашнинг бир қатор лавҳаларидан иборатдир». Бу ерда ҳам синфийлик. Давлатчилик тараққиёти босқичларига ҳам баҳо беришда синфийликдан келиб чиқилган, яъни «қулдорлик» давлати, «феодал» давлат, «капиталистик» давлат, «социалистик» давлат. Коммунизмга бориб эса давлат деган тушунча гўё йўқолиб кетади. Хуллас, бундай қарашларда ҳамма нарса бор, аммо энг асосийси, давлатчиликнинг манбаи халқ эканлиги тушунчаси йўқ. Натижада ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги VII асрдаёқ қарор топган бўлса-да, аммо марксизм-ленинизм таълимоти бўйича юртимиздаги ижтимоий-сиёсий тузум милодий VI асрга қадар қулдорлик, 1924 йилга қадар феодал, 1991 йилгача эса социалистик мазмунга эга бўлиб келганлиги совет тарихшунослиги-да доимо уқтириб борилган.

«Социалистик давлат синфий давлат бўлиб, ишчи-лар синфи раҳбарлигидаги ишчидеҳқонлар давлатидир». Демак, у бирон халққа тегишли эмас, балки миллати ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, ишчи, деҳқонларнинг, хуллас, синфларнинг манфаатини ўзи-да акс эттирган. Миллат деган моҳият умуман йўқолиб кетган, аниқроғи, шу йўл билан йўққа чиқарилган. Аммо пировардида коммунистик таълимотнинг ўзи чилпарчин бўлиб, унинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатлардан асоссиз эканлигини тарих

исботлади. «Ка-питалистик» давлатлар яшамоқда, бироқ СССР типигаги «давлатлар» йўқ бўлиб кетди.

Совет тарихшунослиги мактаби тадқиқотчилари минтақамизда умуман давлатчилик анъаналари бўлган-лигини ҳеч қачон инкор қилмаганлар, қилолмасдилар ҳам. Аммо жараёни бирон миллат ва жамият билан узвий боғлиқликда эмас, формациялар ва синфийлик нуқтаи назаридан баҳолаганлар. «Социалистик» давлатни кўкка кўтариш ниятида унғача бўлган давлатчилик жараёнидаги барча босқичларни салбий деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам масала моҳиятидан ва мавзуга ўзгача ёндашишлар ҳам борлигидан беҳабар киши кўз ўнгида бирданига бир қатор давлатлар на-моён бўлиши турган гап эди: Буюк Хоразм давлати, Бактрия давлати, Кушонлар подшоҳлиги, Эфталлийлар давлати, Амир Темур давлати, Темурийлар давлати, Абдуллахон давлати, Бухоро амирлиги ва ҳоказо. Уларнинг баёни, шарҳида ҳукмдорлар, сиёсатчилар, лаш-карбошилар, олимлар, шоирлар ва бошқалар бор, аммо ўзбек жамияти, ўзбек халқи, ўзбек давлатчилиги йўқ. Яъни барча-барчасига манба бўладиган моҳият йўқ, йўққа чиқарилган. 1924 йили «ЎзССР» барпо этилиши муносабати билан қабул қилинган мурожаатно-мадаги «ўзбек халқи улут Октябрь инқилоби ғалабаси натижасида илк бор ўзининг миллий ўзбек давлатчилигини кўриш имконига эга бўлди. ...Аммо янги республика улуғ Совет Иттифоқининг қўшни халқлари билан тинч меҳнатда ва қардошларча ҳамкорликда яшаши керак ва яшайди ҳам» фикри, аниқроғи, кўрсатмаси ўзбек заминида кечган давлатчилик тарихини ўрганиб, оммалаштиришга совет тарихчилари учун асос бўлган. Яъни 1924 йилга қадар ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлмаган, унғача мавжуд давлатчилик жараёни кушонларга, хоразмшоҳларга, Амир Темурга (ва ҳоказо) тегишли, зинҳор-базинҳор ўзбекка эмас. Фақат Октябрь туфайлигина ўзбеклар ўз давлатига эга бўлди, энди эса улар совет иттифоқи, яъни Россия билан бирга, ундан ажралмасдан яшашлари керак ва шарт, деган фикр тарих китоблари орқали омма онига қуйилиши керак эди. Кўряпсизми, бу ерда империяпарастлик, шовинизм, коммунистик мафкура

талаблари усталик билан «уйғунлаштирилган». Аслида эса, Россиянинг худди шу босқинчилик сиёсати туфайли ўзбек давлатчилиги тараққиётига болта урилган эди.

Мустақиллик шарофати билан биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни ҳеч бир мафкуравий ақидасиз ўрга-ниш ва ёритиш имконига эга бўлдик. Чунки «тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш, мил-лий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий иф-тихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди». Хусусан, давлатчилигимиз тарихи маса-ласида ҳам. Шу ўринда ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тараққиётида 1991 йилнинг алоҳида тарихий ўрни борлигини уқтириб ўтиш лозим. Яъни айнан ушбу санадан бошлаб давлатимиз миллатимиз номи би-лан атала бошлади.

Назорат саволлари:

1. Давлат ҳокимияти тушунчасининг тарихий асослари нималардан иборат?
2. Давлат ҳокимиятининг легитимлиги деганда нимани тушунасиш? Буларга мисоллар келтиринг.
3. Марказий Осиё давлатчилиги тарихининг легитимлик шакллари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Бугунги ўзбек давлатчилигида легитимлик асосини нима ташкил қилади?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Марказий Осиёда ҳокимият легитимлиги шакллари ва мазмуни тўғрисида ёзма иш тайёрланг ва тақдимот қилинг.
2. Бугунги ўзбек давлатчилигининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослари ҳақида давра суҳбатига тайёрланинг.
3. Марказий Осиё мустақил давлатларининг конституциялари қиёсий таҳлилини қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.
3. Марказий Осиё мустақил давлатларининг конституциялари.
4. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. –Археология. 19-том. 1954.
5. Тостов С.П. Древний Хорезм. М., 1948.
6. Ягодин В.Н. История государственности в Хорезмском оазисе. Материал из архива Хорезмской Академии Маъмуна. – 2006.
7. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о древнейшей истории народов Средней Азии. Т., 2006.
8. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Т. «Фан», 1973.
9. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура юга Узбекистана. Т., «Фан», 1977.
10. Масон В.М. Первые цивилизации. М., 1987.
11. Сарияниди В.И. Древнеземледельцы Афганистана. М., 1977.

**30-Мавзу. Тарих битишнинг классик ва анъанавий усуллари
(умумий тарих ва хос тарих)**

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарсинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

31-Мавзу. Манбаларда ономастиканинг тарихий таҳлил учун аҳамияти

Режа:

1.

Таянч сўз ва иборалар:

Ономастика, тарихий исмлар таснифи, тарихий ва филологик талқин уйғунлиги, исмлар ва маданий қарашлар, исмлар ва маънавият.

Дарсинг асосий мақсади: мавзу бўйича магистрантларга “Ёрдамчи тарих” фанлари курсида ўтилган тарихий топонимия масалаларига таянган ҳолда умуман ономастиканинг тарих фани ва бу соҳадаги таълим учун аҳамиятини атрофлича тушунтириш, бу соҳага тегишли маълумотлардан назарий ва амалий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Асосий қисм:

Инсон пайдо бўлибдики, унинг ҳаёти муайян макон билан боғлиқ бўлиб келган. Макон тушунчаси кенг маънода талқин этилса, инсон ҳаёти ва фаолияти макродунёнинг турли нуқталари билан узвийликда кечади. Одамзод ўзи яшаётган, қадами етган ерларга ном қўйиши табиий ҳол, чунки у ёки бу воқеани одам ўша воқеа-ҳодиса содир бўлган ерга боғлайди. Қадимги юнонлар бу соҳага умумий ном қўйишган ва фанда топонимика атамаси пайдо бўлган. “Топос” – ўрин, жой; “ономос” – исм, от демакдир. “Онима” варианты – номланиш деб таржима қилиниши мумкин.

Жой номлари бир томондан география учун объект бўлса, иккинчи томондан уларнинг тузилиши материали лексик бирликлар, яъни бир тилнинг айрим олинган сўзи, қўшма сўзи кабилардан иборат бўлгани учун филологияга, хусусан тилшуносликка алоқадор. Тилшунос олим топоним усулларни таркибий тузилиши ясалиш усуллари тил қонуниятлари асосида ўрганади. Географ эса, жой номлари асосида у ёки бу объектнинг топографик ўрнини карталаштириш, масафаларни аниқлаш каби, ҳудудларни белгилаш,

дунё томонларига (шимол, жануб, ғарб, шарқ) муносабатини аниқлаш каби мақсадларини амалга оширади.

Топонимиканинг фан тармоғи сифатидаги асосий вазифаси географик номларни ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шаклланиш ва ривожланиш (ўзгариш) босқичларини текшириш, илк маъноларини, кейинги даврларда уларнинг маъноларида рўй берган силжишлар, топонимларни шакллантирган грамматик омилларни ўрганишдир. Буларнинг барчаси бир қарашда тилшуносликка бевосита алоқадор. Лекин айтиш шунинг учун масалалар топонимларнинг тарихий таҳлилига ҳам хизмат қила олади.

Ҳақиқат шундаки, топонимларнинг аксарияти узок тарихий ўтмиш билан боғлиқ. Уларнинг пайдо бўлишини билиш муайян тарихий шарт-шароитларнинг маъносини очишга хизмат қилади. Топонимларга бу йўсинда ёндошиш тарих фанининг ёрдамчи соҳаси “Тарихий топонимика” учун илмий услубий замин яратди. Демак, тарихий топонимика ёрдамида тарихий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориш имконияти янада кенгайди.

Топонимика масалалари одамларни қадимдан ўзига жалб этган. Зеро жой номлари тасаввур этиш қийин мавҳум, муаллақлик бўлиб туюлган. Шунинг сабабли инсоният ўзи яратган ҳаёлий мифологик ижоди воқеаларни ҳам албатта жой номлари билан, хатто, ўйлаб топилган ҳаёлий номлар билан боғлаб келган. Масалан, “Чамбл бел” Гурўғли дostonлар туркумининг пойтахт шаҳри, Рамаёнада Хастинапур мифологик шаҳар номи, Гомернинг Иллиада ва Одиссея дostonларидаги талай мифологик манзиллар шулар жумласидандир.

Худди шу каби, жуда қадимий жой номлари бўлиб, уларнинг асл тарихи унутилгач, тарихийликдан мифологик қатламга сурилган номлар ҳам учрайди. Буларнинг бари топонимик материал тарихий талқинга муҳтож манба эканини кўрсатади.

Географик номларни яхлит маънода ифодаловчи атама топонимия, топонимия соҳаси эса, топономист дейилади. Маълум ҳудудга тегишли

топонимлани бирлаштирувчи бошқа атама ҳам бор. Бу географик номенклатурадур. Номенклатура “жой номлари тавсифи” ёки “... рўйхати” деб таржима қилиниши мумкин. Номенклатура сўзи бошқа фанлар учун ҳам қўлланади. Масалан, “техник номенклатура”, “биологик номенклатура” ва бошқалар. Бу ўринда шу фанларга тегишли атамалар мажмуи кўзда тутилади.

Географик маънода топонимлар жойни ер юзасидаги муайян нуқтага одамлар тасаввури учун боғлашга хизмат қилади. Топонимия шунчаки жой номини аташ эмас. Зеро, топонимлар уларни юзага келтирган тушунчалар билан боғлиқ ҳолда ономастика (номшунослик)нинг бошқа соҳалари билан ҳам узвий алоқадордир. Булар антропонимлар, зоонимлар, гидронимлар, дендронимлар, оронимлар ва ҳаказо. Кўпинча топонимлар атоқли от тоифасига киргунига қадар турдош отлар сафида бўлади. Улар бирор жой номи сифатида қарор топгач топонимга – атоқли отга айланади.

Географик номлар улар қайси объектга нисбатан қўллангани аниқ бўлмагунча жойга нисбатан аниқ тасаввур бермайди. Масалан Кеш топоними Ўзбекистон, Қашқадарё, борингки, Шаҳрисабз воҳаси кабилар билан боғлиқ изоҳланмаса, бу атама мансуб тарихни билмаган одам учун ҳеч қандай маъно бермайди.

Қўштепа томоними умуман объект сифатида бир қанча ерда мавжуд. Буни Дарғом бўйидаги, Ургут туманига қарашли ерда жойлашган археологик объект деб тушунилса аниқ тарихийлик касб этади ва аниқ жой тасаввурига хизмат қилади. Худди шунингдек Кичик Осиёда Кошо-Депе ҳам ўз макони билан боғлиқ изоҳланмаса тушуниш қийин.

Топонимларнинг тарихий талқини мураккаб илмий изланишларни талаб этади. Чунки топонимлар у ёки бу объектга нисбатан турли даврларда берилиши мумкин. Баъзан шундай ҳам бўладики, маълум бир макондан аҳоли миграция қилиб бошқа манзилга қўнади. Унинг асл жойини бошқа халқ ёки этник ўзгалар эгаллайди. Баъзан эски номларни сақлаб, уларнинг талаффузини ўзгартирадилар ёки ўз тилларига калька усули билан ағдариб оладилар. Худди шу каби ходиса Зарафшон дарёсига нисбатан бир неча бор

рўй бергани маълум. Юнонлар уни Политимет деганлар. Араб муаллифлари Нахри Суғд, Нахри Бухоро ва бошқа номлар билан аташган, ниҳоят ўрта асрларда дарёга нисбатан Зарафшон атамаси қарор топган. “Политимет” юнонча “кўп шарафли” деган маънони билдирган. Агар юнонлар бу дарёнинг номини маҳаллий атамага кўра Калька қилган бўлсалар, у ҳолда қадимги суғдлар ўз дарёларини Намич деб атаган бўлсалар керак. Бу фикрни Санкт Петербурглик олим В. А. Лившиц ўртага қўйган эди. Бизнингча бунда бир маъно бор. Чиндан ҳам қадимги суғд тилида “намў” – улуғвор, номдор, шарафли деган маъноларга эга.

Тарихий топонимларнинг пайдо бўлиш, унутилиш, янгиланиш шарт-шароитлари бутун бир тарихий жараёнлар билан, маънавий диний дунёқараш тизимлари билан, ҳўжалик юритиш, турли хил социал бухронлар, харбий воқеалар табиий ходиса ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Масалан, “Худа урган” топоними Тошкентнинг шимолида Хасанбой қишлоғига кираверишдаги кўприкнинг номи бўлган. Бу кўприк атрофлари овлоқ ерлар бўлиб у ерда бир гуруҳ қароқчилар йўл тўсарлик қилишган эканулар йўловчи пайдо бўлиб кўприкка яқинлашганда йўлга қўндаланг қилиб хода ташлашар экан. Йўловчи учун бу “борингни бериб ўтавер” деган маъно берар экан. Хасанбой халқи бу ҳимояни унутган эмас. Холбуки ўша кўприк аллақачон йўқ бўлиб кетган. Чунки ҳасанбой ариғининг ўзани бошқа ерга сурилиб янги канал орқали олиб ўтилган. Ёки, бошқа бир мисол: катта бойларнинг ерлари эгалари номи билан аталган пайтлар бўлган. Мазкур Хасанбой қишлоғида катта экин майдонларидан бири “Рихсибойнинг ери” деб аталар эди. Бошқа бир экин ва боғ майдонлар Ёвшуббойнинг ери дейилар эди. Бу бойлар аллақачон ўтиб кетган бўлишига қарамай, ерларни катта ва кекса ёшдаги аҳоли шу номлар билан эслашади.

Энди Хасанбой қишлоғи дейилишига саба ҳақида. Хасанбой аҳолиси асосан Тошкент шаҳрида “шаҳар ҳовлилари” бўлган, ёзда “дала ҳавои”га чиқиб, экин текин, боғ-роғ қилиб тирикчилик қилган. Қишлоқ XVIII аср охири – XIX аср бошларида Себзор даҳасининг аҳолиси етакчилик қилган,

уларни “дала”га олиб чиқиб ер сув тақсимлаб берган оқсоқол Ҳасанбой ота номи билан боғлиқ. Шу тадбир Ҳасанбой ота Тошкент аҳолисини иқтисодий тангликдан қутқариб қолган. Чунки, ўша даврда Тошкент Қўқон хонлари (Олимхон) тасарруфига тушиб қолган ва зулм кучайган эди.

Топонимларни социо-лингвистик таҳлил этиш беихтиёр уларнинг тарихий асослари томон етаклайди. Масалан, этнотопонимлар, антропо-топонимлар, ижтимоий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ жой номлари булар ҳаммаси жамият ҳолатлари туфайли социал ҳаёт инъикоси сифатида юзага келади. Шу сабабли топонимларни тарихийликнинг бир чизиғида – синхрон кесмада ҳамда жой номлари тараққиётининг бошланишидан дп\авомийлиги асосида диохроник усуллар билан ўрганилади. Булардан иккинчиси, яъни диахроник ёндашув тарихий жараён нуқтаи назаридан қизиқроқ ва самаралироқ бўлади.

Марказий осий топонимик номенклатурасининг диахроник манзарасини кузатадиган бўлсак, сўнги уч минг йил давомида бу минтақада шу сқадар кўп топонимик қатламлар пайдо бўлганки, уларни ўз қатламлари доирасида аниқ чегаралаб текшириш амри маҳол. Чунки топонимик қатламлар айрим ҳолларда янги тарихий шароитда пайдо бўлган топономенклатура орасига кириб яшовчи номларга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Нахшаб – ислом даврида араблар томонидан насаф деб юритилди.

Чоч топоними Х асрдан бошлаб Тошкент шаҳрида қўллана бошлаган. Хитойча Ши-кан – “тош шаҳар” деб аталгани ҳам бежиз эмас. Лекин Чоч атамаси кейинги асрларда ҳам сақланиб қолаверди. Бобур Чоч камонлари ҳақида ёзиб “Камони Чочий” иборасини қўллагани яхши мисол бўла олади.

Баъзан тарихий топонимлар маълум жой аҳолисига тушунарсиз бўлса-да, яшовчанлигини йўқотмайди. Масалан, Тошкентнинг Хадра майдони. Синчков ва тил таркибидан ҳабардор одам хадра “хадди роҳ” йўл чети деб изоҳланмаса, оддий тошкентлик учун бу атама анъанавий мавжуд ва ёдаки айтилади холос. Бундан ташқари, араб тилида “ахдарун” ва “хадраун” сўзлари “яшил” маъносини англатишини ҳисобга олсак, Хадра майдонини

“яшил майдон” деб ҳам таржима қилиш мумкин. Новза атамаси Тошкентнинг ғарбий мавзеларидан бирининг номи. Бу сўз тузулишига кўра жуда қадимий. Суғд тилида нов “янги”, за эса “ер, жой” демакдир. Демак қочонлардир қадимиятда ва илк ўрта асрларда Чоч орқали савдо ишлари олиб борган суғдлар шу мавзеда қўним топишган, балки яшаб қолиб, маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган дейишга асос бор. Топонимнинг тарихий динамикаси 1,5 минг йилдан ортиқ вақтни кўрсатмоқда.

Топонимия даврий қатламларига кўра тарихий ва ҳозирги замонда амалда бўлган қатламларга бўлинади. Тарихий топонимларнинг унутилган қатлами ва узоқ даврлардан буён давомий амал қилиб, ҳозиргача етиб келган қатламлари ҳам ҳисобга олинмоғи лозим.

Топонимик номенклатура бирликлари ва уларни шакллантирувчи унсурлари ва келиб чиқиш даври ҳар хил, тил манбалари ҳам турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон топонимик номенклатурасида қадимги туркий, қадимги эроний элементлар кенг тарқалган. Шу билан бирга турли сиёсий-ижтимоий, этнологик, маданий маънавий омиллар туфайли пайдо бўлган топонимлар ҳам катта сонни ташкил этади. Сиёсийлашган қатламда юз берган “портлаш” совет даври топонимлари мисолида яққол намоён бўлди: Қизил тўқимачи, Байналминал, Первомайская, Большевик кўчаси, Советская кўчаси, ленин колхози, Орджоникидзе райони ва ҳоказо.

Топонимия амалий моҳиятига кўра ижтимоий тарихий ҳодисадир. Шунга кўра, топонимияни тарихий материал сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бошқа жиҳатдан топонимия сўз бирликлари билан иш кўргани сабабли тилшунослик учун ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Топонимия шунчаки лексик бирликлар йиғиндиси эмас, балки экстралингвистик омиллар йиғиндиси ҳамдир. Топонимияда ижтимоий ҳаёт, маданий жараёнлар, турли хил сиёсий вазиятлар, бир сўз билан айтганда ижтимоий коллектив ҳаётининг барча соҳалари акс этиши мумкин. Масаланинг бу томони топонимларда этник жараёнлар, иқтисодий муносабатлар, маълум ижтимоий

этномаданий алоқалар, тиллар таъсирдошлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлар мужассамлашади.

Топонимия социолингвистик нуктаи назардан ҳалигача етарли ўрганилмаган. Тарихий жиҳатдан ҳам топонимиянинг махсус ва ялпи ўрганилган деб айта олмаймиз. Зеро, топонимия тарихий жиҳатдан шундай мураккаб тадқиқот майдоники, унинг аввало лингвистик (лексик, семантик, фонологик, морфологик) асослари тўлиқ тасаввур қилинган эмас. Хатто айтиш мумкинки, Марказий Осиё тарихий топонимиясининг лексик фондини тартибга солинган рўйхати, каталоги, изоҳли тўлиқ луғати яратилмаган. Аҳволнинг бу қадар мураккаблиги тарихий топонимия тадқиқотининг асосий муаммоларини “Ёрдамчи тарих” фанлари таркибида бир бора қайд этиб ўтишни долзарб масалага айлантирди.

Тарихий топонимияни тадрижий (диахроник) ривожланиб боровчи ходиса деб баҳолаш билан баробар, уларнинг тарихий фани учун қўшимча маълумотлар берувчи манба экани алоҳида ҳисобга олиниши лозим.

Топонимия жой номлари билиш билан бирга умумий номшуносликнинг барча тармоқлари билан узвий алоқада бўлиши мумкин. Яъни, киши исмлари – антропонимлар жой номлари вазифасида амал қилиши мумкин. Гидронимик топонимлар ҳам учрайди. Зоонимик топонимлар, оронимик топонимлар, годоним (йўл номлар – юнонча *hodos* “йўл”), агроримлар (майдонлар) ва ҳоказо топонимик гуруҳлар уларнинг мазмун таснифидан келиб чиқади. Шу билан бир қаторда топонимия ўзи атаган манзилнинг катта ёки кичиклигига қараб макротопонимлар ва микротопонимларга бўлинади.

Топонимиянинг география, тилшунослик ва тарихнинг синтези деб қаровчилар ҳам бор. Бундай қараш топонимияни тадқиқ қилишда методологик ва тетодик ёндошувни белгилашга ёрдам беради. Яъни топонимика таркибида юқорида саналган йўналишларнинг барчаси учун умумий бўлган атамалак хусусияти билан бирга атрофдаги объектларга нисбатан атама яшашнинг ўзига хос хусусиятлари бирлашади.

Топонимик материал ўз ички мазмунига кўра бир қанча йўналишларга бўлинади: оронимика, гидронимика, дендронимика ва ҳ.к. Бу мажмуалар умумтопонимик хусусиятга эга бўлгани сабабли улар ҳақида алоҳида тўхталмаймиз.

Ономастиканинг антропонимика йўналиши ҳам тарихий манба сифатида катта аҳамиятга эга. Зеро, тарихий жараёнда киши исми мазмун моҳиятининг маънавий дунёқараш тизими билан алоқадорлиги айниқса эътиборга лойиқ. Масалан, ўлкамизда қадимий диний қарашлар заминидан вужудга келган исмлар тизими ўша диний муҳит тарихан алмашгани муносабати билан тубдан ўзгаргани, янги дин тасаввурлари билан мувофиқлашгани кузатилади. Айниқса, зардуштийлик даври исмлари ислом даврида исломий исмлар билан алмашгани яққол мисолдир. Бироқ, ислом дини шароитида ҳам қадимий анъанавий исмлар қисман сақлангани ҳам маълум. Масалан, Жамшид, Рустам, Хусрав ва бошқалар. Гап шундаки, тарих учун умуман ономастика, хусусан, антропонимика материалларидан унумли фойдаланиш муайян жараёни ҳар тарафлама тушунтиришга имкон беради.

Назорат учун саволлар:

7. Ономастика илмий соҳасининг мазмуни ва моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
8. Ономастика материалларининг тарихий аҳамияти нимада?
9. Ономастиканинг таснифий йўналишлари ҳақида нималарни биласиз?
10. Тарих тадқиқотлари учун ономастика материалларининг аҳамияти нимада?
11. Ономастиканинг тарихий шароит тақозоси билан ўзгариши қандай шарт-шароитларга боғлиқ?
12. Ономастиканинг даврдан-даврга ўтувчанлиги нималар билан изоҳланади?

Мустақил иш топшириқлари:

4. А.Суперанскаянинг “Теория ономастики” китобини рефератив ўрганиш;
5. С.Қораевнинг “Ўзбекистон топонимияси” китобини рефератив ўрганиш;
6. М.Мурзаевнинг “Введение в топонимику” китобини таҳлил қилиш;

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

32-Мавзу. Тарихий метрологиянинг илмий ва амалий аҳамияти, ўрганиш муаммолари

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарсинг мақсади:

Асосий қисм:

Марказий Осиё халқлари метрологияси

Дарсинг мақсади: Марказий халқлари метрологик тизими, метрологик атамаларнинг истифода куламини ҳамда хронологик чегарасини аниклаш, Марказий Осиёда ўрта асрларда амалда бўлган ўлчов бирликлари манбалар асосида таҳлил этишдан иборат.

Таянч суз ва иборалар : метрология, антропометрия, асприйс, аспирин

Режа

1. Тарихий метрология предмета
2. Марказий Осиё халқларининг дастлабки метрологик тасаввурлари

Метрология - (кад.юнон тилида *nietron* (ўлчов, меъёр), *logos*(\$a.H)) ўлчов ҳақидаги фан бўлиб, тарих фанининг муҳим соҳаларидан саналади. Метрология ўлчовнинг барча назарий ва амалий жиҳатларини ўзида мужассам этади. Инсоният табиат, жамият ва коинот ҳақида билим ва тажриба туплаши орқали унинг атроф муҳитига мослашуви ва яшаш тарзи осонлаша борган. Инсоният маънавий юксалишдаги энг буюк нукталаридан бири - уни табиат ва одомзод ҳаётдаги узаро уйғунлик ва мутаносибликнинг мавжудлигини идрок этиш, табиат инсон ва дунёнинг тартибли яратилиши ҳақидаги тушунча бўлди.

Тасаввур тушунчани етаклаган, тушунчани эса тасаввурга етакчи бўлган деб қарашимиз мумкин. Ўшундан микдор, ўлчов, тасаввур қабиларга бўлган эҳтиёж инсоният томонидан метрологик тизимга асос солишга сабаб бўлади. Тун кетидан куннинг келиши, дорёларнинг юқоридан пастга оқиши, иссиқ билан совуқнинг фарқи қабиларни идрок этиш қанчалик зарур бўлса, қундалиқ турмушда фойдаланадиган ашёлар, истеъмол маҳсулотларнинг микдор, ўлчов бирликларини аниклаш шунчалик муҳим бўлган.

Инсоният тарихи - бу инсон тафаккури ва тасаввурнинг кенгайиши ва чуқурлашиши тарихидир. Метрология тарихнинг етакчи атрибути. Жамият ривожланиши билан бу соҳа ҳам мураккаблаша боради. Бу соҳа узига ҳос қонуниятлар асосида таракқиди этиб, фанда муҳим ҷиҳат эгаллади.

Метрологик тизим узининг бошланғич даврида жуда примитив қурилишга эга бўлган. Бора бора давр таракқиди, инсоният ривожининг ортиши натижасида содда микродий тасаввурлар урнини санок системасидаги бўғун ва қолдиқли сонларни у^{зи}Д^а мужассамлаштирилган махсус атамалар эгаллай бошлади. Иқтисодиётда, аниқроғи товар-пул муносабатларида, ташқи савдо алоқаларида бу соҳанинг такомиллашуви зарур аҳамият касб этган.

Ибтидоий даврда одамлар дунёни чуқур билишдан аввал уни "қурилиш", "идрок этиш" афзал билганлар. Тарихимизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларига тегишли бўлган, манбалардан келтирилган маълумотларни урганиш, таҳлил этишда метрология фани улкан аҳамиятга эга.

Б. Марказий Осиё халқларининг дастлабки метрологик тасаввурлари.

Марказий Осиё халқларининг дастлабки метрологик тасаввурларига оид баъзи муҳим маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авестода" келтирилган.

Маълумки, зардуштийлик - дунёвий динлар орасида энг қадимгиси бўлиб, инсоният таракқидига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир қўйган. Бу манбада примитив тасаввурлар билан бир қаторда улғов бирликлари ҳам келтирилган. Митра қасидаси (10 миг, Меҳр миг), иккинчи бўлим еттинчи бандда қуйидагилар келтирилади:

Биз Митра га топинамиз,

Яйловлари ҳад - ҳудудсиздир.

Ҳақиқатдир унинг қўллари,

Минг қўлқили, адл қўлати,

Минг минг нигоҳ, соҳибидир у,

Қўдратлидир буй басти уқтам,

Ушусиздир ҳ, аловатсиздир,

Қўлқилларонинг парвардигори. '

Бу келтирилган шеърий матнда муболагали маълумот акс этган булса, уларнинг метрологик тасаввурларга эга булганлигига амин буламиз. Мажозий, мифологик талкинларида ҳам метрологик маълумот учрайди.

Манбада "Васий" номли асотирий баливда куйидагича таъсиф берилади: "Васий Фарог Карт дарёсида яшар эмиш". "Эллик садварлик" сифати (эллик эшикли) билан Кулланилган. Бирок бу сифатдан нима кузланган номаълум. Айрим тадқиқотчилар Васий балигининг элликта каноти бор деганлар. "Бундахшин" да (12 булим, 5-7 бандларда) келтирилишча: "Эллик сатваронли Васий Фарог Карт дарёсининг уртасида яшайди. Унинг узунлиги шу кадарки, бир одам бомдоддан намоз-шомга кадар югурса-да, уни босиб утолмайди".²

Манбада илохий тимсоллар тавсифида метрологик маълумот учрайди.

"Шундан сунг замон олов ва сувни яратди. Улар бир бирига кугнилгач, Хурмузд пайдо булди. Замон яратувчи ва яратилишга киришган Худованд булди. Хурмузд ёруғ, пок, хушбуй, эзгу амалли ва барча яхшиликларга кодир эди. Урмузд куйи "96 минг фарсанг" узунликка бокди.³ "Фарсанг"⁷ ёки фарсах урта асрларда Урта Осиёда кенг истифодада булган улчов атамаси. Манбаларда метрологик тизимида йил, кун, ой кабиларга киёсланган масофа улчов бирликлари ҳам келтирилади. Чегарасиз, поёнсиз Зарондан туккиз минг йиллик худуд - чегарага эга булган Зарвон яралди."

Манбада аник улчов бирликлари ҳам мавжуд. Асприйс -асосан, йул узунлиги улчови булиб, отчопар майдонининг узунлиги андозасида улчанади⁴. К^адимги шарқда йул узунлиги улчовлари отчопар майдонларининг хажмига нисбатан олинган. Маълум буладики, асприйс улчовининг муайян бир андозаси бор. Чунончи, "Вандидод" китобининг²-фаргард, 25-бандида Ахура Мазда Жамга фармон беради: "Одамлар ва жониворлар учун хар бирининг туртга томони Хам асприйс узунлигида булган вар кур"⁵-

"Вандидод" нинг пахлавийча шархда варларнинг узунлиги икки хосар, яъни икки фарсанг дейилади. Шу уринда "Вар" - ер ости манзили булиб, Ахура Мазданинг курсатмаси билан Жам одамлари ва хайвонлар учун бино Килган ер ости манзили. Шундан хулоса килиш мумкинки, асприйс икки фарсанг узунлигидаги ер. Эхтимол икки фарсанг кенгликда. Аммо хосар улчови бирлиги учун муайян бир андаза йук;.

Манбада нумизматикага оид маълумот ҳам мавжуд.

Аспирина - бир дирхам.

"Тук очга нисбатан бир аспирини, бир куй, бир одамчалик афзалликка эга..⁶

Манбада узунлик $y^{лчов}$ бирликларини англатувчи атамалар мавжуд.

Вятасатий - $y^н$ икки бармок хажмидаги узунлик улчови.

Фрарасний - ун турт бармок хажмидаги узунлик улчови.

Фрабозу - билак хажмидаги узунлик улчови.

Вайбозу - микдори тугал маълум булмаган узунлик улчови. Баъзилар бир газ десалар, баъзилар унодим дейишади.⁷

Яна бир улчов бирлиги: "Жамийки яхшилар ва ёмонлар чийнавандпун купригидан утадилар. Бу куприк яшавандлар (солих бандалар) учун туккиз найза баробарида кенгайса, гунохлари учун тиг учидек уткир ва ингичка булиб колади".

Камончи Оршнинг Руйон тогадан Шаркка-Фаргонага тамон отилган уки олти минг фарсанг масофага тенг булган.

"Касамнома" китобида ёзилишича мубадлар мубади Под Мехросипанд Озар "Авесто" китоби, маздапарастлар динининг ҳақдигини исботлаш мақсадида қўлсига эритилган қўшқин куйшларига ижозат беради. Под Мехросипанд Озарнинг қўлига туккиз "ман" каинаган кургошинни куядилар. Бу синовининг номи "вари найранг" ("Ривоят" китоби Бомбай 1922 йил)⁸ "Ман" урта асрларда Шрота Осиёда кенг фойдаланилган. Мисқол асосида қўл этилган булиб, унинг бир неча турлари манбаларда сакланиб қолган. "Ёндирилган олов" синови варвардан булиб, "Шохнома" достонида пок Сиевушнинг икки хирмон олов уртасидан бешикаст утиб кетиши айнан ана шу маросимдан гувоҳлик беради. Хирмон канчалик ҳудудни эгалаганлиги бизга номаълум.

"Зардушт илоҳ,а Чиста ни олқишлайди ва ундан Рангх,а дарёси тубларидаги соч толасидек нозик мавжларни ҳам "минг одам бўйи" баландликдан олғувчи Кара балиги қўлидаги қудратни сурайди. (Дин яшт. 7- банд)."⁹

Ибтидоий содда метрологик тизимда одам бўйидан ҳам улчов бирлиги сифатида фойдаланишган. Қадам, қулоқ, қарич, бўғин, бармоқ каби антропометрик бирликлар ҳам шулар қаторига киради. Бундай ўлчовларнинг микдорий чегараси ўртача бўйлик одам мисолидан олинади. Шулар қаторига оёқ изи ҳам киради. Қучоқ, қўлтиқ, кафт, ҳовуч, чимдим каби амалда қўлланиладиган бирликлар йиғиб, тўплаб тутиладиган, ажратиб олинadиган маҳсулотларга нисбатан ишлатилган.

Ижтимоий, иқтисодий муносабатлар ривожлангани сари ўлчов бирликларининг вазнга, майдонга, масофага, ҳажмга нисбатан ишлатиладиган турлари маълум шартли ҳамда доимий бирликларга айланиб борган. Жумладан, мисқол, дирхам (драхма), ман,

ботмон, пуд каби ўлчовлар вазн ва ҳажм мутаносиблиги асосига қурилган. Вазн ўлчовлари узоқ ўтмишда бир ҳайвон ёки одам кўтарими миқдоридаги юкнинг доимий даражаси 64 кгнинг кетма-кет майдалашиб боровчи бўлинмалари асосида 4 граммгача етиб келган кетма-кетликка эга. Энг йирик бошланғич вазн $64 \text{ кг} : 2 = 32$; $32 : 2 = 16$; $16 : 2 = 8$ ва ҳ.к. ниҳоят 4 грамм (мисқол, драхма, дирҳам) шу бўлинманинг охириги энг кичик бирлигидир. Ундан кичик бирликлар (ярим, ним, чорак, нимчорак) жорий ҳисобга олинган.

Масофа учун чақирим ўлчови овоз етиш масофаси маъносида нисбий ўлчов бўлган. Кейинчалик шу ўлчовнинг олти қарра бирлиги доимий ўлчовлар қаторига кириб тош ёки фарсаҳ номини олган. Бу бирлик олти чақирим демакдир. Фарсаҳ сўзининг тарихий илдизи узоқ ўтмишга тақалади. Қадимий манбаларда бу сўз фарсанга деб аталган. Маъноси “ўрнатилган тош” демакдир. Давлатчилик муносабатлари ривожлангани сари салтанатларнинг турли вилоятлари билан марказни боғлаб турувчи йўللарга фарсанга белгилари қўйиш одати пайдо бўлди. Ўрта аср тарихий манбаларида “Йўллар ва манзиллар” деб номланувчи бир қатор асарлар яратилган. Булар арабча “Масолик вал-мамолик” деб аталиб, уларда турли йўллар ва манзиллар, улар орасидаги масофалар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Майдон ўлчовлари билан узунлик ўлчовлари ўртасида боғлиқлик ҳисобга олинган. Масалан, таноб сўзи узунлик ўлчови бўлиб шартли узунликка эга бўлган тизимча маъносини билдирган. Бу ўлчов турли вилоятларда турлича бўлган. Аҳоли зич жойлашган ерларда 26-30 метрни, аҳоли сийрак яйлов ерларда каттароқ ўлчов бўлган (30 дан 50 метргача). Шу узунликнинг майдондаги квадрати таноб ер майдони ҳисобланган.

Тарихий манбаларда ҳажм ва вазн ўлчовлари ўзаро боғлиқ бўлган ҳоллар учрайди. Масалан, суғдча капч ўлчов бирлиги ҳам ҳажм, ҳам ҳажмни билдирган ҳолда, 8-10 килограмгача дон, суюқлик каби маҳсулотлар учун ҳам идиш, ҳам вазн ўлчови бўлган.

Назорат саволлари:

1. Метрологик тадқиқотларнинг усуллари қандай тушунасиз.
2. Метрология нима? Унинг мақсади ва вазифалари.
3. Вазн ўлчов бирликларининг тарихий ривожланиш йўллари тушунтиринг.
4. Майдон ўлчов бирликлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Масофа бирликлари тарихини биласизми?

6. Қандай тарихий ҳажм ўлчовларини биласиз?
7. Метрологиянинг тарихий манбашуносликдаги ўрнини қандай баҳолайсиз.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Тарихий ўлчов бирликлари ҳақида ёзма иш тайёрланг (уй вазифаси).
2. метрология бўйича интернетдан материаллар излаш ва уларни мустақил изоҳлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вспомогательные исторические дисциплины. серия изданий москва
2. В.Л. Воронина. К вопросу о древней метрологии Средней Азии. КСИМК 1951. вып. 39. стр. 63-68.
3. Хинц, Е.А. Давидович. Мусульмаские меры и веса. Москва.
4. Н. Нарзуллаева. Манбаларда антропометрик узунлик ўлчов бирликлари. Шарқ машъали. – 2010, №2

33-Мавзу. Марказий Осиёда қадимий ёзувлар, уларнинг генезиси ва ривожланиш йўллари

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

34-Мавзу. Текстология. Иш усуллари ва манбашуносликдаги аҳамияти

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

35-Мавзу. Маданиятшунослик ва этник, миллий маданиятлар таҳлиliga қўйиладиган талаблар

Режа:

1. Маданиятшунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифаларининг назарий асосланиши
2. Маданиятшунослик фани доираси хос маданиятлар тарихининг ўрни.
3. “Маданият” тушунчасининг маданият тарихи доирасида қўлланиш майдонлари (моддий маданият, маънавий маданият, турмуш маданияти, одоб-хулқ маданияти ва бошқалар)
4. Шахс ва омма маданияти тушунчаларининг мувофиқлиги ва зиддияти
5. Этник маданият тушунчаси. Миллий маданият ва этник маданият муносабатлари.

Таянч иборалар: маданият, этнос ва этник маданият, миллий маданият, маданиятшунослик ва маданиятлар, маданият унсурлари, турмуш маданияти, моддий маданият, мерос, варваризм.

Дарснинг мақсади: Магистрантларга маданият ва маданиятшунослик тушунчалари, маданият тарихини ўрганишнинг методологик назарий асослари, этник маданият миллий маданият мажмуларининг ўзаро муносабатлари етказилади.

Асосий қисм:

Ҳар бир илм соҳасининг ўзига хос тушунчалари, тадқиқот объектлари ва усуллари мавжуд. Улар орқали биз илм соҳасининг мақсади, вазифалари ва ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини билиб оламиз. Маданиятшунослик фани учун энг аввало маданият атамасини англаб олиш муҳимдир.

Маданият сўзининг маъносини лотинча “culture” сўзидан излаш кенг тарқалган. Масалан, “Маданият ва жамият” китобининг муаллифлари “маданият (культура) сўзи тор маънода лотинча экиб ўстириш, ишлов бериш деган тушунчани англатади” деб таъриф беришади. Ҳақиқатан ҳам, рус

тилидаги адабиётлар ва ўқув қўлланмаларида маданият сўзи шундай талқин қилинади. Бироқ биз лотинча "культур" сўзининг эмас, балки "маданият" сўзининг этимологияси ва маъносини билишимиз керак.

Ўзбек тадқиқотчиларидан айримлари, маданият сўзи маъдан деган сўздан келиб чиққан, шунинг учун у маъдан, яъни кон, бойлик демакдир, деган фикрни билдиради. Бу фикрда маълум бир маъно бор, албатта. Аммо у маданият деган сўзнинг ўзаги эмас. Бизнинг фикримизча, маданият сўзининг этимоло-гиясини англашга Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраси ёрдам беради.

Бу ўринда биз А.Навоийнинг маданий, маданият сўзининг Макка (арабча-мадинат) билан боғлиқ эканига ишора қилаётганини пайқаймиз. Демак маданият сўзи араблар орқали кириб келган, унинг этимологик маъноси эса мусулмонлар сиғина-диган шаҳар — Мадина номидан келиб чиққан десак бўлади.

Шу ўринда биз маданиятнинг дин билан боғлиқлиги масаласига ҳам дуч келамиз. Маълумки, Мадина, тўлиқ арабча номи Мадинат Расулиллох, яъни пайғамбар шаҳри ҳисобланган. У Маккадан кейин мусулмонлар сиғинадиган энг катта зиёрат-гоҳ ҳисобланади. Тўғри, маданиятнинг ривожланишида исломгача бўлган илк диний тушунча ва тасаввурлар муҳим ўрин тутган. Аммо ислом маданиятнинг дин билан боғлиқлигини янада мустаҳкамлади. Маданият сўзининг Мадина билан боғ-ланиб ўлкамизга кириб келиши бунинг исботидир. Дарвоқе "культура" сўзининг "культ", яъни диний ибодат, сиғиниш еўзидан келиб чиққанини рус файласуфлари Н.Бердяев ва В.Розановлар ҳам қайд этади.

Сўзнинг этимологиясини аниқлаш ҳали ўрганаётган мавзу ёки фаннинг моҳиятини, мақсади ва вазифаларини билиш де-гани эмас. Тарихий ривожланиш жараёнлари ҳар бир сўзда ўз таъсирини қолдиради, ҳатто унинг илк маъносини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Ҳозирги пайтда маданият, маданий сўзлари қўлланилмайдиган соҳа, фаолият тури йўқ. Илм, фан, маорифнинг аҳволи-га қараб биз давр аданияти

хақида фикр юритамиз, кишининг сўзи, муомаласи, хулқи унинг ахлоқий маданиятини, яшаш тарзи - турмуш маданиятини, зарур китобни топиб ўқий олиши - ўқиш маданиятини, ўзининг бурч ва ҳуқуқларини билиши - ҳуқуқ маданиятини, ижтимоий ҳаётда қатнашиши -сиёсий маданиятини англади. Маданият ҳозир инсон фаолиятининг ва ижтимоий тараққиётнинг кўрсаткичига айланган. Буни барча тадқиқотчилар яқдиллик билан тан олади, бироқ маданиятга таъриф беришганда улар ўртасида фарқ бор.

Америкалик тадқиқотчилар Альфред Кретер ва Клайд Клакхон маданият атамасини ўрганишга махсус иш бағишлаган. Уларнинг кўрсатишича, маданият атамасини илмга тарихчи, этнограф Э.Тейлор 1871 йили киритган. Ўша пайтда маданиятнинг 7 таърифи бўлган.Э.Тейлордан кейинги 30 йил ичида, яъни 1950 йилларга келиб унинг сони 150 дан ошади. 70-йил-ларга келиб у 250 га етади, ҳозирги кунда эса у ёки бу даражада кенг тарқалган маданиятнинг таърифи 500 дан ошади. Бу ранг баранг таърифлар маданиятнинг кенг қамровли, ҳаётнинг деярли барча, ҳатто бир-бирларига зид бўлган соҳаларини ҳам ифодаловчи ҳодиса эканлигини кўрсатади. Худди шунинг учун ҳам маданиятга инсон фаолияти ва ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини тўла ифодаловчи таъриф бериш қийин. Файласуф ва маданиятшунос В.М.Розин ибораси билан айтганда, "қанча йирик маданиятшунос бўлса шунча назариялар, ту-шунчалар мавжуд.

Маданиятшунослиқда олиб борилган илмий изланишлар ва эришилган ютуқлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб маданият-нинг қуйидаги хусусиятларини алоҳида кўрсатишимиз мум-кин.

1. Маданият — узоқ тарихий ривожланиш жараёнида яра-тилган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси.

2. Маданият — илм, фан, маориф, маърифат, ҳуқуқ, сиёсат ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини акс эттирувчи ижти-моий тараққиёт белгиси.

3. Маданият — кишилар ва жамият риоя қиладиган шахсий, миллий, умуминсоний қадриятлар мажмуи.

4. Маданият — кишининг инсоний фазилатлари ва ижодий хислатларининг ифодаси.

Ушбу белгиларнинг негизида инсон жамият-табиат тизими ўртасидаги муносабатлар ётади. Бу муносабатлар тизимида эса инсон фаолияти асосий кўрсаткич ҳисобланади. Маданият-шунослик фани инсон фаолиятининг моҳиятидан келиб чиқиб уни ҳаётий ёки ғайриҳаётий, инсоний ёки ғайриинсоний, қисқа қилиб айтганда, маданий ёки ғайримаданий йўналишларга ажратади. Демак инсон фаолиятининг моҳиятини, у яратган нарсаларнинг ижтимоий тараққиётга хизмат қилишига кўра, қимматини аниқлаш ва баҳолаш маданиятшуносликнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Маданиятшуносликнинг тадқиқот объекти инсон фаолияти ва инсон фаолияти жараёнида яратилган бойликлар ҳисобланади. Маданият эса, юқорида айтилганидек, инсон фаолияти ва жамият ҳаётининг барча соҳалари билан ҳамбарчас боғлиқ. Маданиятшунослик мана шу боғлиқликнинг ўзига хос йўналишларини, ички қонунларини ўрганади. Инсон фаолиятининг маҳсули, маънавий ёки моддий бойлик бўлишидан қатъи назар, маданий бойлик сифатида қаралади. Маданиятшунослик мана шу бойликни киши ва жамият эҳтиёжлари нуқтаи назаридан баҳолайди, унинг ҳақиқий қимматини очиб беради.

Маданиятшуносликда "маданий мерос", "маънавият", "маърифат", "маданий тараққиёт", "илмий-техник тараққиёт", "ижод", "халқ маданияти", "халқ санъати", "миллий ва умул-инсоний қадриятлар" "ахлоқий маданият", "сиёсий маданият", "Ят", "цивилизация" каби тушунчалар кенг тарқалган. Бу тушунчаларга маданиятшуносликда инсон ва жамият тараққиётининг Даражасини ифодаловчи категориялар сифатида қаралади.

Маданиятшуносликнинг тадқиқот усулларига тарихий (ретроспектив) тадқиқотий (эволюцион) ёндашиш, таҳлил ва умумлаштириш (анализ ва синтез), кузатиш, суҳбат, савол-жавоб кабилар қиради. Фалсафа, социология, санъатшунослик, педагогика, тарих, этнография фанларидаги тадқиқот усуллари ҳам маданиятшунослик фанида кенг ишлатилади.

Назорат саволлари:

1. Маданиятшунослик нима маънони беради, унинг фанлар тизимидаги ўрни қандай белгиланади?
2. Маданият тарихининг ички йўналишлари нималардан иборат?
3. Этник маданият тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
4. Миллий маданият тарихи таҳлиliga қандай талаблар қўйилади?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Маданиятшунослик ва маданият тарихи масалаларининг ўзаро муносабатларини тушунтириб беринг.
2. Этник ва миллий маданият тушунчалари ўртасида боғлиқлик масаласини ёритинг.
3. Маданият тарихи фанига қўйиладиган талабаларни изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси. -Т.: 1994.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: 1992.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
4. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., 1994.
5. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994.
6. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият. Т., 2000.
7. Абдуллаев Н. Маданиятшунослик асослари. Фарғона. 1997.
8. Кармин А.С. Основн культурологии. Морфология культуры. Санкт-Петербург, 1997.

36-Мавзу. Нумизматика фани, унинг объекти, иш усуллари ва тарих фани учун аҳамияти

Режа:

1.

Таянч иборалар:

Дарснинг мақсади:

Асосий қисм:

Тангалар ўтмишнинг энг муҳим гувоҳларидир. Улар тарих ҳақида, узок ўтмишдаги сиёсий, иқтисодий муносабатлар, дунёқараш тизимлари, ишонч, эътиқодлар ҳақида, бадий тасаввурлар тўғрисида бебаҳо маълумотларни ўзида сақлайди.

Тангаларнинг тарих ҳақида сўзловчи “тили” ўзига хос. Баъзи тангалар ўтмиш воқеа-ходисалари ҳақида шу қадар аниқ хабарлар берадики, натижада у ёки бу танганинг дунёга келиши ҳам шу ахборотнинг ўзидан маълум бўлади. Бошқа тангаларнинг маълумотлари эса, унутилган воқеалар билан боғлиқ бўлгани учун мавҳум бўлади. Уларнинг маъносини чин тарихий жараён билан боғлаш ғоят мураккаб тадқиқотларни, таққослаш, таҳлил кабиларни талаб қилади.

Тангаларда етиб келган ёзувлар баъзан унутилган, тасвирлардаги одам, ҳайвон ва бошқа ифодалар ҳақида тарихий маълумотлар йўқотилган ҳоллар ҳам кўп учрайди.

Тангалар, уларни тарих билан боғлаб ўрганиш иши билан нумизматика фани шуғилланади. Numisma – “танга” (лотинча) демакдир.

Танга нима? Танга биринчи галда – пул, яъни товар олди- сотди муносабатларининг қиймат белгиси ва қиймат ашёси. Инсоният ҳаётида унинг ўрни ва роли беқиёс даражада катта бўлиб келган.

Танга (пул шакли сифатида) пайдо бўлмасдан аввал “савдо” муносабатларининг моҳияти амалда алмашувдан иборат бўлган десак хато бўлмайди. Алмашув зарурияти эса ўз навбатида меҳнат тақсимотнинг оқибати эди. Соф маънода тўла-тўқис натурал хўжалик жамият тараққиётини таъминлашга қодир эмас эди. Зеро, бунинг мажмуи ўзи учун барча зарур нарсаларни ишлаб чиқаришга қодир эмас эди. Шу сабабли ўз имконияти ва меҳнат турининг маҳсулотидан ортиқчасини бошқа хўжаликда етиштирилган, лекин қўшни, узоқ яқин жамоаларда етиштирилган маҳсулотга алмаштириш зарурияти доимо кўндаланг бўлаверар эди. Бир жамоа (қабила, уруғ) маълум маҳсулотни етиштириш учун хомашёга эга, бошқасида эса бу имкон йўқ. Бироқ бошқа жамоа биринчиси учун керак нарсага эга. Шундай ҳолларда алмашувсодир бўлган. Мана бир мисол: дарёдан ўтиш учун қайиқчи фил суяги билан ҳақ тўлашни талаб қилибди. Лекин мусофирда фил суяги йўқ экан. Шу орада яна бир мусофир келибди. Унда айни шу фил суяги бор экан. Лекин унга дарёдан ўтишга ҳожат йўқ экан. Фил суягини кийимга алмаштириш учун бу мусофир шаҳарга кетаётган экан. Биринчи мусофирнинг сафаридан мақсад, дарё ортидаги қабилаларга кийим-бош олиб кетаётган экан. Шу ернинг ўзида у бир қисм кийим-кечакни фил суягига алмаштириб қайиқчига берибди. Ўртада ҳаммаларининг ишлари битибди.

Аста секин алмашувнинг бу тури томонларни ҳамма вақт ҳам Қаноатлантирмаслиги аён бўла боради. Чунки ҳар бир вазиятда алмашув учун керак маҳсулот ишонч билан топилавермайди. Натижада товар маҳсулотнинг энг қадрли ёки ноёб ҳисобланган тури, баъзан хатто, рамзий маъно берувчи нарсадан алмашувга қўйилаётган ҳар қандай товарни олиш учун рамзий ёки шартли қиймат сифатида фойдаланиш одати бошланади. Яъни товар-эквивалентлиги асосига қурилган илк “савдо” муносабатлари бошланади.

Қадимги халқларда, янги замонларда эса Австралия, Африка, Океаниядаги тараққиётдан орқада қолган халқларда, Америка ҳиндуларида

ва ҳоказо эквивалент маънода дарё ва заҳ жойларда бўладиган каури чиғаноқларидан фойдаланиб келишган. Қадимги ривожланган Хитой, ҳиндистон, Япония уаби мамлакатларда ҳам каури чиғаноқларидан пул сифатида узоқ вақтлар давомида фойдаланишган.

Маленезия халқлари орасида яқин ўтмишда ҳам чиғаноқ, шиша мунчовлар, кучук тишлари, чўчка думи кабилар эквивалент пул бирликлари сифатида амал қилган. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Хатто XII-XIII асрларда Русь давлатида мўйна (куница номли ўрмон кемирувчисининг ошланган териси) пул ўрнида ишлатилган вақт ҳам тарихда маълум. Бунинг сабаби ўша даврдаги кумуш конларининг “чарчаши”, танга ясаш учун ҳам ашё етишмаслиги бўлган.

Қадимги дунёда эквивалент сифатида уй ҳайвонларидан фойдаланилгани ҳам маълум. Масалан, бу одатнинг қолдиғи ҳозир ҳам бор. Келин олишда қўй, қорамол берилиши ҳақиқий пул пайдо бўлмасдан аввал табиий ҳол эди. Тилимизда “мол” сўзининг “бойлик” маъносида ишлатилиш ҳам қорамолнинг қиймат маъносига ишоратдир.

Қадимги грек эпослари Одиссея ва Иллиадада савдо ҳақида маълумотлар кўп. Лекин бирор марта пул ҳақида гапирилмайди. Унинг ўрнида товарлар қиймати қорамол ёки қўй билан белгиланган.

Хўш пул қачон пайдо бўлган? Пул, боринки, танга кўринишидаги эквивалент бирлик тушунчасига етиб келунча алмашув ва мол эквивалентлиги тажрибаси минг йиллар давомида амал қилган. Ниҳоят эквивалентлик учун метал энг қулай ва ишончли восита сифатида қарор топди.

Қадимги Миср ва Месопотамияда металнинг ёмбилари пул вазифасини ўтаган.қуйма метал баъзан халқа, ярим халқа, метал қаламча, қуйма парча шаклларида бўлган. Улардан савдода вазнига қараб фойдаланилган. Қадимги Италияда Аполлон чашмаси деб аталган муқаддас булоқдан 300 кг. шу каби ёмбилар топилган. Қадимги Италияликлар уларни сувга эҳсон сифатида ташлашар экан. Чашмаларга танга ташлаш одати халқимизда ҳозиргача

мавжуд. Тошкентдаги Чорсу бозори майдонида бўлмиш Уккоша булоғига танга ташлашни ҳозирги авлод тошкентликлар ҳали унитмаганлар.

Метал пулни афзалликлари нимада? Аввало, метал бузилмайди. Сўнгра металдан ишланган пул бирлиги ихчам, сақлаш учун, олиб юриш учун қулай, санаш осон. Савдо учун зарур майда бўлақларга бўлиниши осон.

Лекин метал пул birlikларини тайёрлашда уларнинг хомашёсига қиймати маст метал эритмасини қўшиш, ёмбининг вазнидан уриб қолиш, ўрнатилган ҳажмидан кичикроқ пул birlikлари чиқариш каби ўғирликлар тез-тез учраб турган. Бундай тарзда метал пулларни бузиш кўпинча ҳукмдорлар томонидан зимдан буюрилган. Баъзан маҳаллий ҳокимлар марказ номидан зарблар қилиб, юқоридагидек ясама пул чиқаришган.

Танга кўринишидаги юпқа метал парчалари юзасига – ўнгу-терсига тамғалар урила бошлаши пул birlikларини ҳақиқий маънода нумизматик материалга айлантирган. Чунки энди пулда давлат белгиси, уни зарб қилдирган ҳукмдорнинг тасвири, ўша давр мафкураси билан боғлиқ рамзий шакллар, образлар (худолар, фаришталар, қаҳрамонлар, тотем рамзлари ва ҳ.к.) пайдо бўлади. Тангаларда турли тасвирларнинг пайдо бўлиши уларни муҳим тарихий манбага айлантиради. Энди танга шунчаки метал парчаси эмас, балки иқтисодий муносабатлар, халқаро алоқалар, сиёсий ҳаёт, мафкуравий қарашлар, металга ишлов бериш технологияси, ёзув маданияти, тасвирий санъат ва бошқа кўплаб соҳалар тараққиётининг бебаҳо намунасидир. Ўз тарихига қизиқиш, ўзликни англаш, ўтмишдаги ютуқ ва юксакликлардан фахрланишга интилиш, инсонни коинот қўйнидаги ўрни ва миссиясини тушунишга ҳаракат, кеча ва бугун қиёсидан, тажрибасидан келиб чиқиб, эртанги истиқболга назар ташлаш инсон табиатига хос бўлиб, нумизматик материаллар бунга кенг имконият яратиб беради.

Илмий соҳа сифатида нумизматиканинг шаклланишида йиғмачилик (коллекциячилик) дастлабки қадам бўлиб зизмат қилган. Йиғмачилик кенг маънода қадимги даврларга оид ноёб ашёларни тўплаш, уларни намоиш қилиш билан фахрланиш, антиквар буюмларни бойлик сифатида тушуниш

тарзида бошланиб, аста секинйиғилган буюмлардан маъноқидириш, уларни тасниф қилиб, гшуруҳлар ичида ва гуруҳлар аро умумий ва хос хусусиятларни ўрганиш сари ривожланган. Йиғилган ашёларнинг тавсифлари, каталоглари тузила бошлаган. Кўп ҳолларда антиквар буюмлар билан ишлашга бой-бадавлат эгалари мутахассисларни таклиф этганлар.

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

37-Мавзу. Хронология. Тарихда вақт ҳисоби муаммоси

Режа:

1. Хронология ёрдамчи тарих фани сифатида.
2. Хронологиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши.
3. Вақт ҳисоби тарихий шакллари ва усулларининг асослари.
4. Тақвимлар тарихидан. Тақвимларнинг ҳисоблаш усуллари қиёсий таҳлили.
5. Хронология илмий амалий соҳасининг тарих фанлари тизимидаги ўрни ва аҳамияти.

Таянч иборалар: вақт, жамну (замон), зрувана, вақт бирликлари, кун, тун, ҳафта, ой, йил, аср, қарн, тақвим, милод, ҳижрий, деҳқон тақвимлари, диний тақвимлар, қиёсий тақвимшунослик. Абу Райҳон Беруний, илми нужум.

Дарсининг мақсади: Хронологик билимларни аниқлаштириш, тарихий воқеликни замон билан боғлаш, вақт ҳисобининг турли тарихий шакллари ва усулларини билиш тарихчи-шарқшунос мутахассис учун зарур эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан магистрантларга етказиш.

Асосий қисм:

Вақт ҳисоби тарихни билишнинг асосидир. Тарих воқеъликларининг муайян тизими сифатидан вақтдан ташқарида бўлиши мумкин эмас (Фақат аллоҳ ислоний ақидага кўра вақтдан ташқари, у азал, у ҳозир ва у абаддир). Яралмиш борлиқ вақтдан ташқари эмас экан, узоқ-яқин ўтмишнинг у ёки бу воқеасини вақт билан боғлаш шартдир. Бас, шундай экан, ҳисобни нимадандир ва қандай қилибдир бошлаш эҳтиёжи доимо одамзод учун муҳим бўлиб келган. Инсоннинг хотираси ўтмишни сақлаш, ундан келажак учун ибрат топишга моил бўлиб келган. Ҳозир ҳам, замонамиз қанчалик тараққий топганига қарамай, тарихга мурожаат қилиш табиий равишда ижтимоий, сиёсий, маънавий заруриятлигича қолмоқда.

Вақт. Вақт эса, ортга қайтариб бўлмайдиган ҳодиса. Тарих ғилдираги тарих ғилдираги ҳам тўхташни билмайди. вақт инсон ҳукмида эмас.

Йўқотилган вақт – йўқотилган бахтдир. Ҳаётнинг инсонга берган энг буюк дарси вақтнинг ҳар бир лаҳзасидан эзгулик йўлида ақл-идрок билан унумли ва мақсадли фойдаланишга бўлган абадий даъватдир. Умар хайёмдан таъсирланиб шундай дегим келди:

Фалакдан қулоққа етишди нидо:

Не ердан келгандир бул ҳукми казо?

Чархнинг ҳукми гар бўлсайди менда

Одамни жаннатдан этмасдим жудо.

Ҳамонки, хронология вақт ҳисоби ҳақидаги инсоният тўплаган билимларни умумлаштирар экан, унинг ҳисоб меъёрлари, вақт чексизлигида белгиланувчи “нуқта”лари, ҳисоблаш атамалари ва уларнинг моҳиятига кириш табиий талабга айланади. Акс ҳолда вақт ҳисобининг “тутқичлари” дан тутмаган бўламиз. Оқибатда эса, билишимиз лозим бўлган воқеа-ҳодисаларнинг вақт чизигидаги ўрнини, унга боғлиқ шарт-шароитларнинг узвийлигини англашимиз қийин бўлади.

“**Хронология**” атамаси юнонча “*хронос*” ва “*логос*” сўзлари бирикмаси бўлиб, вақт ҳисоби ҳақидаги фан, таълимот демакдир. Хронология моҳиятига кўра астрономик ва тарихий хронология соҳаларига бўлинади. Астрономик хронология “*математик*” хронология деб ҳам аталади. **Астрономик хронология** аниқ астрономик вақт ҳисобини ўрганиш учун осмон жисмлари ҳаракати қонуниятлари ҳамда астрономик ҳодисаларнинг даврий, ритмик хусусиятларини ўрганади **Тарихий хронология** эса турли халқларнинг турли даврларда вақтни қандай ҳисоблагани, вақт ўлчовида амал қилган бирликлар, турли усулдаги вақт ҳисоби тизимларини ўзаро қиёслаш усуллари, бир ҳисобдан иккинчи вақт ҳисобини чиқариш каби масалалар билан шуғулланади. Буни **амалий ёки техник хронология** деган ном билан юритиш анъанаси ҳам бор.

. Тарихий хронология ёзма ёдгорликлар, археологик манбалар ёрдамида тарихий воқеаларнинг бўлиб ўтган вақтини аниқлайди, уларни ҳозирги жорий вақт ҳисобидаги ўрнини белгилайди. Хронологиянинг

муҳимлиги шундаки, унинг маълумотларисиз тарихий воқеа-ҳодисаларнинг вақт чизигидаги ўрнини аниқлаб бўлмайди. Демак, хронология манбалар асосида воқеа-ҳодисаларнинг бўлиб ўтган вақтини тарихий аниқ вақт билан боғлайди. Бинобарин вақтдан ташқари ўтмиш йўқ. Хоҳ тадқиқот, хоҳ тарихий ўқув ёки оммабоп асар – вақт билан ҳисоб қилмай ёзилмайди. Шунинг учун тарихий хронологиянинг ёрдамчи тарих фанлари орасидаги ўрни алоҳида. Чунки воқеа-ҳодиса ҳақида гап кетганда аввало қачон? – деган саволга жавоб берилади. Тарих ҳақида беихтиёр “...фалон даврда, йилда” деб сўз бошланиши бежиз эмас. Шунинг учун “Хронология” тарих фанининг энг муҳим, ҳатто, ҳал қилувчи ёрдамчи соҳаси ҳисобланади.

Хронология фанининг предмети ва вазифаси бу фан соҳаси нима билан ва нима учун шуғулланади демакдир. Юқорида айтилганидек, тарихий воқеа-ҳодисаларнинг замон, вақт чизигидаги ўрнини аниқлаш хронологиянинг ҳам предмети, ҳам мақсадини белгилайди.

Хронологиянинг вазифаси мазкур муштаракликнинг бир қиррасини ташкил этади. Яъни хронология тарихни вақт тушунчаси билан, қолаверса аниқ сана билан боғлашга хизмат қилади. Бироқ вақт тасаввури турли халқларда ва турли замонларда турлича бўлгани вақт ҳисоби усуллариининг хилма-хиллиги, қадимда амал қилган йилбоши (эра) анъаналари оқибатида тақвимлар турли-туманлигига олиб келган. Шулардан келиб чиқиб, хронология тарихни вақт тизимига “жойлаш”да улкан назарий ва амалий вазифаларни бажаради. Тарих таълимида ҳам хронологиянинг ўрни беқиёсдир. Ҳатто, бошқа ёрдамчи фанлар – геналогия, нумизматика, тарихий топономия, метрология, геральдика, сфрагистика ва бошқалар ҳам хронологиясиз иш кўра олмайди. Зеро, тарихга оид ҳар қандай йўналиш вақт ичидаги воқеа-ҳодисалар билан иш кўради.

Қуйида вақт ҳисоби учун қўлланиб келаётган баъзи муҳим атамалар ва уларнинг маънолари ҳақида тўхталамиз.

Давр. Энг катта тарихий вақт тушунчаси бўлиб, турли маъно кесмаларида қўлланилвди. Масалан, ибтидоий давр. Инсоният тарихининг қуйи, илк босқичини англатади. У даврда одамзоднинг босқичини аждодлари илк шаклланиш ва дастлабки уюшиш жараёнларига киришганлар. Тириклик учун кураш, ёввойи табиатдан ўз улушини қўплашиб ундириш зарурияти ҳамда табиат офатларидан, вахший хайвонлар хужумларидан биргалашиб жон сақлаш эҳтиёжи уларни бирлаштирган. Бу бирлик қуйи (пода, тўда) шаклларида аста-секин қариндошлик, ўзаро қон-томирдошлик бирликларига томон, уруғчилик сари ривожланган. Она уруғи, ота уруғи босқичларига кўчган. Ота уруғи даври жамият тараққиётининг ибтидоийлик босқичидан мулкый, ижтимоий табақаланиш томонга етаклаган. Бронза асри охирига келиб, жамият ижтимоий-сиёсий бошқарилиш институтларини пайдо қилган. Демак, милоддан аввалги X-IX асрлар ибтидоий даврнинг поёни бўлиб, тарих сифат жиҳатдан, ижтимоий тараққиёт жиҳатдан янги даврга қадам қўйган. Бу даврнинг номи қадимги дунё, қадимият деб аталиши ҳам мумкин. Давр тушунчаси шундан бошлаб кенг ва турли маъно қирраларини ифода эта бошлайди. Масалан, антик давр тушунчаси дунё тарихининг юнон-рим қадимиятидан бошлаб, милодий IV асрига қадар вақтни кўзда тутди. Шарқ (Марказий Осиё) учун **антик давр** Македониялик Александ юришларидан бошлаб милодий III-IV асрларгача демакдир. Бироқ бу даврнинг ички бўлаклари ҳам борки, буни Марказий Осиёда пайдо бўлиб, жаҳон тарихида муҳим ўрин тутган давлатлар билан боғлиқ ҳолда кушонлар даври, қадимий хоразмшоҳлар даври, эфталлийлар даври кабиларга шартли равишда бўлиб қаралади.

Давр тушунчасининг турли маъно ёйилмалари кўп ҳолларда тарихий сифат ўзгаришларини ифодалайди. Масалан, ислом даври, темурийлар даври, шайбонийлар даври кабиларда сулолавий сиёсий ўзгаришлар, маънавий дунёқараш тизимларининг янгиланиши кабилар ҳам ҳисобга олингандек бўлади.

Давр тушунчасида русча «эпоха» маъноси ҳам борки, бу кесмада ушбу атама катта сиёсий, мафкуравий ўзгаришларни ифода этади. Россияда Романовлар даври, Туркистонда мустамлака даври, совет мустабид даври, ниҳоят, мустақиллик даври кабилар. Давр тушунчаси маданий маънавий янгилашниш босқичларига нисбатан ҳам амал қилади: уйғониш даври (шарқ уйғониш даври, ғарбда ренессанс даври), “маданий инқилоб” даври ва бошқалар.

Давр тушунчасининг бир хусусияти алоҳида таъкидланмоғи лозимки, бу ҳам бўлса, нисбий маънога унинг аниқ йиллар чегарасига сиғмаслигидир. Сулолавий даврлар биров бундан мустасно.

Хронологияда энг йирик тушунчалардан яна бири **эра** деб юритилади. Лотинчада **эра** “бошланғич нуқта”, “айрим олинган сон” маъносига эга бўлиб, бирор давомий йил кетма-кетлигининг бошланишини билдиради. Бундан ташқари эра тушунчаси ўзидан бошланувчи йиллар мажмуини яхлит бир бутунлик қилиб, ифодалаши ҳам мумкин. Яъни, эра йил ҳисобининг ўзи ҳамдир: олимпия эраси, христиан эраси, мусулмон эраси, Шак эраси, Канишка эраси, Тархун эраси, Деваштич эраси кабилар.

Эра баъзан шу қадар катта вақт тушунчасига айланадики, бу қаторга космик эра, астрономик эра, геологик эра кабиларни киритиш мумкин. Хатто эра сўзини XIX асрда К. Маркс, Ф. Энгельс каби ўз даврининг назариётчиларибугунги кунда ўзини оқламаган ғоявий-сиёсий маънода коммунистик эра шаклида қўллаганлар. Уларнинг бу хаёлий ғоялари жаҳон тарихини социалистик бурилишларга, хаёлий “коммунистик жамият қуриш” каби пуч сиёсий амалиётлар йўлига солиб юборгани бугун тарих бўлиб ортида қолди.

Эра тарихан чиндан ҳам бўлиб ўтган катта аҳамиятга эга бўлган бирор воқеа асосида, ўша воқеани ҳисоб боши қилиш анъанасидан туғилади. Жумладан, олимпия эраси милoddан аввалги 776 йилда қадимги Грецияда Олимп тоғи этакларида ўтказилган спорт ўйинларидан бошланган. Ҳар тўрт йил бир олимпия йили ҳисобланган. 776-772 йиллар I олимпия йили, 772-768

II олимпия йили ва ҳаказо. Бу ўйинлар милоддан аввалги 753 йилда тўхтаб қолган, амалиётдан олимпия йил ҳисоби ҳам аста-секин чиқиб кета бошлаган. Ниҳоят олимпия ўйинлари 1896 йилда янгилалиши муносабати билан ўйинларнинг қишки ва ёзги турлари ҳар тўрт йилда бўлиб ўтишда давом этмоқда. Лекин олимпия эраси йил ҳисоби тикланмади. Ўрнига олимпия ўйинларининг рақам ифодаси юритилмоқда. 28-олимпияда ўйинлари Пекинда 2008 йил ёзда ўтказилди.

Лотин эраси Рим шаҳрига асос солиниши билан милоддан аввалги 753 йилдан бошланган (Рем-Ромул, Тибр дарёсининг икки қирғоғида Рим шаҳрига асос солганлари тўғрисидаги ривоят бунга асос бўлган). Ҳиндистонда сека ёки Ашока эраси, Кушонлар давридаги Канишка эраси – 78 – милодий йилдан ҳисоб олган. Хоразмда хоразмшоҳ эрасини В. А. Лившиц милодий 10-20 йиллардан бошланган деб ҳисоблайди. Африқ сулоласининг йиллар ҳисобини Беруний милодий 304-305 йиллардан деб кўрсатгани ҳолда сиёвушийлар тарихини милоддан аввалги 1280 йилдан бошлайди. Бу ҳисобга асос қилиб Сиёвушнинг Туронга келиши воқеасини кўрсатади. Бу ривоятлар остида хоразмликлар (хорасмийлар)нинг Қуйи Амударёга миграцияси акс этган, деган янги илмий ҳулосалар ҳам мавжуд.

Христиан эраси тушунчаси Ийсо алайҳиссаломнинг Биби Марямдан туғилгани тарихи билан боғлиқ. Бу сана ҳозирги жаҳон йил ҳисобининг асосида 2010 йилдан буён давом этмоқда.

Хижрий йил ҳисоби, мусулмон эраси Муҳаммад с.а.в.нинг Маккадан Мадинага хижратидан – милодий 622 йил 16 июл кунидан бошланиб, бу ҳисоб бўйича 1430 йилда турибмиз. Марказий Осиёда исломдан аввалги даврларда бир қатор хусусий эралар ҳам амал қилган. Масалан, Канишка эраси – 78-милодий йилдан бошланган; Яздигирд эраси (уни Хусрав эраси ҳам дейилган) 632 –милодий йилдан ҳисобланган; Тархун – Суғд подшосининг эраси милодий 700-710 йиллар орасида амал қилган; Деваштич эраси 708-722 йиллар орасида амал қилган ва ҳаказо. Эралар ҳисобидаги

милод (милодий) каби сифатлар “туғилиш” маъносига эга бўлиб, Ийсо а. с.нинг туғилишини кўзда тутди.

Эра тушунчасининг кенг талқинларидан бири астрономик эралардир. Бунга кўра, тарихлар ҳосиятли ёки ҳосиятсиз астрономик эраларга ҳам бўлиб тасаввур этиб келинган. Яъни, масалан, Хут (балик) эраси самодаги балик буржига тегишли давр бўлиб, милодий 1 йилдан 2000 йилгача давом этган. 2000 йилдан бошлаб далв (қовға) эрасига кирдик. Бу эра Хутдан Далвга ўтиш босқичи – 1950 – 2025 йил ўтгач, милодий 4000 йилгача давом этади.

Астрономик эралар кетма-кетлиги қуйидагича бўлган. Аввало астрономик эра тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу демак, баҳорги тенг кунлик (21 мартдан 22 мартга ўтиш) қайси буржга тўғри келишни англатади, яъни ҳамал буржидан бошланган бу ҳисоб 26000 (аниқроғи 25920)йил давом этади. Ҳисоб 12 бурж бўйлаб тенг кунликлар тушиши қайтиб ҳамал буржига тушгунича шунча йил ўтади. Бу вақт доираси лотинча процессия деб аталади.

Шундай қилиб, Савр (сигир) даври милоддан аввалги 4300 йилдан 2200 йилгача давом этган; ҳамал эраси (қўй) 2200 – милоддан аввалги 150 йилгача; Хут эраси (балик) милоддан аввалги 150 йилдан 1950 йилгача (ўтиш даври билан бирга 2000 йилгача) давом этган. Ҳозир далв эрасига кирдик ва бу эра 1950-2025 йилларда хутдан далвга ўтиш босқичи (бу ҳисобни машҳур Нострадамус – башоратчи кўрсатган) билан бирга 4000 йилгача давом этади. Бу давр умумий “Буюк турғунлик” даври бўлади дейилган. Дунё турли силкинишлардан ҳоли бўлиб осойишталик бошланади, деб башорат қилинган.

Астрономик эралар, буларга берилган изоҳлар илмий жиҳатдан ожиз.зеро, улар кўпроқ инсониятнинг асрий тажрибалари, кузатувларини умумлаштиради ва башоратга айлантиради.

Вақт ҳисобининг асосий бирликлари қаторида аср тушунчаси йил ҳисобларининг юз йилликларини ажратишдан келиб чиққан. Аср сўзидан катта даврий тушунчалар учун фойдаланиш ҳолларида кўчма маъно акс

этади ва аср сўзи давр сўзини алмаштирган бўлади: Бронза асри, темир асри. Асл маъно эса, 100 йиллик демакдир. Милодий асрлар ҳисобда 21 аср бошидан 8-йил ҳисобида турибди. Милоддан аввалги асрлар тарихининг санаси ёки даври маълумларининг энг қадимгисидан бошлаб юқоридан пастга саналади. Масалан, милоддан аввалги V-IV минг йиллик, I минг йиллик, милоддан аввалги X-IX аср ва б. Худди шу каби милоддан аввалги йиллар ҳам юқоридан пастга саналади: 776-775,... 150-100...50, ...1 йил 1-йилдан 2009 гача пастдан юқорига санок юритилади. Йиллар аср ичида ҳисобланганда “фалон асрнинг фалон йили” каби бирикмалар ҳам ишлатилади.

Йил 365 кундан иборат муддат бўлиб, Ернинг қуёш атрофида бир марта айланиб ўтиш йўлидан ҳосил бўлган вақт бирлигидир. Бундай йил “қуёш йили” деб аталади. Унинг аниқ узунлиги 365 сутка, 2 соату 4 минут, 25 секундга тенг. Бошқача қилиб айтганда, 365-2425 кун. 365 бутун юзнан 25га яъни, 365 кундан чорак кунга яқиндир.

Йил ҳисоби астрономияда “юлдуз йили” номи билан аниқ асбоблар ёрдамида 365,2564 кун, тропик йил 365, 2422 кун, календар йил, тақвимий ҳисоб (григориан ҳисобига кўра) – 365, 3425, қамарий ҳисобда 354,3671 кунга тенг. Демак йил ҳисобининг тўрт усули бўлиб, улар ўртасида ўзаро нисбий фарқлар мавжуд: $365, 2564 - 365, 2422 = 365,0142$. Бу демак 14 минути 2 секунд фарқдир.

Йилнинг қуёш эклиптикаси (йиллик оғишидаги максимал нуқталар орасидаги ҳаракати) бўйича тенг кунлиги ва икки максимал “узоқлашув” нуқталари бор. Булар фасл алмашувларининг асосига тўғри келади: 21 март, 21 июнь, 21 сентябр, 21 декабр кунларидаги суткалар. Баҳорий тенг кунлик баҳор фасли, ёзги узун кун ёз чилласини боши, саратон, кузги тенг кунлик сумбула, қишки қисқа кун чилла боши деб ҳисобланади.

Бизнинг галактика коинотнинг қуёш тизими номи билан юртилувчи бир бўлагидир. Ернинг галактикадаги ўрни қуёш системасининг қуёш атрофида айланиб турувчи сайёраси сифатида бир йилда бир марта тўлиқ доира

ясайди. Лекин Ер Қуёш тизими билан биргаликда коинотнинг маркази теваарагида 176 миллион йилда тўлиқ бир марта айланиб чиқади.

Нисбийлик назарияси деб аталувчи илмий ҳисоб-китобларга кўра, (А. Эйнштейн) ернинг бир асри коинотнинг 2592000 йилига тенг экан. Бир йил шунинг 100 га бўлинишига – 25920 йилга, бир ой шунга мувофиқ, 12 га бўлинганига, яъни 2160 йилга, бир кеча-кундуз (24 соат) эса, 72 йилга тенг. Демак коинотнинг узок нуктасида бир кун турган одам ернинг 72 йилини яшаган билан баробар. Бу каби чексизлик ва нисбийлик умумий ҳаракат қонуниятига эгаллиги, ажаб бир ҳолки, бунинг маъносига етишнинг ўзи амри маҳол. Бу қудрат Аллоҳнинг ихтиёридадир.

Йилнинг хижрий ҳисобида қуёш эклиптикасига кўра ва ойнинг синодик ҳаракатини кузатиш орқали жорий ҳисоблар амал қилиб келган. Ҳар икки ҳисоб ҳам 21-22 мартга ўтар кечасидан бошланган. Бироқ, 12 ой шамсий ҳисобда ҳам, қамарийда ҳам 353-355 кунга тенг бўлиб, ҳақиқий астрономик ёки тропик йилдан 11-12 кунга фарқ қилган. Натижада 19 йиллик цикл ичида бу фарқ тўғрилаб борилган. Яъни, 12 ойлик йиллар 12 та, 13 ойлик (383-385 кунлик) йиллар сони 7 та бўлган. Бу тақвимнинг тарихи узун. Ундан яхудийлар фойдаланишган. Йил боши Нисан ойидан, ҳозирги тақвимнинг сентябр, октябр ойларига бўлиниб турувчи ўртасидан ҳисобланган.

Бундан ташқари, ислом дунёсида 622 йилнинг 21-22 мартдан ҳисобланувчи шамсий йил ҳам амал қилиб келмоқда. Уни салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ амалга киритишга фармон берган. Унда йил 365-366 кундан иборат.

Хронология ўз тадқиқот ва амалиёт усуллари билан фан соҳаси сифатида қадимданоқ шаклланган. Қадимги цивилизация ўчоқларида вақт ҳисобига катта аҳамият берилган. Қадимги Шарқда илк тақвимлар пайдо бўлган. Юнон ва Рим календар ҳисоблари ҳам асосан Шарқ тақвимларининг рационал асосларидан фойдаланган. Бу эса кузатувлардан бутун бир астрономия фани даражасига етган. Сўнгра вақт ҳисоби амалий тажрибалари тарихий хронология учун замин яратган.

Авеста китобида минтақамиз халқларининг астрономик тасаввурлари айрим юлдуз ва сайёраларнинг асотирий улуғланиши шаклида келади. Сириус (тир) юлдузи, Вананд юлдузи, Қуёш, Ой кабилардан эзгулик кутиш уларнинг самовий “ҳаракатлари”ни кузатишдан туғилган. Хусусан, Қуёшнинг тонгда чиқиши, унинг ботиши, Ой ҳаракатининг фазалари, Тир юлдузининг авж нуктага кўтарилиши буларнинг барчаси такрорланувчан бўлгани учун муайян вақт кесмаларида тасаввур қилинган.

Абу Райхон Беруний “Осар ул-боқия, анал қурун ал-ҳолия” асарида жаҳон миқёсида хронологик билим ва тажрибаларни бирлаштирган. Турли хронологик ҳисоблардан бошқа ҳисобларни чиқариш усуллари баён этган. Бундай тадқиқот унинг даври (XI аср)да йирик давлат тизимлари, уларнинг таркибига кирган халқларни иқтисодий-сиёсий жараёнларга уйғунлаштириш талабларидан келиб чиққан. XI асрда Умар Ҳайём, XV асрда М.Улуғбеклар вақт ҳисоби тарихи учун муҳим илмий хулосалар бердилар.

Европада хронология фан сифатида XVI асрда шаклланди. Хусусан, Григориан тақвими жорий қилиш ҳаракати хронологиянинг фанга айланшида муҳим роль ўйнади. Француз олими Жозеф Скалигернинг “Вақт ҳисобини яхшилаш”, “Вақтлар хазинаси” номли асарларида вақт ҳисобини ягона усулга бирлаштиришга эришди. Унинг бу усули турли эраларни ўзаро боғлашга хизмат қилди.

XVIII асрда француз олимлари д’Антин, Клеменс ва Дюранлар “Саналарни текшириш санъати” номли асар ёздилар. Бу асар 44 жилддан иборат эди. XIX асрда немис хронологи Христиан-Людвиг Иделер “Математик ва техник хронология маълумотномаси” номли асар яратди. Бу асарда Ғарбий Европа халқларининг вақт ҳисоби тарихи батафсил ёритилди. Ф.Гинцель, Х.Гротефенднинг ҳам илмий хронологияга улкан ҳисса қўшдилар. Хусусан, Х.Гротефенднинг “Немис ўрта асрлари ва янги даври йил ҳисоблари”, Ф.Рюлнинг “Ўрта асрлар ва янги давр хронологияси”, венгер олими И.Сентпетрининг “Хронологиядан маълумотнома” каби асарлари хронология фани соҳалари илмий ютуқларни умумлаштирди. Бу асарлардаги

календарларнинг қиёсий жадваллари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Чунки уларда келгуси даврларни қўшиб ҳисоблаб давом эттириш, универсал мақсадларга ҳисоб усуллари тadbик этиш имконияти очик қолдирилган.

Россияда хронология фани қадимий славян ва ўрта аср рус вақт ҳисоби усуллари тadbик этишдан бошланган. Н.И.Идельсон, С.И.Селешников, И.А.Климишин, Е.И.Каменцев, Е.И.Шур, В.В.Цибульский кабиларнинг хронологияга оид асарлари рус хронологияси ва жаҳон халқлари хронологияси масалаларини қамраб олган. XX асрда қадимги дунё хронологияси соҳасида ҳам улкан ишлар юзага келган. Улардан бири Э.Бикерманнинг “Хронология древнего мира” китобидир.

Марказий Осиё халқлари хронологияси тарихини бирлаштирувчи махсус тadbикот ва ўқув адабиётларига эҳтиёж катта. Ҳозирча бу соҳадаги ишлар “Мусулмон тақвимлари” каби оммабop нашрлар кўринишида. Қадимги ва илк ўрта асрларга оид хронологик маълумотлар В.А.Лившицнинг “Зардуштийлик тақвими”, А.А.Фрейманнинг “Санаси мавжуд суғд хужжатлари” номли мақолаларида акс этган.

Назорат саволлари:

1. Вақт ҳисобининг тарих учун зарурлиги нимада?
2. Вақт ҳисобининг назарий асосларида нималар ҳисобга олинади?
3. Қандай вақт ҳисоби усуллари биласиз?
4. Астрономик вақт ва декрет вақти тушунчаларини биласизми?
5. Хусусий эралар ҳиқида нимлар биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Милодий ва ҳижрий эрлар ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб машқ қилинг.
2. Марказий Осиё хусусий эралари ҳақида маълумотлар йиғинг.
3. Астронимик вақт ва декрет вақтлари фарқларини тўғрилаб бориш ҳақида маълумотлар тўпланг.

4. Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия анал курун ул-ҳолия (Хронология)” асаридаги тақвимлар ҳақида ёзма тафсилот тузинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Райҳон Беруний “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”. Танланган асарлар. Т.: Фан. 1967 й.
2. Буткевич. А.В., Зеликсон М.С. Вечные календари. М., 1969.
3. Бережков Н.Г. Хронология русского летописания. М., 1963.
4. Карыниязов Т.Н. «Астрономическая школа Улугбека». Изд. 1950. 330 бет. 2-нашр: Карыниязов Т.Н. Избранные труды. Том 6. Т.: 1967. 374 бет.
5. Каменцева В.И. Хронология. М., 1967.
6. Мартынов Д.Я. «Века и мгновения». Изд. МГУ. 1961. 81 бет.
7. Синхронистические таблицы хиджры и европейского летосчисления. М.-Л., 1961, 286 стр.
8. Селешников С.И. “ История календаря и хронология”. М., 1972.
9. Э. Бикерман. Хронология древнего мира. Изд-во «Наука». М.: - 1976. 320-332 бетлар (В.А. Лившиц. Зороастрийский календарь. Приложение к книге Э.Бикермана).
10. С.И. Селешников. Хронология. Учебное пособие. Изд-во МГУ – 1978.
11. Продан Ю.И. Вақт ва календарь. Тошкент, Ўздавнашр. 1961.
12. Черепнин А.В. Русская хронология. М., 1944

38-Мавзу. Мухрлар тарих манбаи сифатида. Мухршунослик соҳасининг илмий-амалий аҳамияти.

Режа:

1. Тарихда хослик, ҳуқуқий асослар берувчи нишонлар пайдо бўлишининг ижтимоий, сиёсий шарт-шароитлари.
2. Мухршуносликнинг илмий соҳа сифатидаги ўрни.
3. Марказий Осиёда қадимий, ўрта асрлар ва янги замон мухрлари тараққиётининг босқичлари.
4. Мухршуносликнинг алоқадор илмий-амалий соҳалари.

Таянч иборалар: Митра, мухр, мулк, ижтимоий мансублик, мулкӣ муносабатлар, давлатчилик, рамз, санъат, мухр ёзувлари, мухр тайёрлаш техникаси.

Дарснинг мақсади: Инсоният тарихида ижтимоий, сиёсий, мулкӣ мансублик ҳамда ҳуқуқий асосланганлик кабиларни ўзида ифода этувчи рамзий белгиларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг амалда қўлланиши билан боғлиқ жараёнларни ўргатиш, мухрларнинг тарихий шакллари тараққиёти шакллари динамикаси билан таништириш, Марказий Осиёда мухр тарихининг зардуштийлик ғоялари билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш, мухр ва давлатчилик сиёсий тарихи масалаларини ўзаро боғлиқликда талқин этиш, мухрларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятини мисоллар орқали талабаларга етқазатиш, ушбу манбаларнинг санъат тарихи учун қимматини кўрсатиш дарснинг асосий мақсадидир. Шу билан бирга мухршунослик тарихи билан таништириш дарснинг мақсад доирасига киради.

Асосий қисм:

Ўрта Осиёда неолит даври (эр. ав. У1-1У минг йй.)га келиб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлиши, кейинчалик деҳқончиликдан қунармандчиликнинг ажралиб чиқиши натижасида аҳолининг маълум қисмлари деҳқончилик, чорвачилик ёки қунармандчиликка ихтисослаша бордилар. Аҳолининг маълум бир соҳага ихтисослашуви тажрибашшг ортишига ва иш қуролларининг такомиллашувига, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсишига, унинг сифати яхшиланишига олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсганлигини бронза даври (эр.ав. Ш-1 минг йй.)да дон сақловчи омборларнинг, катта ҳажмдаги дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сақловчи идишларнинг кўпайганлигидан билиш мумкин. Натижада инсоннинг минимум эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Ушбу ортиқча маҳсулот уруғ ва қабила бошлиқлари томонидан ўзлаштирилади ва жамиятда секин-аста хусусий мулк шакллана бошлайди.

Хусусий мулк дастлаб деҳқончилик районларида озиқ-овқат маҳсулотлари, қунармандчилик буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари кўринишида, чорвачилик районларида эса, чорва кўринишида бўлган. Кейинчалик жамиятда айирбошлаш эквивалентлари пайдо бўлганлиги сабабли, хусусий мулк нафақат натурал формада, шу билан бир қаторда маҳсулотлар айирбошлаш учун қабул қилинган эквивалентлар (пул ўрнидаги нарсалар - муаллифлар) кўринишида ҳам тўплана бошлаган. Ўрта Осиё қадимги деҳқончилик жамиятлари аҳолисига тегишли қабрлардан топилган кўплаб зооморф ва геометрик тасвир кўринишидаги муҳрлар хусусий мулкнинг пайдо бўлганлиги ва тўплана борганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан жамиятда ижтимоий ва мулкый тенгсизлик юзага кела бошлайди. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, хусусий мулк одатда қабила ва уруғ бошлиқларида тўплана борган. Бу бежиз эмас, сабаби, айнан улар уруғ ва жамоага тегишли мулкларни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Айни иайтда уларнинг оддий жамоадошлари эса, арзимаган мол-мулкка, кўп ҳолларда ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаганлар. Жамиятдаги табақаланишнинг қайси бири: ижтимоий табақаланиш олдин

пайдо бўлганми ёки мулкӣ табақаланиш, деган саволга жавоб бериш анча мушкул. Кўпчилик мутахассислар улар бир вақтда пайдо бўлган, яъни ижтимоӣ мавқеъдаги фарқлар мулкӣ тенгсизликка олиб келган бўлса; ўз навбатида, мулкӣ тенгсизлик жамият аъзоларининг ижтимоӣ тенгсизлигига олиб келган, деб ҳисоблашади.

Археологик тадқиқотлар ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари ҳисобланган шаҳарларда аҳолининг ижтимоӣ ва мулкӣ табақаланиш жараёни қишлоқлардагига қараганда нисбатан тезроқ борганлигини кўрсатмоқда. Масалан, металл, муҳр, қурол-яроғ сингари ҳокимият рамзлари ва диний характердаги буюмлар мавжуд қабрлар аксарият ҳолда илк шаҳарлар - Олтинтепа, Улуғтепа, Жарқўтон, Сополлитепа каби ёдгорликларга тегишли. Агарда илк шаҳарларга тегишли қабрларда 6-9 хил кўринишдаги буюмлар учраса, кичикроқ аҳоли манзилгоҳларидан топилган қабрларда 2-3 хил кўринишдаги буюмларгина учрайди.

Ижтимоӣ ва мулкӣ тенгсизлик жамиятда қарама-қаршилик ва низоларни келтириб чиқаради. Жамияшинг юқори тоифа кишилари ўз имтиёзлари ва бойликларини жамиятнинг оддий аъзолари таҳдидидан ҳимоялашга зарурат сезади. Ижтимоӣ ишлаб чиқаришга ва уни тақсимлашга бўлган ҳуқуқ уруғ ва қабила бошлиқларига ўз атрофларига шахсий қўриқчилар, маслаҳатчилар ва шу қабиларни тўплаш имконини беради, яъни давлатнинг ибтидоӣ кўринишлари шакллана бошлайди.

Демак, ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши, жамият аъзоларининг хўжаликнинг бирор-бир турига ихтисослашувига, иш тажрибасининг ошишига ва иш қуролларининг такомиллашувига олиб келади. Юқоридаги жараён ўз навбатида, ортиқча маҳсулотнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ортиқча маҳсулотнинг юзага келиши билан хусусий мулк шакллана бошлайди. Хусусий мулк, ўз навбатида, жамиятда ижтимоӣ ва мулкӣ табақаланишга олиб келади. Ва ниҳоят, ижтимоӣ ва мулкӣ табақаланишнинг юзага келиши давлатнинг бўлишини тақозо этади. Шундай қилиб, жамиятда ибтидоӣ давлатлар пайдо бўлишига шарт-шароитлар

етилади. Давлатларнинг пайдо бўлишида, унинг юзага келиш жараёнига сезиларли таъсир ўтказган омилларни билиш муҳимдир.

- Режа:*
1. Сфрагистика. Объекти, мақсади, вазифалари. Тарих фанинг ёрдамчи соҳаси сифатидаги аҳамияти.
 2. Сфрагистиканинг амалий санъат, геральдика, нумизматика, эпиграфика, ономастика, давлатчилик тизими, этно-маданий, этно-сиёсий муносабатлар, диний тасаввурлар ва маънавий дунёқараш тизимлари каби соҳалар тарихини ўрганишдаги манбавий аҳамияти.
 3. Муҳрларнинг пайдо бўлиши тарихи, шакллари, мақсад ва вазифаларига кўра таснифи
 4. Муҳрларда акс этган ёзувлар, уларнинг ўқилиш имконияти (палеографик тавсилотлари)
 5. Марказий Осиёда муҳрлар тарихи умумий манзарасининг хронологик тартибдаги тафсилоти.
 6. Муҳрлардаги тасвирлар уларнинг тарихий талқини масалалари.
 7. муҳрлар ва санъатшунослик соҳасининг узвий алоқадорлиги.
 8. Муҳрларнинг техник ижроси. Муҳрканлик касбининг такомил босқичлари.

Таянч иборалар: сфрагистика (муҳршунослик), сигиллография, муҳрканлик, булла, муҳр шакллари, эпиграфик маълумотлар, тасвирлар, давлатчилик, ижтимоий маъмурий мавқелар гувоҳлиги, гемма, осма муҳрлар, босма муҳрлар, картуш, легитимлик.

Сфрагистика тарих фанининг муҳрлар билан шуғилланувчи ёрдамчи соҳасидир. Юнонча сфрагіс (σφραγίς) – “муҳр” сўзидан илмий соҳанинг номи ясалган.¹

¹ Муҳр сўзи зардуштийлик даврида маъбуд Митранинг шартнома, битимлар ижроси устидан нозирлик вазифасидан пайдо бўлган. Митра талаффузи муҳр сўзида давом этмоқда.

Мухр сўзи кенг маънода қаттиқ материал юзасида ўйиб туширилган белги ёки ёзувли штамп (нишон)лар, матрицалар ва уларнинг олтин, кумуш калай, мўм, сургучлар, лойдан ясалган бўллалар юзасига босиб туширилан изларига нисбатан қўлланади. Яъни мухр ва турли нишон белгиларининг қолиплари, нишонларнинг ўзлари ҳамда уларнинг турли буюмлар сиртига босиб туширилган акслари сфрагистика учун ўрганиш объекти бўлади.

Мухрлар ёзув яратилган дастлабки даврлардан бошлаб қадимги Шемерда у ёки бу ҳужжатнинг асл (ҳаққоний) эканини тасдиқлаш мақсадида ишлатилган. Илк мухрлар цилиндр шаклида бўлган. Уларнинг сиртида тасвирлар ва ёзувлар ўйилган бўлиб (бўртма тарзда) лойдан ясалган миххат тахтачаларидаги матн остига юмалатиб из тушириш усулида қўлланган.

Мухрларнинг шакли ўзгара бориб, антик ҳарбда турли шакллардаги узук-мухирлар пайдо бўлган. Баъзи узук-мухрлар доираси бўйлаб туширилган белгиларни ҳужжат остида юмалатиб босилган. Баъзилар эса, бармоққа тақилган узук доирасига ёпиштириб қўндирилган тошларга ўйиб туширилган ёки бўртма тасвирлар бўлиб, ҳужжатларни тасдиқлаш учун уларни бармоқда турган ҳолда босилган. Бундай мухрларнинг шакллари учбурчак, доира, тўртбурчак, тўғри тўртбурчак бўлиши мумкин эди. Мухрлардан из тушириш учун ранг бўёқ-мастикадан, мўмдан, қизилтупроқ (охра) лойидан фойдаланилган.

Ўрта аср Европада, шу жумладан Русьда ҳамда Византияда осма мухрлардан кенг фойдаланилган. Бундай мухрлар ҳужжатга тизимча ёрдамида боғлаб (осиб) қўйилган олтин, кумуш қуйма ёмбилларга, қўрғошин, мўм, сургуч кабиларга босиб туширилган. Бундай усул айниқса, ўрам кўринишидаги ҳужжатларда белбоғ қилиб ўралган тизимчаларга қуйма шаклда боғланган муғр излари кўринишида кўп учрайди.

Илк ўрта асрларда суғд ёхма ёдгорликларида ишлатилган мухрлар қизил (охра) тупроқдан қорилган лойни хат ўрамини боғлаган тизимчанинг учларини босиб турадиган қилиб ёпиштириб, ҳали лой қотиб улгурмасдан унга мухр босиб туширилган.

Муғ тоғи суғд хужжатларидаги муғрлар сурати берилади.

Европада ҳозиргача давом этиб келаётган муҳр шакли XIV-XV асрларда пайдо бўлган. Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда узук-муҳрлар ўрта асрларнинг сўнги босқичларигача давом этди. Ёғоч, металл каби материаллардан ясалган шаклан ҳозирги замон муғрлари Ўрта Осиёда Россия империяси мустамлакачилиги даврида пайдо бўлди.

Марказий Осиёда энг қадимий муҳрлар бронза асрига оид. Улар илк (прото) шаҳарларда, хусусан, илк суғорма деҳқончилик маданияти минтақаларида Марғиёна, Бактрия, Суғд кабиларда кўплаб топилган.

Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган муғрларнинг тасвирлари жадвали берилади.

Кўзига ўйиб тушурилган тасвирлари бор узуклар геммалар дейилади. Марказий Осиё ёдгорликларидан кўплаб геммалар ҳам топилган. Қарши яқинидаги Хонтепадан топилган геммада филбон бошқариб бораётган фил устида паланкин узра ўтирган эркак тасвири бор. Гемманинг доиравий юзаси чеккасида βαυανκακ сўзи битилган.

Фаришта Аши паланкинда ўтирган кишининг ортидан учиб келиб кўлидаги тожни унинг боши томон узатиб турган ҳолда тасвирланган. Бу рамзий ифода Қарши воҳасида ҳукм сурган ҳокимият эгасининг давлатга эгаллиги илоҳийлашганлигини кўрсатган.

Ўзбекистон ҳудудларида муҳрканлик ҳунарининг ривожини бронза ва илк темир асрларидан давлатчилик муносабатлари билан баробар ривожланиб келган. Антик даврда муҳр масаласи муҳаллий ҳудудий давлат тузилмаларининг сиёсий мавжудлиги ифодаси бўлиб хизмат қилган. Масалан, Хоразмнинг Бургут қала ёдгорлигидан топилган муҳрларда ҳокимият рамзини кўлда тутган отлик тасвири етакчи ўринда. Муҳрларнинг турли намуналарида тасвирларнинг хили кўпаяди. Жумладан, уларда ҳаёлий (фантастик) ҳайвонлар (қанотли от), мушуксимон ҳайвон, оху ёки жайрон тасвирлари учрайди. Баргсимон шаклли муҳрларда баъзан чин маънода барг тасвири бўлса, баъзан схематик тарзда ишланган от тасвири бор.

Ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудларида давлатчилик асосларидаги ўзгаришлар, хусусан, ислом даври билан боғлиқ ҳолда юзага келган шароит муҳрларнинг тузилиши, мазмуни, вазифаси доирасини ҳам ўзгартирди. Ҳукмдор муҳри, турли давлат лавозимлари, диний раҳнамолик, ҳуқуқий хизмат доиралари ўз муҳрларига эга бўла бошлади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида муҳрнинг аҳамияти бундай таъкидланади: “Шоҳ деди-ки, барча нарсадан қиммат нарса бу – қилич \, муҳр, тахт ва тождир”

Муҳрдорлик ўрта асрларда энг улуғ мансаблардан бири бўлган. Жумладан, Алишер навоий Хусайн Бойқаро даврида муҳрдор бўлан. Бухоро хонлиги ва амирлиги босқичларида ҳам муҳрдорлик вазифаси бўлиб, хусусан, XIX асрда бу вазифав амирнинг энг биринчи ёрдамчиси қушбеги зиммасида бўлган.

Қушбеги пойтахт “гебернатори, арк коментанти, давлат муҳрини асровчи, хазинанинг назоратчиси” деб кўрсатилади XIX аср рус дипломатларининг кундаликларида (П. Шубинский, П. И. Демезон). В. В. Крестовский қушбеги ҳақида “амирнинг шахсий муҳрини сақловчи” деб кўрсатади. Бу муҳр давлат муҳри ҳисобланган.

Бухоро амирлиги даврида сулола бошлиқларига, уларнинг ўғилларига, муфтийларга, қозиларга, раисларга, бекларга (маҳаллий маъмурларга) тегишли муҳрлар бўлган. Давлат муҳрлари ҳамда юқори мансабли амалдорларнинг муҳрлари кумушдан ясалган. Турли қуйи лавозимларга ва хусусий шахсларга тегишли муҳрлар мисдан, сердолик, нефрит, тоғ биллури каби ярим қимматбаҳо тошлардан ўйилган.

Амирнинг шахсий муҳрлари баргсимон шаклида бўлиб, уларнинг юзасида амирнинг исми, унвонлари, сан (рақамда берилган шаклда) туширилган. Ўрта картуш атрофида майда арабий хат билан дуо-тилак жумлалари ўйиб туширилган. Муҳими шуки, муҳр ёзувлари ва барча безаклар тескари туширилган. Масалан, Амир Музаффар исми ўнглаб ёзилса امير مظفر бўлади. Муҳр хат юзасига босилганда ёзуви ўнг бўлиб тушади. Ёки _____ёзуви ўнг тушганда قاض “қози” бўлади ва ҳаказо.

Қозиларга тегишли муҳрларнинг доиравий кесмасидаги юзасида ўрта қисми квадрат майдонча қилиб ажратилган. Буни картуш дейилади. Картушда қози, унинг унвонлари шажараси кўрсатилган тескари ёзув жойлашган. Картуш икки қаторли (баъзан бир қаторли) бўртиқ чизик ичига олинган. Чизик тўлқинсимон бўлиши ҳам мумкин. Картушдаги ёзувда баъзан қозининг ўқиган мадрасаси ҳақида маълумот ҳам учрайди.

Картуш атрофида доиравий жойлаштирилган ёзув қатори одатда Қуръон оятлари, оллоҳнинг сифатлари кабилар бўлган. Муҳр доирасининг чети турли нақшлар билан, ёзув қаторларихарф оралиқлари нафис навалар, гуллар билан безатилган.

Турли даражадаги амалдорларнинг муҳрларида амал-мансаблар, исмлар картушда, атрофида эса майда ёзув билан қуръоний сўзлар ўқилади. Муҳрлар асосан доирасимон падрак бўлиб, ўртасидаги картушлари тўғри тўрт бурчак, овал, квадрат, баргсимон шаклларда учрайди. Амаллар, унвонлар бек, хожа, раис ва бошқалардан иборат. Картуши йўқ муҳрларнинг “ишчи” юзаси (яъни босилганда акси тушадиган юзаси) овал, олти бурчак, тўғри тўрт бурчак шаклларда учрайди. “Муҳри пири дастгир” номли муҳрда картуш доиравий. Муҳр майдонининг катта қисмини эгаллаган ёзувда машҳур сўфий олим, пири муршид Абд ул-Қодир Жилонийнинг исми, унвонлари ва санаси кўрсатилган.

Бухоро муҳрлари орасида қоғоз пулга унинг номиналини англатувчи ёзувли клише-муҳр сифатида ишлатилганлари ҳам бор. Бундай муҳрнинг “ишчи” юзаси кунгираддор қирраларга эга.

Бухоро амирлиги даврига оид кўплаб хусусий (айрим шахсларга тегишли) муҳрлар маълум. Уларнинг картушлари бўлмайди. Юзасида шахс исми, баъзан сана битилган. Уларда лавозим, мартаба, мақом каби қўшимча маълумотлар ҳам учрайди. Хусусий муҳрларнинг шакллари турлича. Саккиз бурчак, олти бурчакли, эллипссимон тўрт бурчак, тўғри тўрт бурчак ва ҳаказо. Баъзи хусусий муҳрлар чекаси бўйлаб нақшин безакли ҳам бўлган.

Назорат саволлари:

Мустақил иш топшириқлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: